

БОБУРНИ  
ИЗЛАБ  
بابرني ايزلاب



BOBURNI  
IZLAB

Андижон, 1993

**Рустамбек ҳожи Шамсиддин ўғли. «Бобурни излаб» — «Мерос» илмий-маърифий маркази.**

Заҳриддин Муҳаммад Бобур номли Андижон Давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Мерос» илмий-маърифий маркази раҳбари, **РУСТАМБЕК ҲОЖИ ШАМСИДДИН** ўғлининг ушбу китобида муаллифнинг Бобур номи илмий экспедиция таркибида Эрон, Туркия, Сурия, Йордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирликлари, Покистон, Афғонистон, Ҳиндистон мамлакатларига қилган сафарларидан олган таассуротлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Экспедиция таассуротлари ҳақидаги хилма-хил ҳужжат ва материалларни тартибга келтиришда, хориждан келтирилган китобларни ўзбекчалаштиришда, видео, ҳамда аудио кассеталарига ёзилган турли воқеалар тафсилотларини қозғога тушуришда яқиндан ёрдам берган аспирант Бахтиёржон Расулов, ўқитувчилар Фазлиддин Абдуллаев, Сойибжон Ҳошимов ва стажёр-тадқиқотчи Уктамбек Убайдуллаевга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

**Муаллиф.**

## МУҲАДДИМА

Миллий истиқлол шарофати билан тарихий, миллий, умуминсоний, диний қадриятларимиз тикланмоқда. Кўп минг йиллик тарихимиз, маданиятимиз, диний эътиқодимиз халқимизга қайта берилмоқда. Кўҳна тарихимиз ва яқин ўтмишимиздаги миллий қаҳрамонларимиз, жаҳон маданияти, фани ва ижтимоий тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолар, миллатимиз мустақиллиги, ор-номуси, равнақи ва камолоти учун курашган шонли фарзандлар хотираси улуғланяпти.

Дунё тарихи, маданияти ва фанида ўчмас из қолдирган буюк аجدодларимиздан бири, юртдошимиз, Андижон фарзанди, улкан ўзбек шоири, олими, давлат арбоби, улуғ саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи ҳам кўплар қатори эъзозланяпти. Айниқса, Андижон вилоятида кенг илмий, адабий жамоатчилик ташаббуслари астойдил қўллаб-қувватланиб, буюк бобомиз Бобур ижодий меросини тарғиб этиш, хотираасини аабдийлаштириш борасида кўпдан-кўп ибратли, хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қилинаётган ишлар нафақат ватандошларимизнинг, балки хорижликларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Жумладан, «Озодлик» радиоси 1992 йил 26 ноябрда Бобур ва унинг мероси Ўзбекистонда, шунингдек, Андижонда кенг улуғланаётгани ҳақида алоҳида эшиттириш берди. Радио шундай хабар қилди: «Ҳозирги Ҳиндистонда мўғул салтанатини ташкил этган Бобур Фарғона водийсида оламга келган. Ҳозирда у туғилган жой Андижонда уй музейига айлантирилган бўлиб, ўзбеклар бу музейни фахрланиш ва гурур билан эътибор қилмоқдалар. Уз вақтида Шайбонийлар

томолидан мағлуб этилганига қарамай, Бобур **Ўзбекистонда** миллий қаҳрамон деб эълон **этилган**.

Бобурни қирғизлар ҳам қаҳрамонимиз демоқдалар. Сай-ёқлар ва диндорлар Уш шаҳрига яқин жойдаги баландлиги салкам бир минг метр бўлган чўққига қатнайди, чунки шаҳзода Бобур 14 ёшида экан, ибодат қилиш учун шу тоғнинг чўққисига чиқиб, қирқ кунни фақат пои ва сув билан кечирган ҳамда товт-ибодат билан шуғулланган. Маълумки, у бола чоғидаёқ шонир ва тақво аҳлдан эди. Булардан қатъи назар бу ердаги Бобур зиёратгоҳи ва аждодларимизнинг кўҳна ёдгорликларини унуттириш мақсадида Сталин томонидан бузилган эди. Бироқ агар коммунизм юз минг йил ҳоқм сурданга ҳам ҳеч ким ўз тарихини унутмайди. Зиёратгоҳ аҳолининг ёрдами билан Қосимов томонидан қайта иншоат этилган. Зиёратгоҳда ўтирган сўфилар зиёрат учун келганларга Бобур ва унинг давридан сўзлаб берадилар. «Халқ Бобурни улуг зот дейди...» Бу сўзлар АҚШ журналисти Аҳмад Рашидникидир. Худди шундай эшиттиришлар АҚШдаги «Америка овози», Саудия Арабистонидаги, Туркиядаги ўзбекча радиостанцияларда ҳам янгради.

Франция пойтахти — Парижда ҳозирда Темур ва те-мурийлар ассоциацияси ташкил бўлиб, унинг иш дастурида Бобур ва бобурийлар тарихи, санъати, маданиятини ўрганиш каби ибратли тадбирлар белгиланган. Андижонда ташкил бўлган Бобур номли илмий экспедиция фаолиятдан намуна олиб, Париждаги Бобур мухлислари Андижонга ташриф буюришни изҳор этдилар. Бу жамиятнинг илмий котиби Фредерик Брессану 1992 йил декабрида Андижонда бўлди.

Хуллас, Бобур ва унинг бой, бетакрор меросини ҳам Шарқ, ҳам Ғарб ўрганмоқда. Бобур туфайли Андижон бутун дунёга танилмоқда, кўпдан-кўп жаҳон халқларининг нигоҳи Андижонга тушмоқда. Шу бонс ҳам Бобур таваллудининг 510 йиллигига атаб ўтказилаётган тадбирлар ниҳоятда аҳамиятлидир.

Андижон шаҳридаги энг катта марказий майдон, собиқ Октябрь майдони, энг катта ва энг узун шоҳ кўча — Қўшариқ даҳасидан Мирпўстин кўчасигача бўлган узун кўчалар (собиқ Жданов, Киров проспеклари), вилоятимиздаги энг тўнғич олийгоҳ — Андижон Давлат университети, бир қанча жамоа ва давлат хўжаликлари, дам олиш санаторияси

маданият, маърифат маскаплари бу улуг инсон номи билан юритилмоқда, машҳур Богншамолда Бобур боғи, Бобур музейи бунёд этилмоқда.

Яна шундай таҳсинга сазовор ишлардан бири Андижонда Бобур номли илмий экспедициянинг ташкил этилишидир. Бу ишда Зокиржон Машрабовнинг хизмати катта бўлди. Экспедиция фаолляти ҳам ўзимизда, ҳам хорижда шархланди, ижобий баҳоланди.

Экспедицияни сафарга кузатиш Андижонда жуда катта ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида ўтди. Аввал Бобур уй-музейида, сўнгра Хакандаги чойхонада уюштирилган йиғинда андижонликларнинг ҳамма соҳалардаги вакиллари қатнашди, карнай-сурнайлар, куй ва қўшиқлар садоси янграб турди. Қуръон тиловат қилинди.

Йиғинда Андижон вилояти ҳокимининг ўша пайтдаги биринчи ўринбосари Б. Болтабоев, экспедиция раҳбари З. Машрабов, вилоят ветеранлари кенгаши раиси Т. Каримова, шоир Олимжон Холдор, Бобур номли Андижон Давлат университетини ректори вазифасини бажарувчи, профессор К. Ғ. Парпиев, Девошбой масжиди имоми Абдулатиф қори Қосимов ва бошқалар сўз олиб, экспедиция аъзоларига, оқ йўл тиладилар.


14 кишидан иборат экспедиция 1992 йил 19 майдан 15 июлга қадар, қарийб 2 ой давомида машинада 18 минг километр йўл босиб, Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Чоржуй-Ашхобод орқали Эрон, Туркия, Сурия, Йордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирликлари, Покистон, Афғонистон мамлакатларига сафар қилди. Темурийлар, бобурийлар оёғи етган қадамжойларни зиёрат этиб, бобуришуносликка оид кўплаб ҳужжатли материалларни олиб қайтди. Шундан сўнг 1992 йил сентябрь — октябрь ойларида ўз ҳисобимдан Ҳиндистонга бориб, Бобур ҳақида кўплаб материаллар олиб келдим. Сафарлар давомида видеокамера, фотоаппарат ва диктофондан фойдаланиб, бир неча кундалик дафтарлар юритиб, имкон борича экспедиция мавзун юзасидан хилма-хил материаллар тўплашга эришдим. Бобур авлоди — Покиза бегимни топдик. Кўрган-билганларим бўйича 6 та ҳужжатли телекўрсатув, икки марта радиоэшиттириш тайёрлаб, уларни Фарғона водийси халқига етказдик, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ўзбекистон овози», «Туркистон», «Олтин водий», «Андижоннома», «Зиё-

кор» рўзномаларида қирққа яқин мақолалар эълон қилдим. Бобур номли университетда илмий саёҳат материаллари бўйича кичик бир мозийгоҳ ташкил қилдик. Буларнинг ҳаммаси кенг жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди.

Бобурийлар меросини кенг тарғиб этиш мақсадида университетнинг кампа раҳбар бўлган Ўзбекистон тарихи кафедрасида Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш бўйича илмий тўғарак ташкил этилди, бу мавзу юзасидан талабаларнинг курс ва диплом ишлари ҳимояси ўтказилди. Экспедиция сафари чоғида хориждан олиб келинган 30 га яқин инглиз, ҳинд, урду тилларидаги китоб ва рисоаларни ўзбек тилига таржима қилишни бошлаб юбордик. Хориждаги бобуршунос олимлар билан яқиндан алоқа ўрнатиб, илмий ёзишмалар олиб борилмоқда.

Бобур номли Андижон Давлаат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси қошида «Мерос» номли илмий-маърифий марказ ташкил бўлди. Бу марказ Бобур ва бобурийларнинг бой меросини баҳоли-қудрат ўрганиш, тадқиқ этиш, эл орасида тарғиб ва ташвиқ этиш, андижонликлар орасида бобуршуносларнинг янги авлодларини тарбиялаб етказиш, Бобур меросини халқимизга ҳар томонлама таништиришдек хайрли вазифаларни ўз олдига қўйган.

Мазкур рисола ана шу вазифаларни амалга ошириш йўлидаги катта ишларнинг кичик бир дебчаси холос. У экспедиция сафари чоғида тўпланган, жамланган хилма-хил материаллар ҳақида қисқача маълумот бериш, олинган таассуротлар билан ўртоқлашниш мақсадида битилди. Шу билан мазкур рисола бўйича билдирилажак ҳар қандай мулоҳаза, танқидий фикрларни, маслаҳатларни биз бажону дил қабул қилгаймиз. Экспедиция натижаларини, саёҳат давомида тўпланган материалларни чуқур тадқиқ этиш эса келгусида биз ёзишни ниyat қилган жиддий илмий рисоланинг мазмун-мундарижасини ташкил этади.



## БОБУРМИРЗО ХАҚИДА КЎХНА ЭРОН СЎЗЛАЙДИ

23 май куни эрталаб соат 11.15 да божхонадан ўтиб, Эрон сарҳадига кириб келдик. Кираверишда катта темир дарвоза, унинг икки тарафиди соқчилар. Чегара пештоқига «Наше отношение со всеми на основе ислама», («Ҳамма билан муносабатларимиз ислом асосида»), «Дорогие гости! Добро пожаловать на Исламскую Республику!». (Қадрли меҳмонлар! Ислому жумҳуриятига хуш келибсанлар! деган шнорлар ёзиб қўйилибди.

Эрон. Қадимий дин. Узоқ утмишга, бой маданиятга эга, жааҳонга буюк сиймолр берган улкан мамлакат. Жа-нубий-Ғарбий Осиёда, Ўрта Шарқда жойлашган, Туркма-нистон билан чегарадош давлат. Имиллон 648 минг кв. км., территорияда 50 миллиондан зиёд аҳоли, 30 дан ортиқ мил-лат, элатлар яшайди. Улар орасида энг кўпи форслар, яъни эронийлар, 22 миллиондан кўпроқ. Шунингдек, мамлакатда озарбайжонлар, қурдлар, туркмаклар, белужлар, тожиклар, ўзбеклар ва бошқалар яшайди. 2 миллионга яқин киши кўч-манчи, ярим кўчманчи тарзда ҳаёт кечиради.

Маъмурий 24 вилоят мавжуд. Мамлакат пойтахти — Теҳронда 10 миллион аҳоли яшайди.

1979 йил февралда Жаҳон шоҳ салтанати ағдарилб, оятилло Ҳумойний бошчилигидаги мусулмон руҳонийлари ҳокимият тепасига келдилар.

Уша йили 1 апрелда расмий равишда Эрон Ислому рес-публикаси деб эълон қилинди. Конституцияга кўра, Эронда мусулмон руҳонийларининг раҳбарлик роли эълон этилган.

Қонун чиқарувчи ҳокимият — бир палатали парламент, унда 300 га яқин ноиб бор, ижроия ҳокимият 4 йил муддатга сайланувчи президентдир. 1983 йил июлида А. А. Ҳошнми Равсонжоший Президент этиб, Мир Ҳусайн Мусовий — Бош вазир этиб сайланганлар.

1980 йил сентябрида бошланган Эрон—Ироқ уруши ҳар икки мамлакат халқи учун катта зарар келтирди. Кўплаб одамлар ҳалок бўлди. 1200 километр узунликдаги Эрон—Ироқ қуруқлик чегарасида, Форс кўрфазин сарҳадида олиб борилган жангларда Эроннинг ўзидаги 1 миллионга яқин одам қурбон бўлди.

Эроннинг катта қисмини Эрон тоғлиги эгаллайди. Элбрус тизмаси (баландлиги 5604 метр), Копетдоғ, Ҳиндикуш, Суланмон, Зангрос тоғлари бор. Иқлими — субтропик, континентал ва қуруқ, чўл ва чала чўллар кўп.

Эрон тупроғига қадам қўйишдан бошлаб, то Туркияга ўтгунга қадар хаёлимдан бу заминдаги кўҳна тарих лавҳалари бир-бир ўта бошлади.

Эрон чиндан ҳам дунёдаги энг қадим, тарихи бой мамлакатлардан. «Овесто», «Шоҳнома»даги, «Беҳистун» устуни ёзувларидаги Эрон замин шуҳрати ҳақида билганларим кўз ўнгимда пайдо бўлди. Эрон билан Турон, Сиёвуш билан Афросиёб, Доро, Қайхусрав билан Тўмарис, Широқлар ўртасида бўлиб ўтган воқеалар хаёлга келди. Ахир бизнинг қадимий Турон-замин, Туркистон билан Эроннинг тарихи бир-бири билан сингишиб кетган, кўпдан-кўп ўхшашликлар, умумийликлар бор. X асрда Сомонийлар салтанати ҳам Турон, ҳам Эронни идора қилган. Қорахонийлар давлати, Ғазнавийлар давлати X-XII асрларда Эронга кучли зарба берган. XX аср бошларигача, деярли 900 йил давомида Эрон туркий сулолалар—Ғазнавийлар, Салжۇқийлар, Хоразмшоҳлар, Жалонрлар, Музаффарийлар, Темурийлар, Сафавийлар, Аффорлар, Кожорлар ҳукми остида бўлган. Буюк форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида форсийлар орийлар, турклар, осийлар деб аталган. Султон Маҳмуд Ғазнавий «Шоҳнома»да туронликларни ваҳший қилиб тасвирлагани учун Фирдавсийни қадрламагани эсимга тушди.

Хорижлик машҳур тарихчи Л. Л. Янглэннинг Амир Темур томонидан Эроннинг забт этилиши ҳақидаги мана бу адолатли гапларини хотирладим: «Темур Эронни иккинчи



марта ишгол қилар экан, фуқаролар уруши оқибатида бу мамлакатга етган зарарни иложи борича тезроқ бартараф этишга ҳаракат қилди. У бу ердаги солиқ ва бадалларни камайтириб, адолат ўрнатди».

Бобомиз Амир Темурнинг ғолибона юришлари натижа-сида барча эроний халқлар туркларнинг ҳукми остига ўтиб қолганди. Шу боис эроний халқларнинг Моварауннаҳр турк-ларига, жумладан, биз ўзбекларга нисбатан алами бордир, унинг аломатлари ҳозирда ҳам сақланиб қолган бўлса ке-рак, деган хаёлга ҳам бордим.

Бобурнинг омади келмаган вақтда Темурийлар давла-тини сақлаб қолиш мақсадида Эрон подшоси Шоҳ Исмоил билан вақтинча битим тузиб, унинг ёрдами билан Самар-қандни қўлга киритгани, Шоҳ Исмоил Бобурнинг рақиби Шайбонийхонни жангда мағлубиятга учратиб, унинг ўзини ўлдириб, Бобурнинг эгачиси Хонзода бегимни озод қилиб, Бобур Мирзо ҳузурига жўнатгани каби тарихий лавҳалар ҳам кўз ўнгимда гавдаланди.

Бобурнинг суюкли фарзанди Ҳумоюнга Эронда бўлиш nasib этган. Бамбек Гаскоиннинг Деҳлида 1987 йили англиз тилида нашр қилинган «Буюк мўғуллар» номли китобида Ҳумоюннинг Машҳадда 40 кун бўлгани, Эрон шоҳи Тасман билан учрашгани, у билан дўстона муносабат ўрнатгани, унга кўндан-кўп тортиқ ва совғалар, низоом этгани, жаҳонга машҳур ўша «Кўхий Нур» ҳам шоҳга тортиқ қилингани айтилган. Ҳумоюн Эрондалигида унинг ўғай укаси Комрон Шоҳ Тасманга элчи юбориб, Ҳумоюнни тутиб беришни сў-райди. Шунда шоҳнинг синглиси Султонум Ҳумоюннинг ҳо-лига ачиниб, акасидан Ҳумоюнга ёрдам беришни илтимос қилади. Натижада Эрон шоҳи ўз ўғли Муродни Ҳумоюнга қўшиб, Қандаҳорга қўшин юборади. Шунда Мирзо Аскарый Қандаҳор ҳукмдори эди. 1545 йил 3 сентябрида Ҳумоюн эронийлар билан биргаликда Қандаҳорни эгаллайди. Эрон шоҳи ўғли Мурод тўсатдан вафот этади. Ҳумоюн Қандаҳор-ни ўз тасарруфига олиб, Қобулни олиш учун куч тўплайди. Комрон эса Қобулни ташлаб қочинишга мажбур бўлади. Шун-дай қилиб ака-ука, бир отадан пайдо бўлган Ҳумоюн би-лан Комрон ўртасида 8 йил жанг кетади.

Шу каби ҳаёллар оғушида Эрон чегарасидаги полиция-чилар идораси жойлашган бино ва унинг атрофидаги сал-қин жойларда дам ўтириб, дам юриб вақт ўтказдим. Шу вақтда Эрондан Туркменистонга келин тушириб кетаётган

бир гуруҳ кишиларни ҳам кўрдим. Эрон билан Туркманистон ўртасида қудачилик ҳам борлиги аён бўлди.

Эронликлар одатига кўра, хориждан бирон-бир машинада чет эл фуқаролари ўтадиган бўлса, улар билан махсус полиция ходими бутун сафар давомида, мамлакатдан чиқиб кетгунга қадар бирга юрар экан. Биз учун тайинланган шундай киши Сафар Қурбонзода эди. Унга бизни Машҳад шаҳрига кузатиб, бу ердаги божхонага олиб келиши вазифаси топширилди.

Божхонадан Машҳад сари йўл олдик. Йўлнинг чамаси 25 километри тоғли, доvonлари бор, шағаллик экан. Қолган қисми текис. Довонлар Олой, Тошкент, Иссиқкўлга боришда учрайдиган доvonларга ўхшаб кетади.

Йўлда Қулмирзо доvonидан ўтдик. Сафар Қурбонзонанинг айтишича, Қулмирзо деган бир шахс шўролар томонига ўтиш чоғида қулаб, ҳалок бўлган, шу боис доvonга унинг номи берилибди.

Сафар Қурбонзода Машҳад божхонаси ходими Ҳожин Ога бизни бундан сўнги сафар йўлимизни белгилаб, беришни айтди.

Биз кетаётган йўл 80-90 йилдан бери мавжуд экан. Шу жойдан Теҳрон 900 км., Анқара 4 минг км. Тилмочлик қилаётган Муҳаммад Содиқ Қурбонзодадан шу маълумотларни билиб берди.

Турбодом қишлоғидан ўтдик. Икки қаватли лой томлар. Том тепаларини ўт босган. Аҳоли ибтидоий деҳқончилик, узумчилик билан шуғулланар экан. Тераклар кўп экилибди. Қўш ҳайдаётганлар, ғаллакорлар тер тўкиб, офтобдан қорайиб меҳнат қилишмоқда. Турбодом сойи ҳам қаршимизда пайдо бўлди. Унинг суви бир тегирмон бўлиб, Туркманистон сарҳадига келаркан. Унинг атрофида шолнпоялар ҳам бор.

Қурбонзонанинг ака-укалари Эрон-Ироқ уришида ҳалок бўлган. У жуда маънос қиёфада сигарет чекиб борар эди. Намоз ўқиркан. Нарх-наво баландлиги хусусида, 1 кг., гўшт 3,5 минг реал экани ҳақида гапириб берди.

Имом қули қишлоғидан ўтдик. Бу ердаги масжид анча эски экан. Шаҳри Бўчалдан ҳам ўтилди. Айрим жойларда «Озод ислом» деган шиорлар кўзга ташланди. Бу йўл жуда катта, 4-5 қатор, йўл атрофи кенг, текис бўшлиқлар. Аҳоли сийрак, қўйчилик ривож топган кўринади. Узундан-узоқ йўлнинг икки томонидаги катта-катта экинзор майдонлар ки-



Бобур уй-мазигоҳи

шининг диққатини жалб этади. Машҳадгача бўлган йўлнинг икки тарафи ниҳоятда гўзал водий манзарасини эслатади.

Йўл ёқаларида хилма-хил дўконлар жуда тартибли жойлаштирилган. Йўлакчалардан оқ саллалик нуруний кексалар боришмоқда, айрим жойларда давра суҳбати қизгин. Йўл давомида бодомзор, олмазор боғларни кўп учратдик.

Соат 18.00 да қадимий Машҳад шаҳрига қадам босдик. Кўп жойда «Аллоҳу Акбар!», «Субҳаналлоҳ», «Аллоҳу самад» каби калпмалар ёзиб қўйилибди.

Иккита ғознинг рамзий ҳайкали шаҳар ўртасига ўрнатилган. Айрим чорраҳаларда ҳам ғоз ҳайкаллари бор. Шаҳарнинг бир томони адирлик экан. Худди Ушнинг жўғрофик ҳолатига ўхшайди. Шаҳар ўртасида кичик бир тоғ ҳам бор. Бекатлари жуда тоза, кўчаларга сувлар сепилган. Машҳадда 8 миллион аҳоли яшаркан. Сафар Қурбонзода бизни шаҳар бўйлаб сайр қилдирди, сўнг божхонага олиб борди.

Имом Ризо ҳарамига яқин катта кўчалардан биридаги масжидда шом намозини ўқидик. Дўконларни айландик. Бутун Ислом Шарқида маълум ва машҳур Имом Ризо мақбарасини зиёрат қилдик. Уни тасвирга туширишимизга эса ижозат беришмади. Бу ажойиб, беҳад гўзал, мафтункор қабр ва ибодатхонани, ундаги манзарани тасвирлашга сўз ожизлик қилади.

Имом Ризо мухлислари беҳад кўп. Ҳарамга оёқ кийми ечилиб кирилади. Унинг ичи одамлар билан лиммо-лим. Аёллар, ёшу-қарилар, болалар кўп. Ҳаммалари ибодат, қироат қилиш билан банд. Диний эътиқод, диний диёнат ўта мустаҳкамлиги шундоққина аён бўлиб турибди. Ҳарамнинг ички ваа ташқи залларининг деворлари, устунлари, дарвозалари, остоналарига, ерга ётқизилган оппоқ мраммар тошларга одамлар юзини қўйиб, икки қўлини кўтариб тангрига илтижо қилишмоқда.

Муҳаммад Содиқ орқали бир қанча зиёратчилардан Имом Ризо мақбараси, унинг яратилиш тарихи ҳақида сурштирдик. Аммо натижа биз ўйлагандек чиқмади. Бу ажойиб обида тарихи ҳақида бирон-бир тушунча олиш имкони бўлмади.

Машҳад шаҳри аслида Шарқнинг қадимий шаҳарларидан, маданият, маърифат ўчоқларидан бири бўлган. Бу азим шаҳар ўрнида IX асрда Санобод қишлоғи жойлашган.



Машҳад номи даставвал араб жўгрофлари асарларида тилга олинган. Машҳад XI-XII асрларда Ғазнавийлар, Салжуқийлар, сўнгра Хоразмшоҳлар қўл остида бўлган. Мўғуллар ҳужуми туфайли шаҳарнинг кўп қисми бузилган, XIV аср охиридан Машҳад Хуросоннинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлиб Темурийлар ва саффофийлар даврида равнақ топган. Қисқа вақт (XVIII аср ўрталарида) Машҳад Нодиршоҳ давлатининг пойтахти бўлган. 1795 йил уни Кожорлар эгаллаган. Уша биз зиёрат қилган Имом Ризо мақбараси IX асрдан бери машҳур. Машҳад шиа мазҳабидаги мусулмонларнинг муқаддас шаҳридир. Биз учун энг армонли нарса Машҳаднинг чеккасида жойлашган, буюк сўз устаси, Шарқнинг улуғ алломаси Абулқосим Фирдавсий қабрини зиёрат қила олмаганлигимиз бўлди. Божхона ва йўлдаги «маш-маша»лар бунга имкон бермади.

Машҳаддан Буюк ипак йўли ўтган ва шу туфайли бу азият шаҳар Моварауннаҳрдаги Бухоро, Самарқанд, Урганч каби шаҳарлар билан боғланган.

Бу ерда бўлган пайтимида Шоҳруҳмирзонинг невараси Абулқосим Бобур Хуросонга ҳукмдорлик қилган даврда унинг Саройида ёш Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий хизмат қилгани, 1456 йили Абулқосим Бобур ўзи билан бирга Бойқаро ва Навоийни Машҳадга олиб келгани, бир йил ўтгач, Абулқосим Бобур Машҳадда вафот этгани ҳам эсимга тушди.

Уз даврининг уста ҳаттоти Султонали Машҳадий ҳам Машҳадда таваллуд топган. У Алишер Навоий даъвати билан Ҳиротга келиб турган, Ҳусайн Бойқаро кутубхонасида ҳаттотларга раҳбарлик қилган. Бобурнинг берган маълумотларига қараганда, Султонали Машҳадий Ҳусайн Бойқаро учун ҳар кунини ўттиз байт, Алишер Навоий учун 20 байт китоб кўчирган. Унинг қалами билан Навоийнинг «Хамса» ва яна 2 девони кўчирилган. У кўчирган Ҳусайнбой Кашшокийнинг «Ҳотамнома», «Жавоҳирнома» асарлари ҳозирда Тошкентда, Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда. Тарихий, бадний меросимизнинг ажойиб дурдоналаридан жуда кўпи ҳаттот Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган бўлиб, улар бизгача етиб келган ва ҳозирда Истамбул, Лондон, Париж, Берлин, Қоҳира, Техрон, Лейпциг ва бошқа шаҳарларда сақланмоқда. Улар орасида Низомий, Аттор, Ҳофиз, Ҳисрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий асарлари ҳам кўп.

Буюк ҳаттот ҳаётининг сўнги йилларини ўзи туғилган Машҳадда ўтказди, 1520 йили вафот қилди. У Бобур Мирзо замондоши эди,, улар бир-бирларини яхши билишган.

Ҳозирда Машҳад шаҳри Эрон Ислом республикасининг йирик савдо-саноат, сийсий, маданий марказига айланган. Металлсозлик, тўқимачилик, кўнчилик, пойабзал, озиқ-овқат, кимё ва қурилиш материаллари корхоналари анчагина. Иссиқлик электростанцияси, университет бор. Хунар-мандчиликда гилам тўқилар экан, уй-рўзгор ва заргарлик буюмлари жуда нафис дид билан тайёрланааркан.

Имом Ризо ҳарамига бориш ва қайтиш чоғида савдо дўконларига кириб, улардаги хилма-хил, сифатли саноат молларини, зебу зийнатларини кўриб ҳайратда қолдик. Кечаси бўлишига қарамасдан кўчалар, савдо дўконлари ёпёруғ. Нарх-наво жуда юқори. Шўрва учун пиёз, помидорини 2 долларга олдик. Яхшиямки, Андижонда қўғирдоқ тайёрлаб олгандик, у жуда асқотди.

Меҳмонхона ҳам қиммат, божхона коридорида тунаб чиқдик. Қозоғистоннинг Чимкент шаҳридан Сурияга қидирув ишларини бажаришга бораётган пармаловчилар билан учрашдик, улар ҳам «КамАЗ» машиналарида тунаб чиқишди.

Шу жойда 20-йилларда Душанбе атрофидаги қишлоқларнинг биридан келиб қолган Абдулло Насруллонинг ўғли Хасру Сархуш билан учрашдик, суҳбатлашдик. У Машҳадда туғилган. Лекин отаси таваллуд топган юртда бўлиш истагани бор. Вафотин олдидан отаси унга Ватанини бориб зиёрат қилишликни васият қилган экан.

24 май куни эрталабдан соат 15 гача божхонада расмий сафар ҳужжатлари тайёрланди, машина билан Эрондан Туркияга ўтиб кетишга рухсат олинди. Оралиқда ош қилиб, ташаввул қилдик. Тасвир камераларимизни рўйхатга олиб, сўрғичлаб беришди. Янги кузатувчи-полициячи қўшиб беришди. Божхонадагиларга ҳар биримиздан 5 доллардан йиғиб олинди.

Машҳаддан чиқиб, соат 20 ларда Сабзавор шаҳридан ўтдик. Катта, тарихий шаҳар экан. Кўплаб масжидлар, қабристонларни кўрдик. Шаҳарнинг бир томони тоғ. Ғуло-Бўстондан ўтилды. Сардобарда кўплаб хумдонлар бор экан. Бўстон — тарихий вилоят экан. Кечаси билан йўл юриб эрталаб соат 9-10 ларда Техрон шаҳрига кириб келдик.

Шарқнинг қадимий, машҳур шаҳарларидан бири — Теҳрон Эрон Ислом республикасининг снэсий, иқтисодий, савдо-молня ва маданий маркази. У Эльбрус тоғининг жанубий этагида жойлашган, денгиз сатҳидан 1100-1300 метр баландликда. Иқлими субтропик, континентал. Уртача ҳарорат январда 2 грдус, июлда 29-30 градус. Бу шаҳар XII асрда қадимий Рай шаҳри яқинидаги манзилгоҳ ўрнида барпо қилинган. Уша вақтда Рай ва унинг атрофлари, умуман Фарбий Эрон Хоразмшоҳлар мулкига қўшиб олинган. 1194 йил 4 мартда Хоразм шоҳи афсонавий Текеш Салжукийларнинг сўнгги султони Тўғрул устидан худди шу Теҳрон ёнидаги Рай шаҳри яқинидаги жангда ғалабага эришган. Текеш Тўғрулни ўлдириб, унинг бошини Бағдодга юбориб, шаҳар деворига осдириб қўйган. Теҳроннинг аждодларимиз номи билан боғлиқ бўлган бу каби тарихий лавҳаларини беихтиёр эслашга тўғри келди.

Теҳроннинг кўпдан-кўп тарихий жойларини, айниқса, 1943 йилда Теҳрон конференцияси бўлган, СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси И. В. Сталин, АҚШ президенти Ф. Д. Рузвельт, Англия Бош вазир У. Черчилль учрашган тарихий жойни, Теҳрон университетини, Эрон миллий мозийгоҳини кўришдек иятим бор эди. Афсуски, бунга эриша олмадим. Чунки экспедиция шошаётган эди, иложи борича, 1, 2 июнь кунлари Маккаи-Муккарамада бўлишлик мақсад қилинган эди. Акс ҳолда, Саудия Арабистони ҳудудига кира олмай, ҳаж амалларини адо эта олмай қолишимиз мумкин эди. Ана шу эзгу ияятлар оғушида ҳаммамиз ҳам шошлардик, кунига 1000 км. дан йўл босишга тўғри келди. Шуниси ҳайратланарликки, Мадинаи-Мунавварага, сўнг Маккаи Мукарамага етиб келгунимизгача машинамиз бирон марта бузилмади, бирон-бир устахонага мурожаат қилишга ҳам тўғри келмади.

Теҳронда кундузи бўлиб, шаҳарни қисқа муддат айландик, пул алмаштирдик, савдо дўконларида бўлдик. Нархнаво жуда баландлигининг шоҳиди бўлдик. Теҳрон, Эрон тарихи ҳақида биронта китоб сотиб олмадим. Теҳронликлар бизларни ҳамон шўравийлар деб ўйлаб, мустақил Узбекистон фуқаролари эканимизни тушуинмас эканлар. Бу ҳолатни тушуштиришга тўғри келди.

Соат 12 ларда Теҳрондан чиқиб Табриз сари йўл олдик. 1 соат 20 минутдан сўнг Қарич шаҳрига етиб келдик. Ша-



ҳарнинг ўнг ва олд томони тоғлар билан ўралган, тоғ ёнба-  
ғирлари аҳоли яшайдиган уйлар билан қопланган. Ҳатто  
тоғ чўққилари томонида ҳам якка уйлар кўп. Дурустгина,  
тоза, чиройли шаҳар экап.

Эронда пул бирлиги реал, туман деб юритилар экан.  
Кўчаларнинг икки тарафида хусусий дўконлар, ҳунараманд-  
чилик, майда саноат корхоналари жойлашган. Бу шаҳарда  
ҳам аёллар, қизлар қора либосга ўралиб, юзига парда тор-  
тиб юришибди.

Кундузи соат 15.30 ларда Қазвин шаҳрига етиб кел-  
дик. У Қазвин тоғи ёнида экан.

Эрон-Ироқ уруши вақтида Саддам Ҳусайн шу Қазвин  
шаҳрига яқин жойларгача келган экап.

Ҳамадон, Нишопур каби тарихий шаҳарлар ёнидан ўт-  
дик. Соат 17 ларда Аппар шаҳридан ўтилдик. Орадан ярим  
соат ўтгач, Занжон шаҳрига етиб келдик, бу ерда тамадди-  
лашиб, шом намозини ўқиб, соат 21.05 да йўлга чиқдик. Тун-  
ги соат чоракам бирда Бўстонобод шаҳридан ўтдик.

Бозорган шаҳрида ҳам бўлдик. Тунда Табризга етиб  
келдик. Кечаси бўлишига қарамасдан, шаҳар жуда ёруғ,  
беҳисоб электр чироқлари унинг чиройинга чирой қўшган.  
Фавворалар отилиб турибди, кенг, катта кўчаларнинг икки  
тарафида баланд, кўп қаватли иморатлар савлат тўкиб  
турибди. Табризгача бир неча туншелдан ўтдик. Чап томон-  
да, шаҳар, ўнг томонда денгиз. Ҳавоси жуда ҳам муътадил.  
Табризга тоғлик, айланма йўллар орқали баландликдан  
пастликка қараб тушилар экан.

Туни билан йўл юриб, ниҳоят 25 май кунн эрталаб соат  
6.30 да Эрон-Туркия чегарасига етиб келдик.

Эрон божхонасида Туркия божхонасига соат 12.20  
ларда ўтдик.



## ТУРКИЯ ДИЁРИДА

26 май куни соат 12.50 да Эрон божхонасидан ўтиб, Туркия сарҳадига кириб келдик. Эрон-Туркия чегараси жуда ҳам гўзал водий билан бошланаркан. Агри дарёси ёқасида катта майдон бўлиб, у яшил гилам тўшалгандек кўм-кўк, кишини ўзига ром этади. Шу жойда пешин намозни ўқилди. Тасвирчи Ф. Расулов шундаги ҳолатларимизни тасвирга олди.

Агри дарёси Агри шаҳрига қадар бўлиб, шаҳардан қайрилиб ўтиб кетаркан. Йўл билан дарё бир-бирига йўлдош бўлиб, Агри шаҳрига кириб кесишаркан. Соат 15.20 да шаҳарга етиб келдик. Рўпарамизда узоқдан чуққиси қор билан қолланган тоғ ўзига хос виқор билан кўзга ташланиб турибди. Бу воҳада қўйчилик анча ривож топибди. Шаҳарни ўнг томонда қолдириб Эрзрум сари бормоқдамиз. Чап тарафимиздаги дарё, ўнг тарафимиздаги қишлоқлар, кўм-кўк ўтлоқзорлар гўё бизга ҳамроҳдек эди. Баъзи қишлоқлар Ўзбекистондаги 50-60-йиллардаги қишлоқларни эслатади.

Ҳар 120-150 км йўл юрилгач, машиналарга ёнилғи қуйиш шахобчаларини учратдик. Соат 15.30—16.00 да шундай шахобчалардан бирида тўхтадик. Бу ерда мачит, тамаддиҳона, ҳордиқ чиқарадиган мўъжаз жой бор экан. Шу жойда тушлик қилдик. Бизга Маҳмуд Афанди ўзининг икки ўғли билан хизмат қилди. Чой ва нонлари жуда ҳам мазали экан. Ҳар биримизга 1 донадан фарш, нон, 2 стаканда оқ қанд билан памил чой тортилди. Бу камтарона тушлигимиз 182 лир, яъни 29 долларга тўғри келди. Бизнинг пулда 4350 сўмни ташкил этарди. Ҳар биримизга 310 сўмдан тўғри келаркан. Шунда биз яна бир бор Ўзбекистонимизда озиқ-овқат арзон эканини сездик, Худога шукрлар келтирдик.



Бобур майдони

Соат 16.30 да Эрзрум йўлидаги кичик бир шаҳарни ўнг томонда қолдириб, йўлда давом этдик. Экспедиция «имомни» куръон тиловат қилиб борди. Шартли маънода экспедицияни уч киши бошқарди: биринчиси — экспедиция президенти Э. Машрабов, иккинчиси-экспедиция «муфтийси» Абдугани Ҳожи Ҳамидов, учинчиси-экспедиция «имомни» Муҳаммад Содиқ. Гоҳида бу учлик ўртасида келишмовчиликлар ҳам бўларди.

Йўл давомида Агри дарёси Анқара томондан оқиб борар, биз эса Анқара сари ошиқардик. Эрзрумга яқинлашгач, йўлимиз тоғ орасига кириб борди. Икки тарафимиз оппоқ қор билан қопланган тоғли, адирли, ажойиб хуш манзара жойлар, аҳён-аҳёнда кўм-кўк ўтлоқзорлар, кичик-кичик қишлоқларни ортда қолдирардик. Муҳаммад Содиқ эса Куръони Карим, Ҳадиси Шариф, пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи-алайҳи васаллам ҳақида жуда ҳам маҳорат билан сўзлаб борарди.

Шу манзара, шу суҳбат чамаси 2 соат давом этди. 18.35 да йўл атрофимиз торайиб, ўнг томондаги тоғ ёнбағрида бордик. Чап томонимиз қорли тоғлардан иборат эди. Соат 19 да Эрзрум шаҳрига кириб келдик. Кўп қаватли, ҳашаматли уйлар, масчитлар кўп экан. Аёллар бу ерда ҳам қора либос кийишиб, юзларини парда билан беркитишиб юрибди. Оврупача кийинган аёллар ҳам бор, иморатлар ҳам оврупоча тилда. Университет бор экан. Тез орада шаҳардан чиқиб кетдик, Эрзрум орқада қолди. Яна икки ёқлама тептекис трасса. Яна ажойиб бир водий орасидан ўтиб борардик.

Соат 15.50 да аср намози ўқилгач, хонанда Адҳамжон Исмоиловнинг туғилган кунини нишонладик, Абдугани Ҳожи ака, Зокиржон Машрабовлар табрик сўзлари айтдилар. Муҳаммад Содиқ қори Куръон туширди. Йўлга равона бўлдик, кичик бир Қорасув номли дарёдан ўтдик. Машинамиз тепалик сари юриб, яна тоғ орасига кириб кетди. Кичик бир сой яна бизга ҳамроҳ бўлиб қолди. Тезорада йўлимиз давон сари давом этди. Пастликка тушилиб, яна тоғ орасидан кетилди. Эрзинжонга 120 км қолганда 10 метрли туннелдан ўтдик. Йўлнинг икки бетидаги палаткалар қуриб дам олишга чиққан одамлар, қўй подалари, асалари яшиклари қишлоқларда ҳаёт қайноқлигидан бир нишона эди.

Эрзинжонга чамаси 110 км қолганда, дарё кенгайиб, у ўнг томонга, йўл эса чап томонга бурилиб кетди. Ҳеч қан-

ча фурсат ўтмай ўша дарё чап томонимизда пайдо бўлди. Кичик бир сув омборига ҳам етиб келдик. Бу ерда одамлар балиқ тутиш билан овора. Кичик бир водий, кичик бир шаҳар-Техчандан ҳам ўтдик. Эрзинжонга 92 км қолган жойда катта дарё, водий бошланди. Ўнг томондаги тепаликларда анчагина қишлоқлар бор. Алтинкент қишлоғидан ўтдик. Йўлнинг икки бети теракзорлар билан қопланган, осма кўприк бор экан. Поезд йўлидан кесиб ўтилди, бир неча темир йўл туннелларини кўрдик. Шу жойдан Сапсар номли дарё ўтаркан. У Қорасув дарёсига қўшиларкан.

Йўл давомида бир қанча водийлардан ўтилди. Оқ сочили тоғлар, кўм-кўк, ўтлоқзорлар, кенг майдонлар, оқар сувлар, кишини ўзига ром этади. Темир йўл, машина магистрал йўллари серкатнов.

21.35 да Эрзинжонга кириб келдик. Шаҳарга кираверишда ўнг томонда эркак ва аёлларнинг алоҳида-алоҳида мачитлари бор экан. Унинг номи «Фотима хотин жапийси» деб юритиларкан. Шу жойда шом намозини ўқидик. Ерли намозхонлардан бир гуруҳи илтифот этишиб, меҳмон бўлишни, бугун тунаб, эрта саҳар йўлга чиқишимизни таклиф қилишди. Вақтимиз энқлигидап узр сўрадик. Бу ерда бир ой аввал кучли ер қимирлаб, талайгина иморатлар қулаб, палаткалар пайдо бўлибди. Ўзбекистондан ёрдам келиши ҳақидаги хабарни шу ердагилардан эшитганимизда ўзимизни енгил ҳис қилдик.

26 майдан тун бўйи йўл дордик, кўп доволардан, туннеллардан ўтдик. Йўлдаги масжидлардан бирида хуфтон намозини ўқиб, кечки овқат танаввул этдик, машинамизга солярка қўйдик. Бир солярканинг баҳоси 80 цент, яъни 0,8 доллар, ўша вақтдаги бизнинг 120-130 сўм демакдир.

27 май куни эрталаб Тошкент вақти билан соат 7.00 да Туркия вақти билан соат 5 да Маликил қишлоғидаги масжидда бомдод намозини ўқиб, сўнг йўлда давом этдик. Йўл аввалгидек теп-текис, чиройли манзарали. Минорали масжидлар жуда кўп. Қабристонлари жуда ҳам исломий, қабрлар усти ҳеч қандай безаксиз, мрамар тошларсиз, ёзувларсиз, фақат оддий тош қўйилган. Ортимизда яна бир қанча водийлар қолди. Анқарага боргунга қадар шунчалик кўп водийлардан ўтдикки, менинг назаримда рамзий маънода водийлар водийси, водийлар макони оралаб бордик.

Анқарага 150 км қолган жойдан яна темир йўл, дарё бизга «ҳамроҳ» бўлдилар, яна катта водий, тоғ ён бағрилла-

ридан боряпмиз. Тупроғи қизил рангли экан. Ёрлар хусусий, кичик-кичик тракторлар ишлаб турибди. Ахён-ахёнда далада меҳнат қилаётган аёллар кўзга ташланади. Тупроқ шунчалик қизилки, узоқдан ер узра қирмизги гилам тўшалгандек. Шерикий номли қишлоқдан 9.30 да ўтдик. Қизил рангли икки қаватли уйлар йўлнинг икки томонида қад кўтарибди.

Ниҳоят, соат 14.30 ларда Анқара шаҳрига кириб келдик. Биринчи бўлиб тўхтаган жойимиз шаҳарнинг марказида, анча тепаликда жойлашган Хўжатепа жомъе масжиди бўлди. Пешин намозини шу жойда ўқидик. Масжидда бир кеча тунашга тўғри келди. Масжид 60-80 йилларда халқ ҳашари билан қурилибди. 30 дан зиёд лойиҳалардан саралаб олиниб барпо этилган бу масжид жуда ҳам кўркам, ўта салобатли. Ҳукумат ҳам анча ёрдам берибди. Ички хонақада 15 минг, айвон ва ташқи хонақаларда 10 минг, жами 25 минг мусулмон намоз ўқийди. Жума намозиде 500 мингга яқин одам йиғилади, деб айтишди. 6 миллиард турк лираси сарфланибди. 26 қуббанинг 14 таси тиллодан ясалган. 4 та минора бўлиб, ҳар бирининг баландлиги 88 метр. Бош меъмор Хусрав Фотиҳ экан. Минора тепасига унинг ичкарисидеги зинадан ташқари лифт билан ҳам чиқиларкан. Мен, Абдуғани Ҳожи ака, С. Шокаримов лифтда масжид томига кўтарилдик. Бу жойдан бутун Анқара кафтда тургандек кўринади. Уни тасвирга олдим. Лифтчиининг исми Жамол Ҳожи экан. У яна Ҳаж сафарига отланибди. Унинг айтишича, мачит ертўласиде жойлашган супермаркет универмагидан, ёнида жойлашган автомобиллар саройидан тушган маблағ-фойда шу мачитнинг вақф мулки ҳисобланаркан.

Икки кун давомида беш вақт намозни шу кўркам мачитда ўқидик, шу мачитда тунадик, Автомобиль саройидеги қоровулхонада қўғирдоқ макарон билан таом тайёрладик.

Анқаранинг мафтункор, гавжум кўчаларидан таксиде, қўлимда видеокамера билан борарканман, буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг мана бу фаҳр ва ғурурга тўла сўзларини эсладим:

**«Биз ким, мулки Турон  
Амири Туркистонмиз.  
Биз ким, миллатларнинг  
Энг қадими ва энг улуғи  
Туркининг бош бўғинимиз».**

Турон замиш—ота турк, Қошғар—она турк, Туркия эса —бола турк деган ибора, тушунча нақадар ҳаққоний, тўғри эканлигига яна бир қарра ишондим. Бобур ва унинг во-рислари, ҳаттоки биз экспедиция аъзолари ҳам ўша ота турк авлодидан эканимиздан беҳад фахрга тўлдим.

Анқара днёрига қадам босарканмиз, буюк Амир Темур-нинг шуҳрати бутун Шарқ ва Ғарбга ёйилганини хаёлдан ўтказдик. Машҳур шарқшунос тарихчи, рус олими А. Яку-бовскийнинг «Темур» номри асарида келтирилган Анқара ёнидаги буюк жанг тафсилотини эсладим.

1400 йили Темур Урта Осиёдан узоқлашган ҳолатда турк султони Йилдирим Боязид ва Миср султони Фараж билан кураш олиб боради. Ушанда Темур Кичик Осиё ва Суриядаги бир қанча шаҳарларни забт этганди. Кичик Осиё-да Сивас шаҳри, Сурияда эса Холаб шаҳари Темур томо-нидан олинган эди. 1402 йили Темур қўшинлари Анқара ёни-да Боязид қўшинига қарши иккинчи марта ҳал қилувчи жангга кирди. Ҳар икки томондаги аскарлар сони 400 минг-га етганди; Темурда 200.000, Боязидда—200.00. Анқара ёни-даги жангда Султон Боязид тор-мор келтирилади ва асир олинади. Бу жанг биргина Осиё тарихидагина эмас, балки Оврупо учун ҳам жуда аҳамиятли эди. Бу билан Темур ик-кинчи марта Оврупо халқларига хизмат қилди. Анқара ёни-даги ғалабага эришиш ва Боязидни асирга олиш билан Те-мур турк усмонийларининг Константинополни забт этишини деярли 50 йилга кечиктирди. Темурнинг таслим бўлган, асирга тушган Боязидга бўлган муносабати ҳақида дунёда ҳар хил ривоятлар тарқалган.

Темурнинг ўта шафқатсизлиги, хусусан, асирга тушган турк султони Боязидга муносабати ҳақида Темурнинг ашад-дий душманлари ёзган айбномалар ҳақиқатга тўғри кел-мади. Бизни замонавий ёзувчилар ёзган фикрларга таяниб ҳукм чиқараётганликда айбланмасликлари учун, Темурнинг Боязидга қарши юришида шахсан иштирок этган Шарофид-дин Алвининг энг ҳаққоний материалларга асосланган сол-номасини кўздан кечирайлик.

Шарофиддин Али Темурнинг Боязидга нисбатан шаф-қатсизларча муносабати ҳақида эмас, аксинча, унга ўз тенг-ги сифатида муомала қилиб, унинг мағлубият аламини уну-тиши учун жуда катта иззат-икром ва меҳрибонлик кўрсат-гани ҳақида ёзади. Темурнинг ўзини бундай тутishi «Темур

тузуклари»даги фикрларга ҳам жуда тўғри келади. Бу кичик чекинишимизни Акбар мемуарларида келтирилган ва сайёх Берне гапириб берган кичик бир мисол билан якунлаймиз:

«Боязид асирга тушган кунни уни Темур қаршисига келтирдилар. Темур турк султонига диққат билан қаради-да, кулиб, юборди. Шунда турк султони Боязид алам билан шундай деди: «Темур! Менинг бошимга тушган бахтсизликдан кулма. Оллоҳ бугун мендан олиб, сенга берган нарсани эртага сендан ҳам тортиб олиши мумкин». Темур бирдан жиддий тортиб, меҳрибонлик билан деди: «Сенинг бошингга тушган бахтсизликдан кулишдан худо асрасин, Боязид. Мен сенинг устингдан эмас, дунёнинг ишларига куляпман. Оллоҳ шундай буюк давлат ва салтанатларни сариқ чақага ҳам олмас эканки, уларни менингдек оқсоқ ва сенингдек (Боязиднинг кўзи кўр бўлган) кўзи кўрга топшириб қўйганидан куляпман».

...Темур Боязидни чуқур қайғу оғушидан чиқариш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. У ҳатто Боязидга Анатолияни ва тожини қайтариб берди. Аммо кўп ўтмай, қайғуга дош беролмай Боязид ўлди. Темур ўлимга ўзи сабабчи бўлган бу ҳукмдор устида кўз ёши тўкди. У Боязиднинг фарзандларига катта ғамхўрлик кўрсатиб, уларни барча зарур нарсалар билан таъминлади ва бу билан уларнинг бахтсиз отаси олдидаги сўнгги бурчини адо этди. (Л. Лянглэ).

Айни шу масалада Т. Грановский мана бундай ёзганди: «Замонавий ёзувчиларнинг Темур Боязидни қафасга солиб қўйгани, унга шафқатсизларча муносабатда бўлгани ҳақидаги гаплар мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайди. Уша даврда яшаган биронта ҳам муаллиф бундай муносабат ҳақида ёзиб қолдирмаган. Аксинча, бизнинг қўлимизда Темурнинг султонга нисбатан чуқур ҳурмат билан қарагани ҳақида ишончли далиллар бор.

Шарқдаги ҳикоялардан ташқари, бу ҳақда шу жангга гувоҳ бўлган овруполикларнинг ҳам ёзиб қолдирганлари бор. Уша пайтда Каситиля қиролни Генрих III нинг элчиси ҳам Темур қароргоҳида эди. Оврупо халқлари Темурга ўз халоскори сифатида қарашди. Ҳақиқатан ҳам, Темурнинг бу галабаси туркларнинг Оврупо бўйлаб муваффақиятли юришини анча кечиктириб, Константинополь ҳалокатини 50 йил орқага суриб юборди».



Амир Темур билан Йилдирим Боязид ўртасидаги бу каби воқеалар, Анқара ёнидаги жанг тафсилоти Туркиянинг ҳозирги миллий мозийгоҳида қандай акс эттирилганини билишга қанчалик ишתיқ кучли бўлмасин, барибир мозийгоҳга бора олмадик. Камол Ота-турк ҳайкали атрофидан ўтишга зўра улгурдик...

Фурсатдан фойдаланиб, 28 май куни понуштадан сўнг тушгача Хайридин Султон билан такси олиб, шаҳарни биров айландим. Анқара университети тарих-география факультетида бўлдик. Илк бор биз Хилми Барлос исмли рус тили ўқитувчиси билан танишдик. У Тошкентда бўлган экан. Барлос хоним бизни факультет, кафедралар билан таништирди. Ҳамма жойда илиқ кутиб олинди, чой ва кофе таклиф этишди.

Факультет декани ўринбосари, профессор Канал Гурсал ҳузурида бўлдик. Баланд бўйли, қоп-қора сочли, кўзлари катта-катта, юзи истарали, дилкаш, кулимсраб турадиган бу йигит билан туркча гаплашдик. У Хилми Барлосга юзланиб, бизга тилмочлик қилманг, рус тилида сўзлашмаймиз, ахир миллий, этник жиҳатдан томиримиз, қонимиз бир бўлган кадроларни бошқа бир бегона тилда сўзлашувни яхшимас, турк ва ўзбек тилларида бир-бирларимизни тушунаверамиз, деб айтди. Суҳбат ўзбек ва турк тилларида бўлди.

Тарих-география, филология факультетларида 6-7 миңг талаба таҳсил кўраркан, уларга 500 домла дарс беришаркан.

Ўрта Осиё тарихи, қадимги даврдан, ҳунлардан бошлаб, уйғурларнинг янги давргача бўлган тарихини, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистоннинг 20-йиллардаги тарихи ўқитиларкан. Инқилоб йиллари ўқитилмаскан. Темурийлар ва Бобурийлар даври тарихи ҳам ўрганиларкан. Факультет 1936 йилда Камол Отатурк томонидаш ташкил қилинган.

Камол Гурсал шундай деди: «Турк тилини, турк динини, турк тарихини Ўзбекистон ўлсин, Туркменистон ўлсин. Озарбайжон ўлсин, бутун туркий халқларнинг динини, тарихини жуғрофиясини, культурини, дунё културидаги ўрнини талабалар ўрганажак. Шу онда тарих, жуғрофия, фалсафа, психология, социалогия, бутун бошқа тилларни, лаҳжаларни ўрганадур. Ўзбек тилини, қозоқ тилини ўрганажак. Иншооллоҳ, Ўзбекистондан муаллимлар, олимлар, келажак.

Яқинда Тошкент университети тарих факультети ва тил факультети деканлари келишди...»

Сухбат чоғида биз 70 йил мобайнида на ички, на ташқи сиёсатда, шунингдек, на олий таълим соҳасида мустақил йўл тута олмаганимизни, мапа энди истиқлолга эришиб, бошқа соҳалар каби олий ўқув юрлари фаоллигини мустақил ташкил этиш, бунда Шарқ хусусан, Туркия тажрибасидан фойдаланишимиз кераклигини айтдим.

Ўзбек-турк халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги узоқ ўтмишга эга эканлиги, Урта Осиё жадидларининг аксарият қўлчилиги айни Туркияда таҳсил кўрган, ёш турклар ҳаракатининг. Урта Осиёда миллий озодлик ҳаракатига кучли таъсир кўрсатгани, Туркиянинг асл фарзанди Ливар пошшонинг ўзбек халқининг истиқлол учун курашига қўшган ҳиссасини, шу йўлда қурбон бўлганини, у ҳақда сўнгги вақтларда ўзбек матбуотида ижобий мақолалар чиқётганини, Бухоро жумҳурияти Президентни Усмоиҳўжа Пўлатҳўжаев большевиклар, шовинистлар қисувни, таъқибига бардош бераолмай, 1922 йили Туркияга келганда, уни Камол Отатурк қабул этгани, умрининг охиригача шу жойда яшагани, «Янги Туркистон» журналининг ташкил этиб, унга муҳаррирлик қилганини айтиб бердим.

Абдуллоҳ гап орасида — бизда турк дунёси тарихи, Урта Осиё тарихи ўрганилади, чамаси 20-30 соат ҳажмида Моварауннаҳр, Туркистон тарихи ўқитилади, — деб қўшиб қўйди.

Декан ўринбосари хонасидан чиқиб, декан ҳузурига кирмоқчи бўлганимизда бизга 3-4 талаба рўпара бўлишди. Улар рус тили бўйича кучайтирилган дастур асосида ўқишаркан. Улар билан русча гаплашдик. Факультет 3-курс талабаси Қумрон Мажлис шундай деди: Туркия—Туркистон тарихи қадимдан бир бўлган. Шу билан Урта Осиё тарихига қизиқамиз.

Ниҳоят декан, профессор Ручана хоним Азиқ ҳузурига кирдик. Бу ажойиб олима аёл катта илтифот билан кутиб олди. У маданият ва санъат тарихидан катта мутахассис экан, тарих фанлари доктори. Хонаси жуда чиройли, дид билан жиҳозланган. Камол Отатурк портрети осиб қўйилбди. Маданият ва санъат даҳолари суратлари ҳам қўйилган. Китоб жавонларида хилма-хил адабиётлар. Диван, кресло, туваклардаги гуллар ҳам хонага файз киритиб турибди. Оқ юзли, малла сочли, кўзлари кўкишдан келган Ручана хоним

чипакам Шарқ аёлларига хос латофат, самимият, лбо билан ҳар бир сўзни салмоқлаб, ўлчаб гапираркан. Кенг мушоадалли олима билан бўлган суҳбатда Андижон университети тарих факультети билан Анқара университети тарих, жуғрофия, филология факультети ўртасида ўзаро ҳамкорлик масаласи ҳам кўтарилди. Таклифимиз бажонидил қабул қилинди. Андижондан тайёрлаб борган инглиз ва рус тилларидаги шартномаши ҳар иккимиз имзоладик. Абдум Эх Қуштуғди бу ҳужжатни муҳрлаб, расмийлаштириб, бирини менига, бирини Ручана хонимга берди.

Икки халқнинг ўтмиш тарихи ва маданияти борасидаги кўпдан-кўп яқинликлар, ўхшашликлар ҳақида кўп гап борди. Шўролар замоннда бу икки қардош-қондош халқар ўртасидаги алоқа, дўстлик, ҳамкорликка катта зарба берилгани, аммо Қизил империя, тоталитар режим қулаб, Ўзбекистон мустақил бўлган, ўзбек-турк халқларининг биродарлик, дўстлик муносабатлари тиклангани кўп мисоллар билан қайд этилди.

Ручана хоним Бобур номли илмий экспедиция иши билан қизқиқиб қолди. Мен бу ҳақда батафсил тушунча бердим. Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман Андижонда ташкил бўлишини билдиб, олима унинг ишида қатнашини истагини билдирди. Бобур ва бобурийлар давридаги санъат ва маданият ҳақида маъруза қилишни мумкинлигини изҳор этди. Ҳар икки университет тарих факультетлари талабалари ва профессор-ўқитувчиларининг ўзаро борди-келдилари, стажировка ўташлари, илмий сафарга боришлари, махсус курслар ташкил этиши ҳақида ҳам маслаҳатлашиб олдик.

XIX аср охири ва XX аср биринчи чорагидаги ҳам Туркия, ҳам Туркистон тарихи, хусусан жадидчилик, босмачилик, миллий истиқлол учун ҳаракатлар тарихи юзасидан бизни Анқарага келиб дарс ўтишимиз мумкинлиги, Ручана хоним эса Андижонга ташриф буюриб, XIV-XVI асрда Ўрта Осиёда маданият тарихидан маърузалар ўқиб бериши ҳақида келишиб олдик.

Суҳбат орасида Ручана хоним шундай дедилар: «XIX аср охири—XX аср бошларида Ўрта Осиёга, яъни Туркистон, Хива ва Бухорога кўлаб маърифатчиларни, жумладан, жадидларни, миллий истиқлол курашчиларини тайёрлаб беришда ҳам Туркиянинг хизмати бор. Сизлардаги «Ёш хива-

ликлар», «Еш бухороликлар», «Еш ўзбеклар»нинг аксарияти шу Туркияда таҳсил кўрганлар...». Мен бу фикрни қўлаб, мана энди тарих яна такрорланяпти, мустақил Ўзбекистон ва унинг Президенти И. А. Каримов республика учун мутахассис кадрларни Сизнинг мамлакатингизда тайёрлашни маъқул кўряпти, тез орада олийгоҳларингизда ўзбекистонлик талабалар таҳсил кўра бошлайдилар, деб жавоб қилдим.

Олийгоҳларда профессор-ўқитувчиларнинг маоши, имтиёзлари ҳақида ҳам гап борди. Ручана хоним профессор, факультет декани сифатида ойига 10 миллион лир, яъни доллар ҳисобига 1500 оларкан, ассистент эса 3 миллион, доцент 5 миллион лир оларкан.

Ручана хоним таклифи билан бизни Абдум Эх Кунтуғди университет билан биз турган Хўжатепа мачити ўртасида жойлашган ресторанда тушлик зиёфат билан меҳмон қилди. Андижондан олиб борган учта пичоқни декан, декан ўринбосари, Абдум Эхга совға этдим.

Касбдошим Абдум Эх Кунтуғди билан бўлган суҳбатда Одана шаҳрида кўлаб туркистонликлар борлигини билиб олдим.

Одана вилоятида яшаётган ватандошларимизнинг аксарият кўпчилиги Қўқон хонлигини руслар босиб олгандан сўнг, Қошғарни эса хитойлар босиб олганларидан кейин ватани тарк этиб келганлар. Аввало, улар Афғонистон, Покистон ва Эронга муҳожир бўлиб чиққанлар. Йиллар ўтгач, турли йўللар билан улар Туркиянинг шу Одана вилоятига турли йўллار билан улар Туркиянинг шу Одана вилоятига келиб жойлашганлар. Бу жойда ўрнашиб қолган ватандошларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга Усмонли империяси даврида Маккан Мукаррама ва Мадина Мунавварага ҳаж сафари ва ўқнига келган Туркистон ёшлари биринчи жаҳон уруши даврида Усмонли армия сафида хизмат қилиб, урушдан сўнг, шу Оданага келиб жойлашганлар киради. Улар Оданада озодлик учун олиб борилган жангларда фаол қатнашганлар, айримлари қаҳрамонлик намуналарини намойиш этганлар. Бу ҳақда чоп этилган китобларда ёрқин саҳифалар битилганини эшитиб ғоят фахрга тўлдим.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Олмониядан келиб қолган, собиқ асир ватандошларимиз Оданада яшаётган туркистонликларнинг иккинчи гуруҳини ташкил қиларкан.

Улар уруш пайтида олмонларга асир тушганлар, сўнгра Вали Қаямхон раҳбарлигида ташкил этилган Туркистон леогнионида душманга қарши жанг қилганлар. Уруш тугагач, улар Туркияга муҳожир бўлиб келиб қолишган.

1950 йилдан бошлаб Афғонистондан, Саудия Арабистонидан, Покистондан келган туркистонликлар учинчи гуруҳни ташкил этаркан. Бу уч гуруҳдаги ватандошларимиз Оданининг туб аҳолиси билан жуда яқинлашиб кетганлар. Аммо улар ўзларининг миллий урф-одатларини, расм-русмларини жуда яхши сақлаб келмоқдалар. Айни вақтда ўзлари яшаб турган ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаб келишмоқда. Масалан, 1950 йил туркистонликлар раҳбарлигида «Туркистонлик мужоҳидлар ёрдамлашма жамияти» ташкил этилди. Одана вилоятида яшаётган туркистонликлар Фулом Пошша ва Қозим Пошша маҳаллаларида «Туркистон» номли жомъе масжиди қуришга ҳам муваффақ бўлдилар. 1959 йили эса «Булоқ» номли мажмуа чиқаришга эришдилар. Мажмуа бир неча йил давомида нашр этилди. Унинг саҳифаларида Туркистоннинг тарихи, маданияти ҳақида кўплаб маълумотлар бериб борилди. Суҳбатдошимнинг айтишича, Оданада яшаётган туркистонликлар орасидан профессорлар, фан докторлари, доцентлар етишиб чиққан, улар олий ўқув юртларида дарс ўтмоқдалар.

Анқара университети тарихчи, тилчи олимлари билан бўлган қисқа учрашув чоғида Туркияда сўнгги вақтларда туркий халқлар тарихига, маданиятига онд кўплаб асарлар чоп этилганини билдик. 1985 йили Анқарада олим Аҳмад Жокар ўғлининг «Маҳмуд Қошғарий» номли асари нашр этилибди. Асар 45 саҳифали бўлиб, у туркшунослик илмининг асосчиси, қомусий олим, туркий халқларнинг энг қадимий ва энг мўътабар ёдгорликларини бизгача етказиб келган Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти, ижодий фаолиятига бағишланган. Рисоланинг кириш қисмида мана бу сатрлар бор:

«Маҳмуд Қошғарий XI асрда яшаган буюк бир олим ҳисобланади. У «Девону луғатит турк» асари билан шуҳрат қозонган эди. Бу асарнинг ягона кўлёзма нусхаси Истамбулдаги миллат кутубхонасида сақланмоқда. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзган бошқа асарлари, афсуски, бизгача етиб келмаган». Бу асарга Маҳмуд Қошғарий тузган дунё харитаси ҳам илова қилинибди. Муаллифининг айтишича, Маҳ-

муд Қошғарийнинг китоби арабларга туркий тилни ўргатиш мақсадида ёзилган. Уша Қорахонийлар даврида жамият тараққиёти, адабиёт, илму фан ривожи кўп жиҳатдан, асосан, адабий тилнинг тараққий этишига боғлиқ бўлган. Шу ғояни яхши тушунган Маҳмуд Қошғарий ўз замонасининг буюк тилшунос алломаси эди. Бу ўринда Юсуф Ҳос Ҳожиб ва унинг «Қутадғу биллиг» достони ҳам жуда катта аҳамиятга эгаллиги Аҳмад Жокар томонидан қайд этилади.

«Девону луғатит турк»нинг илм аҳли қўлига қандай етиб келгани ҳақида фикр юритиб, Аҳмад Жокар шундай ёзади: «Девону луғатит турк» номли асарни биринчи ўлароқ турк адибларидан Али Омил Азалбек толиб ёруқча чиқарди. Омил бу асарнинг бебаҳо бир китоб эканлигини сезиб вазир Талъат Пошшога тақдим қилди. Китоб Истамбулда 1915-1917 йилларда 3 жилд ўлароқ араб алифбосида нашр этилди. Кейин тилшунос олимлар бу асардан тўлиқ фойдаланишга бошладилар».

1992 йил 3 сентябрь кунини эрталаб соат 7 да «Озодлик» радиоси тўлқинларидан Аҳмад Жокар ва унинг «Маҳмуд Қошғарий» номли асари ҳақидаги эшиттиришни тинглаб, ўша Анқарада қардош Кунтуғди билан китоб дўконларидаги бўлган онларни эсладим. Уша эшиттиришдан парча келтирамиз: «Муаллиф Маҳмуд Қошғарий яшаган даврни таълил этиб, XI асрда Ўрта Осиёда туркий маданият жуда ривожланган, шу жумладан, тил, адабиёт, фалсафа ва илм-фаннинг турли соҳаларида бебаҳо асарлар ёзилди. Маҳмуд Қошғарий ва Юсуф Ҳос Ҳожиб туркий тилга катта эътибор бериб ўз асарларини она тилларида ёздилар. Маҳмуд Қошғарий туркий шева ва лаҳжаларни муштарак адабий тилга айлантиришга катта ҳисса қўшди. Бу икки буюк олим Қорахонийлар даврида яшади. Уша вақт ислом дини Ўрта Осиёда ёйилиб ривожланган ва янги бир маданиятни ўртага чиқарган», деб қайд этади.

Маҳмуд Қошғарий асли Болосоғунда (Қирғизистоннинг Бишкек ва Топмак шаҳарлари ўртасида жойлашган шаҳар —Р. III.) туғилган, унинг бобоси қошғарлик бўлиб, Болосоғунга кўчиб келган. Эшиттиришда яна Маҳмуд Қошғарий турклар, туркманлар, уғузлар, чигиллар, шаҳарларини ва қишлоқларини кўп кезиб чиққанлиги, манбалар тўплаб, турли хил тил хусусиятларини ўрганиб чиққанлиги ҳақида

гап борди. Бу асар шу кун учун ҳам хизмат қилишини «Озодлик» алоҳида ургу билан қайд этди...

Тушликдан сўнг, Анқарани тарк этдик.

28 май куни аср билан шом ўртасида Туркиянинг йирик маданий, илмий марказларидан бири Куниё шаҳрига кириб келдик. Бу ерда бизни Муҳаммад Содиқнинг дўсти ўзбек йигити Еқубжон бир неча мударрислар билан бирга кутиб олди. Тезкорлик билан мавлоно Жалолоддин Румий мақбараси, уй-мозийгоҳини зиёрат қилишга шошилдик. Чунки, қоронғи тушиб қолаётганди. Қабрни зиёрат қилдик, қуръон тиловат қилдик, мақбара ёнидаги масжидда шом намозини ўқидик. Мозийгоҳ берк экан, қоровулни кўндирдик, узоқдан туриб қабр, мозийгоҳни кўрдик, видеотасвирга олдик.

Мавлоно Жалолоддин Румий 1207 йили Балх шаҳрида туғилган. дастлаб отаси Баҳовиддин Валиддан, сўнгра ўз замонасининг машҳур мураббий ва олимларидан сабоқ олган, жуда яхши диний маълумот соҳибни бўлган. Бироз кейин Куниёга кўчиб борган Мавлоно Румий мадрасаларда олий таълим блан шуғулланган. У дунёвий фанларни, шунингдек, нотиқлик, ижрочилик санъатини эгаллаб, мадрасаларда мударрислик қилди, форс, араб ва туркий тилда ижод қилган. Унинг энг машҳур асари «Маснавий маънавий» («Маънавий маснавийлар») китобидир. Асар 6 жилдди бўлиб, тахминан 60 минг байт шеърдан иборат.

Жалолоддин Румий устози Шамсиддин Табризийга атаб 30 минг байтдан иборат бир девон ҳам тузган. «Маснавий Румий» китоби 27 минг байтдан иборат бўлиб, уни 10 йил давомида ёзган. «Девони Кабир» ҳам унинг қаламига мансубдир. Жалолоддин Румий ўзининг илмий фаолияти ва ҳаётий фалсафаси билан Шарқ оламида ўрта аср зулмат дунёсини ёритди. Олим 1273 йилда вафот этган. Шу табаррук зот қабрини зиёрат этиб, ўзимизда катта маънавий, руҳий енгиллик пайдо бўлганини ҳис этдик.

Муҳаммад Содиқнинг дўсти, Куниё мадрасаси мударриси, ўзбек уламиси Еқубжон бизни меҳмондорчиликка лутфан таклиф этди. Чамаси, бир чақирим масофада жойлашган мударрис ва талабалар яшайдиган уйга келдик. Узбекона қилиб тайёрланган дастурхон атрофида тўпланиб, кечқурунлик таомни танаввул қилдик.

Ёқубжон билан суҳбат чоғида ўзимни қизиқтирган соҳаларни суриштирдим. Маълум бўлишicha, университетда ҳам, мадрасада ҳам Турк дунёси тарихи алоҳида мустақил фан сифатида ўқитилади. Умумий тарих, ислом тарихи. Турк тарихидан ҳам дарслар олиб борилади. Университетда илоҳиёт, ҳуқуқдан ҳам дарс олиб борилади. Бутун Кушнё шаҳрида дунёвий, диний олийгоҳларда 25 минг талаба таҳсил кўради. Ҳар 30 талабага бир мударрис тўғри келади, университетга кириш учун талабалар пул тўлайди. Ҳар уч ойда бир марта ўртача 180-190 доллар ҳисобида пул тўланади.

Меҳмонлар билан қуюқ хайрлашиб, тунда йўлга раво-на бўлдик. Арикан деган жойга келиб тунадик.

29-май куни эрталаб бомдод намозини ўқиб, яна йўлга отландик. Арикан жуда гўзал жой экан. чор атрофи Арслонбобга ўшаб тоғлар билан ўралган, ўртадан сой ўтаркан. Масжит, таҳоратхона, машиналар ювадиган, машиналарга ёнилғи қуядиган жойлар жуда ҳам саришта, чиройли, тоза. Йўл давомида айрим жойларда йўл учун пул тўлаб борилди, яъни йўл хусусий экан. Йўл икки ёқлама, кавказдаги тоғ йўлларини эслатади. Бу ерларнинг ҳавоси жуда мусаффо, енгил, тоза. Йўлнинг икки томонида томи тунукали дала ҳовлилари жуда кўп.

Абдуғани Ҳожи ака бу йўлни Сибирь йўлларига ўшатади.

Ариқандан Ҳожи Антикга келгунга қадар ҳаммаси бўлиб, 35 минг лир йўл пули тўладик. Йўл давомида турли экинлар экилган майдонлар билан бир қаторда пахтазорларни ҳам учратдик.

Шу куни соат чамаси 12-13 ларда Туркия билан Сурия чегараси яқинида, Урта Ер денгизи қирғоғидаги Искандарун шаҳридаги металлургия заводи ёнида бироз дам олдик, денгизда чўмилишга ҳам улгурдик. Кўпимиз биринчи марта Урта Ер денгизида чўмилишга мушарраф бўлганимизни, бу ҳам Бобур Мирзо шарофати билан юз берганини катта қониқиш билан эътироф этдик.





**Бобур номли Андижон ип-газлама комбинати**




## СУРИЯ

29 май, соат 14-15 ларда божхонадан ўтиб, тарихий мамлакат — Сурия тупроғига қадам қўйдик. Суриянинг шаҳар ва қишлоқларидан ўтиб, 29 майдан 30 майга ўтар кечаси ярим тунда қадимий Шом ҳозирги Дамашқ шаҳрига кириб келдик. Автобусда тунашга тўғри келди. Бомлод намозини ўқиб, эрталабдан чамаси бир ярим-икки соат Дамашқнинг кўчаларини, бозорларини томоша қилдик. Айрим жойларни тасвирга олдим.

Сурия Ўрта Ер денгизига туташ, унинг шарқий қисмида жойлашган Яқин Шарқ давлатларидан бири. Аҳолиси 15 миллиондан зиёдроқ. Уларнинг қарийб 90 фоизи араблар. Аҳолининг 48 фоизи шаҳарликлар, расмий тил — араб тили, мусулмонлар 85 фоиз. Дамашқ аҳолиси 2 миллиондан ортиқ. Мамлакат 14 музофотга бўлинган. Давлат бошлиғи — Президент. 1971 йил мартдан бери бу лавозимни Ҳофиз Асад эгаллаб келмоқда. Халқ кенгаши — қонун чиқарувчи орган, ижроия орган эса Министрлар Кенгаши. Конституцияга кўра, Сурия Араб Республикаси «суверен, социалистик, халқ-демократик давлат, араблар ватанининг бир қисми».

Бу мамлакат қадимда Миср Хетт подшолиги, Янги Бобил подшолиги, Аҳамонийлар давлати, сўнгра Рим ва Византия империялари, Араб ҳалифалиги, Усмонли Турк империяси таркибида, 1958-1961 йилларда эса Бирлашган Араб Республикаси таркибида бўлган.

Сурия 1941 йилдагина расман мустақилликка, 1946 йилда эса амалдаги мустақилликка эришган. Ҳозирда аграр-индустриал мамлакат. Бу жойда ўзбек халқининг



**Бобур номидаги Андижон Давлат университети**

суюкли фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, ажойиб нотиқ, моҳир дипломат Нуриддин Акрамович Муҳитдинов Совет Иттифоқининг элчиси бўлиб турган. Тошкентда, Наманганда бу отахон билан учрашиб, ўтган воқеаларни диктафонга видеотасвирга олганимни эсладим. Н. А. Муҳитдинов Дамашқда турган барча элчиларнинг сардори бўлгани, у Президент Нуриддин Отаси билан жуда яқин муносабатда бўлгани, шу жойда турганда падари бузрукворининг умра қилишини ташкил этиб, Маккаи Мукаррамага олиб боргани ҳақидаги суҳбатлари эсимга тушди. Машинамиз Н. А. Муҳитдинов ишлаган собиқ СССР элчихонаси биноси ёнидан ўтиб кетди. Ҳозир бу бино устида Россия байроғи қилпираб турибди.

Дамашқда ҳаёт қайноқ. Ҳамма қаёққадир шошади. Борзорлар, магазинлар, хунармандчилик расталари гавжум.

Бир вақтлар шу мамлакат ҳам бобомиз Амир Темур салтанати таркибига кирганлиги хаёлимда ўтди. Соҳибқирон Темурнинг Шомга пойқадами етгани ҳақида «Темур тузуқлари»да шундай ёзилган:

«Миср ва Шом мамлакатларини забт этишга камар боғладим... Шом пойтахти (Дамашқ)га бериб туришга қарор қилдим. Хуллас ва Халаб йўли орқали у ерга равон бўлдим. Халаб шаҳрига етганимда, Миср подшоси Малик Боркук ўғли Малик Фараж менинг Дамашққа келаётганимни эшитиб, шошилинич билан Мисрдан Дамашққа қараб йўл олгани ҳақида хабар келтирдилар. Мен Миср ва Шом лашкарларининг қўшилишига йўл қўймаслик учун зудлик билан отланиб олдинга юрдим. Лекин Малик Фараж абжирлик қилиб, мендан олдин Дамашққа етиб олди. Шундай бўлса ҳам, мен унинг орқасидан шаҳарга етиб бордим ва Дамашқни забт этдим» (Темур тузуқлари, Тошкент, 1991й., 50-51 бетлар). «Темур тузуқлари»да яна шундай дейилган: «Шом шаҳарларини забт этганимдан кейин ва Мисру Шом подшоси Малик Фараж жанг майдонини ташлаб қочгандан сўнг, Румга юборган элчим Йилдирим Боязиднинг тескари жавобини олиб келди. Лекин Боязид Миср ва Шом лашкари мендан енгилганини эшитгач, ўйланиб қолгани ва саросимага тушиб, шошилинич равишда юришга тайёргарлик кўра бошлаганини ҳам айтди. Мен эса кенгашиб Дамашқ шаҳрини олиб, Шом вилоятларини бўйсундиргач, «Мусул йўли билан Боғдодга қараб юрдим».

Сафардан қайтиб, университет тилшунослик кафедрасининг араб тили ўқитувчиси Нишонбой Солибоев билан кафедрадаги суҳбатда бу биродаримиз Дамашқда, Сурияда яшаб, хизмат қилганини билдим. Суриядан ўтганимизни билиб Нишонбой шундай деди: «Сурия Араб Республикасининг энг катта шаҳарларидан бўлган Алиффа ҳозир арабчасига «Халаф» дейилади. Шу Халафда Амир Темур қурдирган жуда катта қалъа бор. Уни ҳозирда ҳам араблар мозийгоҳ сифатида сақлаб келишади. Ундан кейин яна шу Сурия Араб Республикасининг пойтахти бўлган Дамашқ шаҳри (уни дамашқликлар «Мадинати Шом» дейишади) — Шомдан ғарб томонда 7-8 км пастда «Бор-а» деган бир воҳа бор. Шу воҳада темурийларнинг авлодлари қишлоқ-қишлоқ бўлиб яшайдн. Чунки Темур Дамашқни забт этган пайтда, ўша ерда унинг аскар-сарбозлари шомлик араб қизларига уйланган. Улардан тарқалган авлодлар ҳозирда бор...» Буларни эшитгач, мен яна бир карра афсусландим. Ахир темурийлар, бобурийлар изидан борган экспедиция ўшандай жойларни зиёрат қилиши керак эди-да?

Дамашқдалигимда ёшликдан дадам раҳматлик уста Шамсиддиннинг такрорлаб айтадиган мана бу сўзини кўп эсладим: «Насиб бўлса келар Шому Ироқдан, насиб бўлмаса кетар қошу-қабоқдан».

Фақат Фаробий, Темур ҳам эмас, Турон замини фарзандларининг бошқа кўплаб вакиллари ҳам бу «Шому шариф»да бўлгани ҳаёлимдан ўтди. Шундайлардан бири миллий қаҳрамонимиз Темур Маликдир. Асли турк, Хўжанд бекларидан бўлган афсонавий қаҳрамон Темур Малик XIII асрда мўғуллар истилосига қарши узоқ йиллар курашиб, Ватан мустақиллиги йўлида қурбон бўлган. Хоразмни ҳимоя қилиб, Хуросон ва Афғонистонда мўғулларга кучли, кетма-кет зарба берган бу зот Шом мамлакатига келиб сўфи либосида юриб, дарवेशлик қилган.

Яқин ўтмишда шўролар ҳокимияти тажрибасидан фойдаланиб, унинг ёрдами билан Сурия тараққиётнинг нокапиталистик йўлидан бораётгани, пировардида социалистик йўлга ўтиши ҳақидаги тарғибий гапларга ишониб, бу ҳақда ўзим ҳам маърузаларда, суҳбатларда гапириб юрганларимни эслаб, ўзимни поқулай сездим. Мана энди на СССР, на коммунистик режим бор? Сурия энди қайси тараққиёт йўлига тақлид қиларкин?



## ЙОРДАНИЯ

Сурия сарҳадидан Йордания мамлакатига 30 май куни соат 13-14 ларда ўтдик. Божхонада 180 доллар тўланди. Йордания пойтахти Амман шаҳри сари йўл олдик. Йўллари жуда гўзал. Сурияга нисбатан анча тоза, тартиб-қондалар ҳам мустаҳкам. Аҳоли ўта зич жойлашган. Жуғрофик рельефи баланд текисликдан иборат экан. Тошдан қилинган замонавий оврупоча уйлар кўп. Аммо сув танқислиги бор. Тоғ ёнбағирликларида аҳоли яшайдиган уй-жойлар кўп учрайди.

Йордания подшоҳининг 38 хотини бор деган гап очилгач, ҳар хил фикрлар баён этилиб, Ал-Зфариқа шаҳрига кириб қолганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Шунда соат кечаси 22.10 эди. Аммо шаҳарда ҳаёт қайноқ. Электр чироқлари ҳамма жойларни кундузгидек ёритиб тураркан. Бу шаҳар ҳам тоғ ёнбағрида жойлашган. Жуда чиройли, фариштали. Яна 20-25 минут ўтгач, пойтахт Амман шаҳрига кириб келдик. Бу шаҳарнинг биз кўрган ҳолатини таърифлашга сўз бойлигимиз етишмасди. Шаҳар анча катта, салобатли кўринди. Аҳоли жуда зич. Кўчалар, хиёбонлар, майдонлар, дўкон растлари, овқатланадиган ошхоналар жуда тоза, гўзал, сариштали, файзли. Кечаси бўлишига қарамасдан, подшо саройини машинада айланиб томоша қилдик. Тамадди қилдик. Ўта лаззатли монго ичимлик сувининг таъми ҳамон оғзимда: ловиядан қилинган суюқош, қовурилган товуқ гўшти, ҳам жуда лаззатли экан. Шаҳардан чиқиб, йўлда тунадик. 31 май куни эрталаб соат 7.45 да йўлга чиқдик. Арабистон қумлигидан, саҳросидан ўтиб бордик. Икки қаторли теп-текис йўл беқоён саҳро бўйлаб чўзилган. Гоҳ-гоҳида оз сонли аҳоли яшайдиган жойлар учрайди. Деярли дарахт йўқ. Уйлар ўзимиздагидек, томлари миллий

услугда. Ұзоқ-узоқда битта-иккита оқланган, икки қаватли уйлар ҳам кўзга ташланади.

Аммандан Саудия Арабистони чегарасига кириб келгунга қадар бўлган масофа 250 км экан. Йўл давомида кичик қишлоқлардан ҳам ўтдик. Машиналарни бензин билан таъминлайдиган корхоналар, устахоналар, масжидлар бор. Замонавий уйлар билан бирга лой томлар ҳам бор экан. Йўл кўрсаткичлари араб ёзувида, айрим жойларда лотинча ёзувлар ҳам кўзга ташланади.

Шу куни Саудия Арабистони сарҳадига кириб келдик. Чегарадаги қўрғон ҳаж сафарига кетаётган одамлар билан тўла. Бу ерда савдо дўконлари, ошхона, чойхоналар гавжум. Айтишларинча, қандайдир саховатли бой закот, ҳадя сифатида ҳаж сафарига бораётганлар учун эрталабки нонушта уюштирган экан. Биз учун ҳам нонушта ташкил қилишди. Шундан сўнг, саёҳатимизни Саудия Арабистони бўйлаб давом эттирдик.



## САУДИЯ АРАБИСТОНИДА

Мадинаи Мунаввара шаҳрига 1 июнь куни кеч соат 17-18 ларда кириб келдик. Абдугани Ҳожи ака ўз қадрдони юртдошимиз, андижонлик Қаюмжонга қўнғироқ қилди. Кейин билсак, Қаюмжон андижонлик дўстимиз Салоҳиддин Ҳожи Отахоновнинг жуда ҳам қадрдон дўсти экан.

Чамаси бир соат ўтар-ўтмас Қаюмжон етиб келди. Нов-

чадан келган, оқ юзли, қоп-қора сочли, соқол-мўйловли хуш феъл йигит экан. Ўзбекча сўрашдик. Шаҳарнинг четида эдик. Ҳаж мавсуми туфайли унинг ичкарасига кириш ёт машиналар учун тақиқлаб қўйилган экан. Қаюмжоннинг саъйи-ҳаракати билан бир печа бор полициячилар «тузоғидан» чиқиб, манзилгоҳимизга етдик. Эртасига эрталаб Қаюмжон ўзининг машинаси билан келиб бизларни Мадинаи Мунавваранинг зиёратгоҳ жойларига, биринчи галда Муҳаммад пайғамбаримиз Саллолоҳи алайҳи васалламнинг муқаддас қабрларини, масжитларини, ул зотнинг табаррук қадами етган, жанг қилган жойларни зиёрат қилдирди. Пайғамбаримиз асос солган Мадинадаги биринчи масжидда бўлди, намоз ўқидик.

Тушликни Қаюмжоннинг уйида қилдик. Қаюмжоннинг падари бузруквори Абдумалик ота бизни кутиб олди. Қизғин суҳбат бошланиб кетди. Нуруний отахон ҳаммамизни бир-бир суриштириб, Андижоннинг қаериданлигимизни фақат эскича номлар билан тилга олди.

Мен ўзимни Андижоннинг Кийгизчи маҳалласидан, Қизил карвон кўчасидан, аввалги бой Ёқуб Саркар маҳалласидан эканлигимни билгач, отахон шундай жавоб қилди: «Ҳа, яхши биламан. Абдусалом деган бола бўларди, дадамни акаси эди. Кўп борардим Кийгизчи маҳалласига».





Экспедиция аъзолари.

Орифжон ўзини Чинободдан, яна бир шеригимиз Мирпўстин отаданлигини айтишди. Абдумалик ота Мирпўстинни эслаб, илгари бу жойда сайиллар бўларди, ёшлигимда дадам кўп олиб борарди, дор тикиларди, курашлар бўларди, деди.

Адҳамжоннинг Хаканданлигини билгач, отахон: Хакан узумнинг қони эди. Хаканга биз дадам билан кўп борардик. Мирпўстинга яқин жой, деб жавоб қилди. Бу отахон Чоргузар, Такавон, Шолдирама, Шарифбек гузар, Тахта кўлряк каби жойлар ҳақида ўта соғинч, ташналик билан гапирардики, мен Ватаним қўмсан қанчалик дардли, оғир бўлишини тасаввур қилдим.

Абдумалик ота ўзини асли Тахта кўприкданлиги, Аҳмадбек Ҳожининг маҳалласиданлигини, Сталин вақтида, 20-йиллар охири, 30-йиллар бошида, «қулоқ қилиш» сиёсати бошланган пайтда ватаним тарк этишга мажбур бўлганини алам билан айтди.

— Сиз дадангиз билан ватандан чиққансизда? — деган саволимга суҳбатдошимиз шундай жавоб қилди:

— Ҳа, биз ёш эдик, Сталин бадбахт одамларни қириб юборган. Оқ гўрни тепасида латта зовуд деган жой бор эди. Ўша ерга одамларни олиб бориб, ўзларига чуқур қовлатиб, одамларни осарди, отарди. Ким бой бўлса, ким олим бўлса, эшон бўлса, намоз ўқиса, ундайларни ўша жойга олиб бориб отаверишган. Хотинлар ҳаммаси паранжида эди. Ленин бадбахтнинг ҳайкали бор эди, ўша жойга хотинларни олиб боришиб, паранжиларини куйдиришиб, ҳаммасининг юзини очиб юборишарди.

Аввал қолхоз-полхўз йўқ эди, ҳамма эркин савдо-сотик қиларди. Шўролар буларни тақиқлади. Афғонистон мусулмон ҳукумати эди. Шу биле не азоблар билан Андижонни тарк этиб, ҳижратни фарз айлашга тўғри келди. Аввал Тожикистонга келдик. Хонобод, Боғлон деган жойларда бўлдик. Афғонистонда тижорат қилдик, дўкон қилдик, хотин олдик, ҳаёт яхши бўлди.

Аммо бу ерга ҳам «Шўролар» етиб келди, «Савр инқилоби» деб номланган мудҳиш воқеалар бошланиб кетди. 2 миллион мусулмон шахид бўлди. Дарбадар бўлдим. Мужоҳидлар сафида туриб ўрисларга, коммунистларга қарши урушдим. Афғонистондан Мадинага келганимга салкам 2 йил бўлди.

— Отангизнинг исми ким эди?

— Нуриддин махсум. Катта амаким Садриддин махсум,



кичиги Муҳитдин маҳсум. Бизнинг турар жойимизнинг қадимий номи Қирлик даҳаси эди. Андижонда 4 та даҳа бўлган. Амакиларимиз ўлиб кетган, аммамиз бор эди. Лекин амакимизнинг ўғли бор экан. У кишининг исми Зухриддин.

— Бизда бўлган босмачилар билан Афғонистондаги босмачилар ҳақида фикрингиз қандай?

— Босмачи олиш Афғонистонда мужоҳид дейди, ватанимизда эса беклар дерди. Шерматбек деган ўтган, Мадаминбек, Исроилбек, Мулла Абдураззоқ...

Афғонда коммунистларни «нарчаи» дейди, ватанда «тўртинчи» дерди. Бу ҳалиги бекларни босмачи дерди. Мамлакат илгарги обод ер эди. Ҳар кимнинг дўкони, ери бор эди. Урислар келиб пахта деб миллионлаб мусулмонни гулом қилиб, ҳаммаи бир қолип қилиб, бировни ўз ҳолича иш қилишга, хорижга чиқишга йўл бермай қўйди. Мана биз ҳозир истаган мамлакатга, хоҳласак Америкага, хоҳласак Олмонияга бемалол бориб келаверамиз, эркинимиз.

— Уша вақтдаги андижонлик уламолардан кимларни эслайсиз?

— Уламолардан Мулла Қобул охун домлани яхши биламан. Катта тегирмондан Минҳожиддин маҳсум, Комил маҳсумнинг ўғли. Андижонда Жомеда Мамталибой мадрасида Мулла Қобул охун домла дарс ўтарди. Нуриддин қори домла деган ўтган. Рўзи қори домла, тахаллуслари «Бузрук қори» домла, Миркомилбойнинг уйи рўпарасида корхонаси бор эди. Миркомилбойнинг уйи ўша жўҳид маҳалласида эди.


Мен қўшимча қилиб, ҳозир жўҳид маҳалла йўқ, унинг ўрнида марказий универсал магазин, «Болалар дунёси» магазини, хотира майдони борлигини айтдим.

Миркомилбой, Аҳмадбек ҳожини ҳақида кўп илиқ гапларни Мадинаи—Мунавварада туриб ўзимизнинг андижонлик муҳожир Абдумалик отадан эшитиб беҳад хурсанд бўлдик.

Отахон Аҳмадбек ҳожини Андижондаги ўзининг уйи ёнидаги боғда Семурғ ҳайкали қургани, унинг тагида чойхона бўлганини эслаб, улар ҳозир борми, деб сўради. Семурғ ҳам, боғ ҳам борлигини эшитиб мамнун бўлди.

Отахон Ватанини дўст тутиш ниймонданлигини таъкидлаб, ўғилларим, пабираларим ҳаминша Ватан ишқида яшашини, шу руҳда тарбияланганлигини, улар инглиз, афғон,

# БОБУР ИЗИДАН



арабий, форсий, олмоний тилларни яхши билишларини, уйда ўзбекча гаплашилишини айтганида биз беҳад хурсанд бўлдик.

Макка-Мукаррамадаги «Андижон тепаси» ҳақида гап очилган эдики, бу мўътабар оқсоқол бу хусусида шундай деди:

— Ўша Макка Мукаррамада «Андижон такия» деган жой бор. Бу қадимий замонда, яъни бир вақтлар Хажга келган андижонлик хожилар ўз пуллари билан ўша ерни қуриб кетганлар. Дўконлари ҳам бор. Андижондан келган хожилар авваллари ўша жойда тўхташарди.

Биз Мадинадан Маккага келганимизда биринчи бор шу «Андижон такия»сида бўлдик. У шундоққина Каъбанинг ёнида экан.

Биз Абдумалик отанинг диктафонга ёзиб олган суҳбатидан айримларини келтирдик холос. Видеокамерага туширилган суҳбати эса анча кенг.

Минода шайтонга тош отиб келгач, кечқурунги овқатдан сўнг, хуфтон намозини ўқиб, қўшни чодирда турган шоир Абдулла Орипов ҳузурда бўлдим. Бир-бирларимизни ҳаж амалларини адо этганлигимиз билан табрикладик, бу кунга етказган Оллоҳу-таолога минг бор шукрлар қилдик. Мен биринчи бор шоир билан шу улуг жойда танишдим, сўрашдим. Бобур ҳақида ушбу табаррук жойда бу улуг шоирдан айрим фикр-мулоҳазалар эшитиш ва уни кўпчилик мулкига айлантириш қанчалик хайрли эканини фаҳмлаб мақсадимни айтган эдим, шукрлар бўлсинки, Абдулла, Орипов илтимосимни рад этмади, аксинча менга далда ҳам берди. Бу суҳбатда бир гуруҳ андижонлик Хожилар ҳам иштирок этишди. Суҳбатни тўла видеотасвирга тушириб, диктафонга ҳам ёзиб олгандим. Ўшандан айнан парчалар келтираман:

— Менинг бу ердаги илк таассуротим ғоят улкандир. Мен жаҳоннинг деярли барча қитъаларида, шаҳарларида, бўлдим, кўп қишлоқларни кўрдим. Барча жойда қанчалик иззат-икром билан, қанчалик меҳмоннавозлик билан кутиб олишмасин, барибир Сиз ўзингизни ўша ерда меҳмондек, мусофирдек ҳис қиласиз. Лекин Макка-Мукаррама ундоқ эмас. Макка Мукаррама бизнинг эътиқодимизнинг уйи, гуноҳини баён қиладиган ҳар бир мусулмоннинг пойтахти. Шунинг учун ҳам бу сафарни мен бутун жаҳонга

**БООУР-АНДИЖОН ФАРЗАНДИ (Алиев)**  
 1943 й. тав. 14834  
 - 1530а

1943 й. тав. 14834  
 - 1530а



1943 й. тав. 14834  
 - 1530а

қилган сафарларимдан жуда фарқли деб биламан ва бошқалар ҳам шундай ҳисобласа керак...

...Ва шу аснода яна битта гап хаёлимда турибди. Аждодларимиз ойлаб йўл босиб бу табаррук жойларга келганлар, турли қавм, турли қабилалар, турфа феълли одамлар бўлганлар ва бундан кейин ҳам бўлади. Булар гавҳардай асраган эътиқодимизга тааллуқли гаплар. Мен бу ердаги кўпчиликнинг дилидаги гапларни гапиришга журъат этганиман.

Буюк бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари бундан бирор беш юз йил муқаддам Қабба сафарини ихтиёр қилганлар. Икки — уч мартаба карвонлари тайёр бўлган. Ҳажга боради, қабани зиёрат қилади деган. Навоийнинг шундай гаплари борки, «ҳаж сафарига бораолмаганимдан қаттиқ афсусдаман» деган. Ваҳоланки Навоий бош вазир, жаҳоншумул шоир, улуғ мутафаккир, файласуф, эдилар. Бу кишининг мана шундай ташвиши, улуғ эътиқодининг ўзиёқ бизга катта мактабдир...

Яна бир улуғ ватандошимиз, жаҳоннинг энг кўркам сиймонларидан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобур Мирзо ҳазратларининг қадамжолари, борган ерлари, у киши помни, билан боғлиқ бўлган жойларни, айниқса халқимизнинг жаҳонга тарқаб кетган фарзандларининг зиёратгоҳлари бўйлаб уюштирилган илмий экспедициядан мамнунман...

Гап орасида мен Абдулла хожи Ориповга савол билан мурожаат қилдим:

— Абдулла ака, шу Ҳиндистонга борганингизда Бобурнинг пойқадамлари етган жойларда ҳам бўлган экансиз, шу ҳақда бизга қандай маслаҳатлар бермоқчисиз?

У жавоб қилди:

— Аввало, айтиш керакки, ҳар қандай ният, қандай шаклда бўлмасин, бир мамлакат иккинчи мамлакатни шафқатсиз босиб олар экан, бу ҳар қандай даврда ҳам босқинчилик деб баҳоланган. Чунки, бир қушни уясини иккинчи бир қуш эгаллаб олса, уни оқлайдиган бирор баҳона топиш мушкул.

Энди тақдирнинг тақозосини қарангки, Бобур Мирзо номини ҳиндистонликлар жуда катта ҳурмат-эҳтиром билан эслашади. Бизнинг юртдошимиз, бобомиз бўлгани учун қўшиб гапираётганим йўқ. Ҳиндистонда бўлганимда, арбоблар билан, адиблар билан суҳбатлашдим. Ҳиндлар жуда ватанпарвар бўлишига қарамай, Бобур Мирзо ва





## 1. Бобур-шоҳ

униг авлодлари, хусусан, Акбаршоҳ ва бошқа бобурийлар Ҳиндистоннинг маҳаллий халқини ниҳоятда қадрлаганлар, уларнинг динини, тилини ўрганган, уларнинг ерли одамига айлашганини эър эҳтиром билан гапиршди. Бобур Мирзо ва униг авлодлари қурган обидалар ҳаммаси сақланган, муслмон дунёсига хос минораларни, жоме масжидлари борки, буларни бизнинг Ўрта Осиёдан борган меъморлар қуршиган. Аградаги Тож Маҳал ер юзидаги, дунёдаги етти мўъжизасиниг бири, деб қаралади. Энди уни таърифлаш осон эмас. Ҳатто уни Рабиндранат Тагор ҳам таърифлай олмайман, деган эди. У кечқурун бир хил, тонгда бир хил ва тушда бир хил товланиб, ўзгача жозибали бўлиб туради.

Бизда ҳам Бобур Мирзо ҳақида романлар ёзилди, асарлари эълон қилинди, Аммо униг оядида биз авлодлари ҳали қарздормиз.

Бобурийларнинг авлоди 1800 йилларнинг ўрталаридан бошлаб, сиз тарихдан яхши биласиз, инглизлар асоратига тушгандан кейин қирпилиб кетган. Бобур авлодига мансуб кишилар бизгача етиб келган бўлса керак, ана ўшаларни излаб топиш ҳам жуда хайрли иш бўларди...

...Ҳамма халқлар ҳам ўзининг фарзандлари билан фахрланадилар. Жаҳоннинг турли мамлакатларида ҳар-хил сабаблар билан қолиб кетган ватандошларимиз кўп. Туркияда, АҚШда, Шенжонда, Афғонистонда ва бошқа жойларда ўша ватандошлар билан учрашганман.

Уйғур Мухтор Республикасига борганда, ватандошлардан Бобораҳим Машраб ҳақида сўрадим. Бу мавзуда қариялар билан суҳбатлашдим. Мен улардан сўрадим: Боболарингиздан эшитган гапларингизни айтиб берингчи, Машраб кўрнинишдан қандай одам бўлган?

— Машраб ўрта бўйли, қирра бурун, сочлари патилалатила, елкасига тушган, кўзига тик қарай олмасдик, кўзидан олов ёғилиб турарди, деб айтиб берганларини эслаймиз. Ҳозир ҳам бозорларда ва бошқа жойларда қаландар, дарвеш сифатида юрадиганларни гоҳида учратиб қоламиз. Машраб ҳам ўшандай қаландар ва дарвеш эди.

Хориждаги ватандошлар ҳақида тўхталиб, Абдулла ака шундай деди: — ...Худога шукр, ташқи алоқаларимиз кучайди, куни кеча андижонлик йирик тижоратчи, сармоядор ватандошимизнинг уйида бўлиб, чой ичдик. Улар



2. Хуш-оюн шоҳ ион Бобур шоҳ.

бизга жуда катта қизиқиш билан, борди-келди қилишини билдирдилар. Хориждаги ватандошларга ер, турар-жой бериш, қонунийлаштириш катта муаммо. Ватандошларимизни ҳозир Ўзбекистонимиз ҳақидаги тасаввурларни жуда тор, биздаги ахборотлар бориб етмаяпти, чоғи».

Бобур ва унинг авлодлари Каъбатуллоҳни зиёрат қилишни орзу қилганликларини хаёлан ёдга олдим. Бобурга Хаж сафари насиб бўлмаганди. Аммо у бундай сафарни қалб тўрисида сақлаган. Бироқ имкони бўлмаган.

Бобур ҳатти Бобурий алифбосини тузиб, уни араб алифбоси асосида туркий халқар фонетикасига мос бўлган бир алифбо яратишни мақсад қилиб, ҳатто Қуръони Каримни мана шу алифбога кўчириб, Маккаи-Мадинага юборган эди. Бу ҳақда «Бобурнома»да эслатиб ўтилган.

Бобурнинг валнаҳди Хумоюн Мирзога ҳам Хаж қилиш насиб этмаганди. Аммо у падари бузруквори ва ўзининг афсусини қилиб, укалари ва яқинларини ҳаж сафарига йўллашда катта саъйи ҳаракат қилган.

Асқарий Мирзо ўз умрининг кўп қисмини занжирбанд бўлиб ўтказган эди. Хумоюннинг истаги ва ёрдами билан Асқарий Мирзо Маккаи Мукаррамага ўз гуноҳларини ювиш учун жўнатилган эди. У Хаж сафарини адо этиб, қайтиши чоғида Дамашқда, яъни Шом шаҳрида вафот этди.

Хумоюн Камрон Мирзони ҳам ўз гуноҳларини ювиш учун Маккаи Мукаррамага юборди. У ҳам Асқарий Мирзо каби Каъбатуллоҳни тавоф этгандан сўнг, Арабистонда 1557 йили вафот қилган.

Хумоюн нафақат ўз иниларини, бошқа мўмин-мусулмонларини ҳам ҳаж сафарига йўллашга кўмаклашган. Ҳаждай қайтганларни ўз ҳузурига чорлаб, уларни зиёрат қилган. Унинг вафоти ҳам ҳаждан келганларни зиёрат қилиш вақтида юз берганди. Маккаи Мукаррамадан зиёратдан қайтганларни эшитиб, Хумоюн уларни ўз ҳузурига чорлаган ва кутубхонадаги зинапоядан тушаётиб, йиқилиб тушган. Уч кундан сўнг эса вафот қилган.

Ҳаж амалларини бажаришдан бўш вақтларимда ватандош ўзбеклар билан учрашишга, улар орқали асли туркистонлик бўлган олимлару-фозилларни, жумладан, Бобур ва бобурийлар тарихи, мероси билан шуғулланувчиларни билиш, Бобур авлодидан кимларга ҳаж этиш насиб этганини аниқлаш, умуман, бу юртда яшаётган қарийб



**Жалолиддин Акбаршоҳ**

700 миingga яқин ватандошларимизнинг ўз тарихига муносабатини билиш билан қизиқдим.

Сайид Мубошир Сулаймон Косоний билан учрашишга уришдим. Чунки, бу олим 1992 йил апрелида Президентимиз И. А. Каримов Саудия Арабистонига келганида, унга «Урта Осиё тарихи» деб номланган 2 жилдли китобини туҳфа қилганди. Бу зот асли косонсойлик бўлиб, замона зайли билан 1933 йили Афғонистонга, 1953 йили Саудия Арабистонига ҳижрат қилиб келиб қолган. Ҳозирда Абҳа шаҳрида яшайди. И. А. Каримовга туҳфа қилинган асар араб, форс, турк тилларида чоп қилинган. Ундан бир нусха олинган ва муаллиф билан учрашиш насиб бўлмади. Аммо шу нарса аниқ ва равшанки, Сайид Мубошир Сулаймон Косоний ўз китобида Темурийлар, Бобурийлар тарихига ҳам катта ўрин берган. Ҳар ҳолда бобуршуносликка оид озми-кўнми фикрлар борлигига ҳеч шуба йўқ.

Суриштириш орқали ватандош олимлардан Муҳит Назиф Шаҳроний ҳақида қисқача маълумот олгандим. Сафардан қайтгач, ўзбек матбуотида, «Озодлик» радиосида Шаҳроний ҳақида мақола ва хабарлар эълон қилиндики, у ҳақдаги маълумотим анча ойдинлашди.

Шаҳронийнинг ота-боболари асли андижонлик, ўзбек бўлган: — катта бобоси Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлоди бўлган. Икки авлод илгари бобосининг қариндош-уруғлари билан Андижондан Афғонистоннинг Бадахшон вилоятидаги Шаҳрон деган жойга кўчиб ўтишган. Кейинги авлод Шаҳронда дунёга келганлиги сабабли, уларнинг исми шарафига «Шаҳроний» қўшиб ёзмадиган бўлган.

Муҳит Назиф Шаҳроний аввал Қобул университети-ни, сўнгра АҚШдаги Хонолулу университетини тугатган. Сўнг АҚШнинг Сизл шаҳридаги Вашингтон университети аспирантурасини тамомлаган. Унга магистрлик илмий иш берилган. Тез орада 1972-1976 йилларда докторантурада ўқийди, «Афғонистондаги қирғизлар ва ваҳийлар» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Вашингтон, Хорвард университетларида, Питсер колледжиде мударрислик қилди, 1985-1990 йиллари Калифорния университетида профессор, 1991 йилдан Индиана университетида профессор бўлиб ишлади. Ҳозирда у шу университетдаги яқин Шарқ тадқиқотлари марказининг директо-



**6. Аврангзеб Оламгир**

ри вазифасида хизмат қилмоқда. Шу вақтгача у 60 га яқин китоб ва тадқиқотлар яратган.

Ҳаж амалларини бирма-бир айтишга журъат эта олмайман. Унинг сабаблари бор. Қолаверса, бу ҳақда матбуотда, алоҳида рисоаларда кўп ёзилган, бу улуг ҳаж сафарини алоҳида ҳикоя қилиш ниятидаман.

Мадинаи-Мунавварада 1-3 июнь кунлари, Маккаи Мукаррамада 4-19 июнь кунлари бўлди. Андижонлик ҳожилар жойлашган меҳмонхонада, экспедиция аъзолари учун ажратилган хоналарда яшадик, овқатланганимиз ҳам бир бўлди. Бизлар меҳмонхона ва овқат учун ва ҳаж амалларини бажариш учун бериладиган маблағдан озод бўлдик, фақат қурбонлик учун 250 реалдан маблағ бердик. Бунда муфтий ҳазратлари Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содиқ, вилоят экспедицияси аъзоси Абдуғани ҳожи Ҳомидовларнинг хизматлари катта бўлди.

14 июль куни Жидда шаҳрида бўлиб, ватандошлар билан учрашдик, Туркия ресторанида тамаддиландик, Қизил денгизда чўмилдик.

19 июнь эрталаб Тонф шаҳри орқали пойтахт Эр-Риёзга қараб йўл олдик. Бу ерга кечаси кириб келдик. 20 июнь кечаси шаҳар айландик. Эр-Риёз ҳақида Абдуғани ҳожи ака шундай деди: «...Мана, ислом давлатини кўринглар, қайси жойга борсангиз, беш киши ишлаётган жойда ҳам, ўн киши ишлаётган жойда ҳам, шаҳар, тижорат, йўл бўйидаги масжидлар, ҳамма жойда ғусулхоналар, таҳоратхоналар мавжуд. Бундай қулайлик, саранжомлик ҳеч бир дунёда йўқ. Мана шундай жойларда ўғри бўлиши мумкинми? Хиёнаткор бўлиши мумкинми? Нотўғри ҳаракат қилиш мумкинми? Иншоолло беш вақт намоз мўмин аҳли исломни тарбия қилади, инсофга, ҳалолликка, покликка чақиради. Олдимизда мана яна Покистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Афғонистон турибди. Худо ўзи осон қилсин сафарларимизни, бундан кейин борадиган ерларимизда оллоҳ яхши бошпаналар насиб этсин...».

20 июнь Эр-Риёздаги Японияда ишлаб чиқарилган машиналарни тузатадиган устахонага яқин бир масжидда қолдик. Масжид соҳибни, ажойиб бир инсон Ар-Рашид кечқурун бизни овқатга таклиф қилди. Хуфтон намоздан кейин биз бу ерда бўлдик. 21-22 июнь кунлари масжид имоми бизни кўп марта меҳмон қилди.

Эр-Риёздан Қаъба расмини (фотообой) олиш мақсадида





#### **4. Жоҳонгир шоҳ**

Абдуғани ҳожи ака билан бирга енгил машинада шаҳар айландик. Шаҳар жуда ҳам тоза, ҳавасингиз келади. Дунёдаги борки ноз-неъматларнинг ҳаммаси муҳайё. Покиза, ҳар бир кишида 2-3 тадан машина. Меҳмонлар алоҳида, ҳамма хонадонларда хизматкорлар. Эр-Риёз кўчаларида аёллар, 7 ёшдан катта қизлар умуман кўринмайди. Шундай катта шаҳарда пинда юрган одамни учратмайсиз, жамоат транспорти умуман йўқ. Бозорларда ноз-неъматлар қадоқланган, таҳланган. Машиналарнинг ҳамма тури бор. Кўчаларнинг номлари ҳам жуда чиройли қилиб ёзилибди.

Медицина хизмати аъло даражадалигини ҳаммамиз сездик. Ҳатто профессор, тиббиёт олими С. Ю. Турсунов ҳам тан берди. 4-5 кун давомида беморланиб қолган, аҳволи жуда почор бўлган Адҳамжон Исмоиловни пуллик поликлиникага кўрсатишимиз билан, 5-10 минутда уни сопа-соғ қилиб беришди.

Эр-Риёздан Бирлашган Араб амирлиги чегарасигача 1000 км йўл босиш керак. Йўл текис асфальт бўлишига қарамай қум, чанг, шамол машинамиз тезлигига ҳалақит берарди. Йўлнинг икки томонидан эсаншамол тўлқинидан машинамиз гоҳида селпишиб кетарди.

22 июнь кuni соат 7.30 да чегарага келиб, Саудия Арабистони божхонасида, сўнг Бирлашган Араб Амирлиги божхонасида бўлдик. Аскарларнинг айтишича, Ҳаждан қайтаётганлар учун бу мамлакатда алоҳида иззат-икром кўрсатиларкан. Чунки ҳожиларда қурол бўлмайди, ҳожиларга ихлоси баланд экан. Шу боис божхонадан жуда осон ўтдик.



**5. Шоҳ жаҳон Мирзо**



## **БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИГИ**

22 июнь кечаси соат 10.15 да Дубай шаҳрига кириб келдик. Портга бориб Қорачига денгиз орқали боришни суриштирсак, бу рейс вақтинча бекор қилинганни билдик. Ҳафсаламиз пир бўлиб шу порт залида тунаб чиқдик.

Дубайдан Эроннинг Бандер-Аббос портига бориш ниятида бошқа бир портга бордик. Аммо билет йўқ экан, 4-5 кун кутиш зарур экан. Шу портдаги масжидда намоз ўқиб, дам олиб турган эдик, 23 июнь кечаси бир гуруҳ руҳоний уламолар бизни йўқлаб келишди. Улар даъватчилар марказидан экан. Улар ўша марказга таклиф этишди. Бу ерда катта жомъе масжиди бор бўлиб, шу жойда 23, 24, 25, 26, 27 июнь кунлари яшадик. Эрталабки, тушки ва кечқурунги овқатларимиз ўша даъватчилар ҳисобидан ташкил қилинди. Қолмишига, машинамизни бир чеккага суриб, ўзларининг транспортлари билан шаҳарни айлантришди, Форс кўрфазига бир неча бор чўмилишга олиб боришди.

Дубай амирлиги етти амирликнинг бири экан. Ҳар бир амирликнинг ўзига хос назорати, иш услуби, бошқарув аппарати бор экан.

Дубай жуда ҳам чиройли, покиза, замонавий шаҳар экан. Ҳатто сувнинг тагидан тоннел ўтказилиб, унда машина йўллари қурилибди. Абу-Даби энг катта амирлик ҳисоблансада, асосий тижорат ва бошқа алоқалар Дубай билан бўлар экан. Мамлакат аҳолиси 3 миллион бўлиб, муқим яшайдиган, ерли аҳоли 1 миллионга етмас экан. 103 миллат вакиллари яшаркан. Дубай шаҳри аҳолиси 600 минг киши, 500 та масжид бор. Шаҳар савдогарлар минтақаси, деб ҳисобланаркан. Умуман, Бирлашган Араб амир-



**7. Боҳодир шоҳ II**

лийнинг бу қадар тез ва кенг тараққий этганлиги кўп жиҳатдан савдо, тижорат ишларининг яхши йўлга қўйилганлигидир. Тарихий ривожланиш асли савдодан бошланганга, кўп одамлар савдонин, савдогарини нотўғри, салбий баҳолаш қанчалик ноўринлигини, аксинча, тараққиёт, ривожланиш ўша пайғамбаримиз даврида ҳам савдо орқали бўлгани, халқлар, мамлакатлар ўртасидаги яқинлик, дўстлик, ҳамкорлик ҳам савдо орқали бўлганини Дубай мисолида яққол тасаввур қилиш мумкин.

Даъват марказига қарашли микроавтобус ҳайдовчиси асли Покистоннинг Пешаворидан экан. Унинг исми шарифи Муҳаммад Бодзода эди. У бизга кўп хизмат қилди.

Даъват марказининг муфтийиси Амир Хусайин ўта вазини, иродали, салобатли, юзида фалсафий, донишмандлик ифодаси шундай балқиб турибди.

Масжидда ўзбек Муҳаммад Абдуғофур билан танишиб қолдик. У Дубайнинг чеккасидаги бир масжидда имомлик қиларкан. Қайтаётган кунимиз уйига таклиф қилиб, меҳмон қилди, ҳар биримизга биттадан Қуръони Карим китобини туҳфа қилди ва портдан кузатиб қўйди. Бу ватандошимиздан бизда жуда яхши таассурот қолди, унинг бизга кўрсатган иззат-иқромини ҳануз эслайман.

У билан бўлган суҳбатда Дубайдаги мадрасаларда ўқитиш мазмуни, услуби ҳақида сўрадим. Мадрасада араб тилидан ташқари инглиз тили ҳам ўқитиларкан. Унинг ўзи ҳам инглизчани яхши биларкан. Эрон тарихи, Қадимги дунё тарихи, Императорлар тарихи, Ислом тарихи, Аббосийлар тарихи, Чингизхон, Темур ва бобурийлар тарихи, Туркистон, Моворауннаҳр тарихи, адабиётдан Фирдавсий, Умар Хайём, Шайх Саъдийлар ва уларнинг асарлари ҳам ўқитиларкан.

Ўқиш муддати 14 йил бўлиб, уни битиргач, мударрислик қилиш ҳуқуқи олинаркан. Мамлакатда 100 дан ортиқ мадраса бор. Дунёвий университетлар ҳам бор.

Жума намозини Дубай шаҳри марказидаги энг баландликда жойлашган Малик Файсал номли улкан масжидда ўқидик. Шу 26 июнь куни жума намозидан чиқиб, бир гуруҳ ўзбекистонлик сайёҳлар билан учрашдик. Улар Мустақил Ўзбекистондан биринчи марта сайёҳ бўлиб келишибди. Тошкент — Дубай рейси биринчи марта ташкил қилинган экан. Биз турган жойдан 5 чақирим масофада «Бозорин Жаид», яъни Андижондагидек янги бозор бор экан.




Бобур Агра қалъасида

27 июнь маҳаллий вақт билан соат 8 да йўлга чиқдик. Мана шу ислом дини таянчларидан, диний марказлардан бири бўлган даъват марказидан мезбонлар билан хайрлашиб портга қараб йўл олдик. Жуда катта иззат-икром кўриб, одамлардаги имону-эътиқодни, динга бўлган фидойиликни, биродарлик, меҳр-муҳаббатни, кўпдан-кўп ибратомуз нарсаларни кўрдик. Айниқса, юқорида номи зикр этилган Амирнинг ёрқин қиёфаси: бугдой рангли юзи, соқол-мўйлаби, эғнидаги ҳиндча кийим, тасбеҳ ушлагани, инсонга маънодор, масъулиятли боқадиган бу нуруний инсоннинг кўз ўнгимда ҳануз кечагидек жонланади.

Беш кун давомида Дубайдаги ислом динини тарғиб қилувчи марказ масжидида бўлдик, шу ерда тунаб, шу ерда ибодат қилиб, шаҳарни тамоша қилдик. Бу жойдаги мусулмонлар ҳам сунний мазҳабига мансуб эканлар.





Тоҷ маҳал.



## ЯНА ЭРОН ТИПРОФИДА

27 июнь шомда теплоходга ўтириб, туни билан Форс кўрфазидан ўтиб, 28 июнь, якшанба куни Тошкент вақти билан соат 10 ларда Эроннинг жанубий-ғарбида жойлашган йирик халқаро порт шаҳри Бандер-Аббосга келдик. Қарийб 1000 км. йўл босдик.

Бандер-Аббосда 1 июль соат 16.00 га қадар бўлдик. Божхонадан машиналаримизни олиб ўтишда муаммо туғилди. Ҳайдовчимиз Баҳромжоннинг ҳужжатларида тушунмовчиликлар бўлиши туфайли ишimiz мураккаблашди, Бандер-Аббосда туришга тўғри келди. Ҳайриятки, бу жойда ислом динига даъват этувчи марказ уламолари бизларни кутиб олиб (уларга Дубайдан хабар қилинган эди), машиналаримизни ҳужжатлаштириб, саёхатни давом эттириш учун виза ишларини ҳал этишда кўмаклашдилар ва Бандер-Аббос шаҳрининг чеккасидаги суннийлар масжидига жойлаштиришди. Нон-туз, яхши таомлар танаввул қилдик, ибодатдан сўнг ваъзхонлик бўлди. Масжидга Зоҳидондан келган даъватчи Муҳаммад Ҳасандан кўп диний масалалар тингладик, намозларда у имомлик қилди. Ўзи катта дўкон мудирини, анча бадавлат инсон. Ҳар йили ўз ҳисобидан 2-3 ой даъватга чиқиб кетаркан. У ўзини шунчалик ҳокисор тунтардики, кир ювиш, идиш-товоқ ювиш, овқат пишириш билан шуғулланарди. У жуда баланд, жарангдор, ёқимли қироат қиларди, унинг ваъзларини форсча, арабчадан бизларга Муҳаммад Содик таржима қилиб берарди. Диний эътиқоди, имони бутун ва мустақкам бу инсонни юз тузилиши, гавдаси, новчалиги, овозини мен таниқли хонанда Шерали Жўраевга ўхшатдим. Унинг дин соҳасидаги билимига, қироатига, нотиклигига ҳатто Муҳаммад Содик, Абдуғани ҳожи ака ҳам қойил қолдилар.



Доҳди университети тарих факультетида

— 67 —

28 июнь куни кечқурун экспедиция аъзоларининг йиғилишида бир гуруҳ аъзолар Зоҳидонга етиб олгач, уйга қайтишга, қолганлари эса экспедицияни давом эттиришга келишиб олинди.

Масжиддаги раҳбариятга айримларимизнинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атворлари ёқмагани туфайли бу жойни тарк этиб, денгиз бўйидаги бир меҳмонхонага жойлашдик, меҳмонхонага яқин жойда бозор, дўконлар растаси бор экан. У ерда истаган нарсангиз бор. Аммо пархи жуда баланд.

Ниҳоят, 1 июль соат 19.30 ларда меҳмонхонадан Зоҳидон сари йўлга равон бўлдик. Юклар, анжомлар, 2 та машинага бўлинди, Зоҳидондан Андижонга қайтадиган 5 нафар экспедиция аъзолари кичик машинага, экспедицияни давом эттирадиган 9 киши катта машинага жойлашдик, Зоҳидонга бориб, ўша жойда хайрлашадиган бўлдик.

70-80 км. йўл юргач, ҳарбийлар постига келиб тўхтадик. Йўл давомида тоғлик районларни, онда-сонда учраган ҳароб мумкинлигини, шу боис кечаси бирои жойда тунаб, фақат кундузи йўл босиш кераклигини айтишди. 30-40 км доргач кичик бир шаҳарчада тўхтаб, ҳарбийлар кўмагида ярмимиз автобусда, ярмимиз меҳмонхонада тунаб чиқдик. Ҳарбийлар ҳам, полициячилар ҳам бизга нисбатан совуқ муносабатда бўлишди. Бомдод номозини ўқигач йўлга чиқдик. Йўл давомда тоғлик районларни, онда-сонда учраган ҳароб қишлоқларни, гувалак, паҳса уйларни кўриб ўтдик. Ҳар одим жойда қуролланган ҳарбийлар, полициячилар юришибди, соқчилик кучайтирилибди. Аввалгидек Бандер-Аббосдан Муҳаммад исмли полициячи қурол билан бизни кузатиб борди. Тоғларни кесиб, уларни ичидаги тунеллардан ўтилди. Йўлнинг икки томони бепоён тоғлар билан қопланган. Тоғлар оралиғида кичик водийлар, қишлоқлар жойлашган. Қўйчивонлар қўй, эчки боқиб юришибди, буғдойзор далалар кўзга ташланади. Қишлоқлар анча хароб. 2 июль куни соат 8 ларда Кохпуч шаҳридан ўтдик. Шаҳарда одамлар аҳволи ёмонлигини, турмуш оғирлигини, эски уйларда, капалар, ертўлаларда яшаётган, ночор аҳволдаги инсонларни кўрдик. Бунинг устига, ҳудудларда қароқчилик авж олибди. Қароқчиликнинг илдизларидан бири ҳам шу йўқчилик эканини пайқаш мумкин. Шунда беихтиёр Туркистондаги «босмачилик» ҳаракати хаёлимга келди. Шу боис



**Шоҳи Жаҳон**

— 69 —

Эроннинг биз ўтиб кетаётган сарҳадидаги қароқчиларни қоралаш эмас, аксинча уларга хайрихоҳлигим келди. Чунки бундай қароқчиликнинг заминида оғир ҳаёт, ачинарли турмуш зоҳирлигини билиш қийин эмасди.

Жирофт шаҳрига 9.10 да кириб келдик. Машиналарга бензин қўйиб, кичик бир попушта қилдик. Ёш болалар сизгарет, жевачка ва бошқа матолар сотиш билан овора.

Довонлардан, тоғлар орасидан, тунеллардан, кичик сойчалар, улар ёнида кичик қишлоқлар, аҳоли яшайдиган пунктлардан ўтиб борардик. Тоғ ҳавоси совуқ, шамол эсиб туради. Уйлар аксарият ўрта аср даврини эслатади, улар тошдан, лой-пахсадан, гиштдан қурилган. Гузарлар ҳам хароб, аёллар қора чимматда. Ёш қизлар ҳам юзини ёпиб юришибди. Тоғ жилғаларидан сувлар оқиб турибди.

БАМ шаҳридан сўнг кенг қумлик, чўл-даштлик бошланди. Йўлнинг икки томонида ёнтоқ, ёввойи ўтдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бандер-Аббосдан Зоҳидонгача масофа 800 км. Зоҳидондан Покистон чегарасигача 4 соатлик йўл бор.

Йўл юзини шамол аралаш қум қоплаши машина тезлигини пасайтиришга мажбур қиларди.

Зоҳидонга 130 км қолган жойда йўлнинг икки тарафидаги тоғ баландликларида узоқдан кузатиб турадиган ҳарбий постлар, мудофаа шишотлари қурилибди. Қароқчилар ўз бола-чақаларини чодирларга қўйиб, ўзлари тоғу-тошларда юришаркан. Уларда техника, машиналар, хилма-хил қурооллар, от-уловлар бор экан. Афтидан улар шунчаки қароқчилар эмас, аксинча мавжуд режимга, давлат тузумига ҳам қарши қаратилган анча қудратли куч бўлса керак. Чунки йўл давомида расмий ҳукумат томонидан қўйилган қуроолли соқчилик постлари ҳарбий ҳолатни эслатарди. Ҳарбий аскарлар, полициячилар гуруҳлари ҳам шай бўлиб турган жойлардан ўтдик.

Зоҳидонга кеч соат 16.00 ларда келдик. Бандер-Аббосдаги масжиддалингизда даъватчилардан бири Зоҳидонда «Эрон ва Бобур», ёки «Бобур ва Эрон» номли китоб Теҳронда нашр этилди, уни Зоҳидондан сотиб олиш мумкин, деб айтган эди. Умид билан шошиллич тарзда бир неча китоб дўконларидан суринтирдик, ammo ижобий натижа бўлмади, бундай китобни топа олмадик.



**Бобур қабридан келтирилган тупроқни қўйиш маросими**

Кичик машинада Абдуғани ҳожи, Сайфиддин ҳожи, Орифжон ҳожи, Шухрат ҳожи, Рустам ҳожилар ватанга қайтиш учун Машҳад сари йўл олишди. Биз 9 нафар экспедиция аъзолари Покистон сари йўлни давом эттирдик.

Миржови қишлоғига соат 19.40 да етиб келдик. Кенг даштлик, саҳро. Чап томонда тоғ, поезд йўли ҳам бор.

2 июль кеч соат 20.00 ларда, шомга яқин Покистон чегарасидаги Эрон божхонасига етиб келдик.





Минорада Ҳаж амалларини бажариш чоғи



## ПОКИСТОН ДИЁРИДА

2 июль кеч соат 20 да Эрон—Покистон чегарасига етиб келдик. Божхонада иш вақти тугагани туфайли кичик бир хонали меҳмонхонага жойлашдик. Харобгина ошхонада тамадди қилдик. Хонада ухлашнинг мутлақо иложи бўлмагач, ҳаммамиз каровотларни очиқликка, қумлик жойга олиб чиқиб, бир амаллаб тунадик. Бомдод номозини ўқиб, помигагина понушта қилиб, яна божхонада олатдагидек «сарғайиш»ни давом эттирдик. Бу икки қўшни Шарқ давлати чегарасидаги аҳвол, манзара ҳеч ҳавас қиладиган даражада эмас эди. Ҳатто қайноқ сув учун ҳам 20 туман бердик. Эрон божхонасидагилар инъом қилинган дўппи, чорсини олгач, обизамзам сувидан бир касал одамга беришни илтимос қилишди. Махсус идишдаги обизамзам сувидан бердим. Ниҳоят ишимиз битиб, Покистон чегарасига ўтдик. Чегара бор-йўғи 15 метр. 3 июль соат 9.15 да Покистон сарҳадига ўтиб, божхонага кириб келдик. Урта асрга хос бир кичик бино, сал нарироқда пастак-пастак лой томлар кўзга ташланади. Унг томонда жулдир кийимлик 10-15 киши қўлларида рупиялар билан пул алмаштириш учун қаторлашиб ерда ўтиришибди. Бизлардан долларга рупия алмаштиришни таклиф қилишди, ёлворишди. Биз кўнмадик.

Икки томони темир, ўртасида сим боғланган назорат нуқтасидан ўтдик. Уйлар ўта хароб, турмуш ниҳоятда оғир. Бу жойда ҳам анча вақт ютқаздик. Божхона мутасаддиси кофе билан меҳмон қилди. Покистон Республикасининг асосчиси, миллий қаҳрамони, биринчи Президент Қайди Аъзам Муҳаммад Али портрети божхона пештоқига қўйлибди. У Покистонни озод этиб, исломий байроқ тиккан.



Соат 11.40 да божхонадан йўлга равона бўлдик. Покистон ҳудуди — тоғли, тошлоқ, қумлик, саҳройи йўллардан бормоқдамиз. 70 км. масофа йўл ёмон, шагал. Божхона жойлашган жой Тафтон деб аталаркан. Атрофимиз бепоён саҳро, ҳарорат баланд. Йўл давомида ҳар хил мавзуларда суҳбатлар бўлди. Айниқса марҳум академик Ҳабиб Абдуллаев, унинг шогирди, ҳозирда барҳаёт академик Ҳамробоев ҳақида қизиқарли фикрлар айтилди. Йўлда хароб қишлоқлардан ҳам ўтдик. Аҳвол ҳолатда оғир. Бизнинг қишлоқлар билан мутлақо қиёслаб бўлмайди. Ушандай қишлоқлардан бирида 15.30 да қудуқдан сув олиб, таҳорат қилиб, намоз ўқидик. Ошхонада бўлиб, табиатимиз тортмасдан овқатлана олмадик. Маккаи Мукаррамада йўл учун бизга берилган апельсиндан тамаддиландик. Божхонадан биз билан чиққан кузатувчимиз, полициячи Муҳаммад Абдуғафур ҳам овқатланди. Раҳбаримиз божхонада пул алмаштирмагани сабабли Куэтта шаҳрига келгунча ўша Муҳаммад Абдуғафур пулига овқатланиб, автобусимизга солярка қуйиб келдик. Полициячи бўлишига қарамасдан у анча саҳоватли, кайвона, ҳушчақчақ, одамгарчилиги бор инсон экан.

Саҳронинг ўртасидан боряпмиз. Қуёш қизигандай йўлнинг икки тарафи ва олдинги томонидаги олис бўшлиқ бепоён майдонлар гўё катта денгиз, йўл, дарёга, яъни бепоён сувликка ўхшаш манзара бўлиб кўринаркан. Йўловчи ўзини сувга яқинлашаётгандек ҳис этади. Зокиржон Машрабов мапа сувга яқинлашяпмиз, деб ҳам қўйди. Аслида ҳеч қандай сувнинг қораси кўринмасди. Сароб.

Йўл ёмон, қорини оч, чапқоқлик, чарчоқ бироз асабини ҳам таранглаштирди. Барибир сабр қилиш керак.

Соат 19.20 да Долбандин қишлоғига етиб келдик. Унга қадар овқатландик, аср намози ўқидик. Қишлоқ бозоридан ўтдик. Кўчанинг икки томони дўконлар растаси, ҳунармандчилик устaxonалари, чойхоналар билан тўла. Бу ер ҳам ўрта аср манзарасини, соф турдаги феодализмни эслатади.

Қоноқ шаҳригача йўл анча хавфли экан. Машиналар билан уюшган жиҳоятчилар, қароқчилар йўл тўсиш, босқинчилик қилиш, одамларга тажовуз қилувчи унсурлар бор экан. Муҳаммад Абдуғафур машинанинг олдинги ўриндиғида, ҳайдовчи ёнида туриб бир неча бор қуролини филофидан олиб тайёргарлик кўрди. Тун, кечаси соат бир ярим-



Бобур даст аввал шу бинога дафн этилганди.

ларда Қаноқга келиб тунадик. Меҳмонхонада қуруқ ерга солинган бўйрадан бошқа ҳеч вақо йўқ. Узинини «веломешогимиз»дан фойдаланмоқчи бўлдик. Аммо ухлаш имкони бўлмади. Заҳкаш бу бинода ҳар хил қурт-қумурсқа, жониворлар беҳад кўп экан, чопхона ва ошхона ҳам ўта ифлос. Машинада тунадик.

4 июль. Эрталаб бомдод намоз ўқилгач, нонушта қилдик. Шу орада кузатувчи Муҳаммад Абдуғафур ҳам уйда тушаб, дам олиб ҳузуримизга етиб келди. Унинг бизга ишбатан ўта самимийлигини, одамийлигини ҳис этиб, унга ишбатан ҳурматимиз ифодаси сифатида Андижон дўпписини тухфа қилдик. Муҳаммад Содик Қори билан суҳбатини, дўппи кийгизиб дақиқасини тасвирга олиб қўйдим. Турган жойимиз, унинг атрофини ҳам тасвирга туширдим. Бу жой ўзига хос кичик бир водий бўлиб, деҳқончилик, чорвачилик бироз ривожланган экан.

Соат 8.20 ларда Куэтта шаҳрига келдик. Шаҳар ўта гавжум, серқатнов, одамлар оқими катта, транспорт ҳаракатлари тез, инглизлардан қолган оврунча кўп қаватли уйлар, дўконлар, бозорлар каттаю-кичик билан тўла. Божхонада кўп вақт ўтказдик. Шу жойда кўплаб ватандош ўзбеклар билан учрашдик, суҳбатлашдик. Улардан бири Абдулазиз Бозорбой ўгли. Ўзбеклар алоҳида жам бўлиб, бир масжид, яъни ҳар бири 100 га яқин ўзбек хонадонлари бир маҳалла бўлиб яшашаркан. Куэтта шаҳридан анча узоқ бўлмаган Клей Самалида 200 ўзбек хонадонни, Келегулмаматда 100 ўзбек хонадонни яшаркан. Жам бўлиб яшаётган ўзбеклар бошқа жойларда ҳам бор экан. Уларнинг аксарияти аслида Туркистонимиздан, кейинчалик Афғонистонга ўтиб қолншган. Афғонистон воқеасидан сўнг бу жойга келиб қолншган. Уларнинг асосий юмуши — тижорат, турмуш тарзлари, расм-русмлари (айниқса қудачилик), тўй, аза қондалари деярли ўзгармаган.

Куэтта шаҳри ўта бесаранжом, айниқса озиқ-овқат дўконлари, ошхоналари антисанитария ҳолатида. Ушандай рестороанлардан бирида ноилож тушлик қилинди. Чой ташиб турувчи ўзбек мурувват қилиб термис идишимизга бепул қайноқ сув қўйиб берди.

Куэтта — Мўлтон ораллигидаги йўл давомида Белуджистон вилояти бор. Белуджистон довомидан ўтдик. Энди ҳамроҳимиз Тафтондан чиққан Абдуғаффор ўрнини Куэтта-



Аградаги Оромбоғдан бир кўриниш.

дан чиққан Зоҳид исмли полициячи эгаллади. Зоҳид олдинги ўриндиқда қўлида автомат билан борарди.

Аср билан шом орасида Муслимбоғ, Деҳот қишлоқларидан ўтдик. Бир неча довоилар ошилди. Йўлнинг икки томони, кенг бўшлиқлар бўлиб, улар янтоқ билан қопланган. Туя, бўталоқлар пода-пода бўлиб ўтлаб юришибди. Гоҳ жойларда бугдойзорлар бўлиб, деҳқонлар дон янчиш билан овора.

Кечаси соат 22-23 да Белуджистонда тунадик. Эрталаб 5.15 да йўлга чиқдик. Икки тоғ водий, деҳқончилик, боғдорчилик бироз ривожланган. Унг томонда қабристон, қабрлар устига тош қўйилган холос.

Одамларни табиатан анча занф, кам дидли, таркидунёчилик кайфияти кучли. Тозаликка эътибор деярли йўқ, сув, патх налар ҳам йўқ, уйлар паст, лойдан, пахсадан қилинган. Ҳавоси Фарғона водийсидагидек. Аммо одамларнинг кийиниши, ташқи кифаси ачинарли. Унг томонда тўртта мишораси бўлган пахса девордан қилинган қалъа ўртада якка ҳолда турипти.

5.20 да қуёш кўринди.

Яна қумлик, тошлоқ, даштлик, ёнтоқзор йўлдан боряпмиз.

4 июль туни кечасида Белужистон шаҳарларидан бирида тўхтаб чой ичиб, овқатланмоқчи бўлдик. Тўрт кўча бўйича гузар бўлиб, кўчанинг муюлиш жойларида ошхона, чойхоналар бор. Одамлар жуда кўп. Ёғоч ва арқондан ясалган каравотларда одамлар дам олиб, ухлаб ётишибди, ухламаганларни бир-бирларни билан баланд овоз, ҳийқириқлар билан аллашмалар ҳақида тортишяпти. Кўзлари катта-катта, ранглари заъфарон, қотма, жуда ҳам озғин, кишилар чилим тортишиб, наша чекишиб ўтирибдилар. Гиёҳбандлар ўзаро жапжаллашиб ҳам қолшибди. Шу вазиятда бир амаллаб тамаддиландик. Аммо бу жойда тунашни лозим кўрмадик. Марказдан чиқиб, йўл бўйидаги бир хароб меҳмонхонада тунадик. Меҳмонхона шунчаки, номигагинадир, унда на каравот, на тўшак, на болиш бор, ерга полос солиб қўйилган холос. Юк машиналари ҳайдовчилари ҳам бу жойда тунаб, саҳар йўлга чиқиб кетишди. Биз ҳам тонг саҳарлаб йўлга равона бўлдик.

Биз кўрган бу жойларда яшовчи аҳоли кўрган кунидан норозидек, ҳаётга бефарқ қарайдигандек туюлди мен-





**Бобурийлар сулоласининг охирги вакили  
Баҳодир шоҳ II**

га. Ҳаётга қизиқиш, эзгуликка, келажакка интилиш чўғи мутлақо ўчиб қолгандек, ишонч, эътиқод, ваёрон бўлганга ўхшайди.

Соат 6.00 ларда йўлимизга параллел бир сой рўпарў бўлди. Бироздан сўнг тоғ ёнбағридан бордик, ўнг томондаги тоғ ён бағирлигида қабристонлар бор, ҳар бир қабрининг бош ва оёқ томонига тош қўйилибди.

Тез орада йўлнинг икки тарафи экинзор, боғдорчилик билан қопланган сарҳаддан ўтдик. Катта сой ҳам кесиб ўтилди. Сўнгра яна ёнтоқзорларга дуч келдик. Икки ҳўкизни қўшга қўшиб деҳқон ер ҳайдайти.

Чамаси ярим соат юрилгач, тоғли манзара, кичик сой, унинг атрофида қўй, эчки подалари паст-баландли ўтлоқзорларда ўтлашмоқда, шолпоя ҳам бор. Ҳайвонларнинг кўп хиллари, айниқса, эчки қўй, эшаклар кўп экан. Йўлда шёда кетаётган саҳройи одамларни, велосипед, мотоцикл, тракторда бораётганларни ортда қолдириб борардик.

«Шаҳарча»лардан бирида тўхтадик. Шу кунин бозор жуда қизиган шекилли, машинамиз кўчадаги серқатнов одамлар, транспортлар орасидан зўрға ўтди. Шунда бир узун бўйли қорачадан келган бир йиғит машинамиз ва ундаги ёзувини, бизларни кўриб, шляпа кийиб олган раҳбаримиз З. Машрабовга юзланиб русчалаб гаплаша кетди. У Киев университетининг халқаро муносабатлар факультетини битириб келган экан. Аммо бу ерда ишсиз экан, Покистонни оғир аҳволини характерлаб, қандай сабаб билан бу қашшоқ жойга келиб қолдинглар, деб сўради. Унинг исми Муҳаммад Юсуф экан, у билан узоқ суҳбатлаша олмадик, меҳмон қилмоқчи бўлди, биз кўнмадик. Икки чақирим юргач махсус ўтин бозорига келдик. Утинни тарози билан сотилаётганини, харидорлар ўтин харид қилиб, эшагига ортиб, ёки елкасида олиб кетаётганларни кўриб, Андижонни қадр-қимматини яна бир эсладим, тангрига минг карра шукр қилишимиз лозимлигини кўнгилдан ўтказдим.

Баланд тош-тоғликлар, доvonлар, сўқмоқ, қинғир-қийшиқ, йўллар орқали юрилди. Бишкек — Уш йўлидаги катта доvonларга ўхшаш кўплаб доvonлардан ўтилди. Белужистон тоғлик йўлларидаги ўта хавфли доvonдан тушиб Панжоб водийсига кириб келдик. Фаррух Расулов доvonдан тушиш чоғимизни тасвирга олиб қўйди. Доvon қанча

# Babur was Uzbek not Mughal'

Uzbek team visits The Yvars. Jung office

... ..  
... ..  
... ..  
... ..  
... ..

... ..  
... ..  
... ..

The delegation visited the office of ... ..  
... ..



... ..  
... ..

... ..  
... ..

... ..  
... ..

... ..  
... ..  
... ..  
... ..

... ..  
... ..

... ..  
... ..

... ..  
... ..

... ..  
... ..

... ..  
... ..

... ..  
... ..

... ..  
... ..

... ..  
... ..

«Ахбори жанг» газетасидан

лик хавфли, қўрқинчли бўлмасин, унинг йўли текис ас-  
фальтланган.

Лоҳурга 750 км қолган жойда ҳам нонушта, ҳам туш-  
лик қилинди. Соат 13.00 да йўл давом эттирилди. Йўл да-  
вомида қорачадан келган, қотма одамларни, кичик дум-  
бали, думи бор қўйларни, оқ рангли молларни кўрдик. Бе-  
лужистон билан Панжоб чегарасидан ўтдик. Бу икки ви-  
лоят жуғрофияси кўп жиҳатдан ўхшаш. Панжоб водийсига  
кириб келдик. Оқаётган дарё суви қизғиш рангда. Йўлнинг  
икки томонидаги дарахтлар ҳар икки тарафдан бир-бирла-  
рига салом бериб турипти. Йўлнинг икки ёни ва тепаси ўша  
дарахтлар билан қопланган, гўёки қападек, Мосидан Арс-  
лонбобга боришдаги икки томони дарахтлар билан қоп-  
ланган йўлни эслатди.

Бобурийлар идора этган қадам жойлар бўлган бу  
Панжоб вилоятида ҳам аҳвол анча оғирга ўхшайди. Эски-  
ча лой томлар, одамлари ночор аҳволда, худди ўрта асрнинг  
ўзи, кўчалар гавжум, расталар кўп. Аммо жуда ифлос, бе-  
саранжом.

Аёллар оқ матодан бош ва елкаси узра ажойиб паран-  
жи ташлаб юришибди. Қамишдан ясалган капалар, эшак  
аравалар йўл бўйи учраб турди.

Мўлтонга етмасдан бир шаҳарчадан ўтдик. Уч қават-  
ли иморат тепасида бургут ҳайкали қўйилибди. Иморатни  
инглизлар мустамлака даврида қуришибди.

Йўлнинг икки ёқаси деҳқончилик, боғдорчилик, ариқ-  
лар билан қопланган. Кўм-кўк кўкаламзор дарахтзор май-  
донлар ҳам бор. Бироз тозалikka эътибор берилган, паль-  
ма, хурмо дарахтлари кўп, анча серсув жой экан. Масжид-  
лар ҳам анча дид билан қурилган, тартибли.

Тарихий, афсонавор Панжоб вилояти сарҳадидан бор-  
моқдамиз. Белуджистонга қараганда бу воҳа анча гўзал,  
деҳқончилик, чорвачилик ривож топган, шаҳар ва қишлоқ-  
лари ҳам ҳийла дуруст. Йўлнинг икки тарафида лой, пах-  
сали томлар, деворлар, чодирлар, дўконлар, кичик-кичик  
боққолликлар, ёғоч, ўтин бозорлари, гўшт дўконлари, гум-  
базли масжидлар, мева-чева, ширин ичимлик сотиладиган  
гузарларни учратдик. 1 кило қўй гўштининг баҳоси 60 ру-  
пий, 2,5 америка доллари экан. Бизнинг ҳозирги пулга тах-  
минан 5,5 минг сўмга тўғри келади.





Шоҳ жаҳон ўз ўғиллари билан

Кичик-кичик водийчалар, довоилар ошиб борардик. Икки тарафи ва олд томони тоғликлардан иборат йўлдан ўтдик. Қамишдан қилинган қўрғон ва қўрғалар, капаларни кўрдик. Газ, электр йўқ, асосий ёнилғи — ўтин, Транспорти қатнови ачинарли. Одамлар эшак араваларда, ҳўкиз араваларда, пнеда, велосипедда юришибди. Икки тоғ орасидаги йўлдан кетяямиз. Йўл давомида машина йўли билан поезд йўли бир неча бор параллел кесинарди. Темир йўли жуда ҳам эҳсиз. Уни инглизлар ҳўкмронлиги даврида қўришган. Юк ташувчи баланд, узун машиналар рангли тушукалар билан беўхшов қилиб безатилган. Айрим-айрим орақасига Беназир Бхуттонинг чиройли сурати ёпиштирилган.

Ўз замонида бу дийрдан Бобур ҳам ўтиб, кўп саргузаштларини бошдан кечирганини хаёлан тасаввур этдим. 1525 йил ражаб ойининг 29 дан 30 га ўтар кечаси Бобур Панжобдан ўтганди. «Танги Вағтон навоҳисиди тушуб, ош еб, кеч намоз пешини андин отландук. Кечаси йўл озқиқиб, Панжоб Шахнанинг шарқи-жапуби сари пушталарда ва даштларда хили саргардонлик тортилди». («Бобурнома», 304-бет).

Ҳар ерда бўлмасин, нимани кўрмасин, Бобур уларни ҳаминша ўз юрти Андижонга қиёслаган. Мисол келтирмаган.

Ҳозирги Покистонда Бажур Қўрғонини забт этилиши воқеасини баён этишда Бобур Андижоннинг Заврақда бўлиб ўтган мана бу воқеани келтиради: «Ўл жумладин бир мартаба Андижоннинг бир йиғочи Работи Заврақда Султон Аҳмад Таибал Шабахун келганда, мен ўн-ўн беш киши биле юруб, чопқунчисини уруб ёндуруб, гулига етганда юзча киши биле туруб эди, ул фурсатта уч киши қолдиким, менинг биле тўрт бўлғой, ул учдин бириси Дўст Носир эди, яна бири Мирзоқули кўкалтош, яна бири Каримдод. Мен ўқ жибалаб эдим. Таибал яна бир киши биле ясолидин эшиклик-тувурлук илгардак туруб эди, мен Таибал биле рўбарў бўлдим, бир ўқ дубулғасига теган урдум, яна бир ўқ қолқонини қарибчисе биле кўклай урдум. Бир ўқ бутумга ўтқара оттилар. Таибал бошимга чопти. Ажабдуким, бошимда дубулға бўрки эди, бир тори келмади, вали бошимга хили яра бўлди. Яна ҳеч кўмак етмади, менинг биле ҳеч ким қолмади, зарурат бўлуб, жилов ёндурдим...» («Бобурнома», 300-бет).



**Тож Маҳал Мумтоз Маҳал, Шоҳи Жаҳон қабрлари.**

Мултонга яқин бир жойдаги кичик бир масжидда пешин намози ўқидик. Ҳаёт оғирлигини шу масжиддаги ахволдан ҳам билса бўлади. Намоз ўқиладиган сағанага ер устидан бўйралар солиб қўйибди, демак масжид учун полос, шолча йўқ. 5-6 та ёш гўдаклар ҳам шу жойда думалашиб ўтирибди. Таҳорат қилиш учун сув қудуқдан олинаркан. Масжиднинг рўпарасида бир ажойиб кўл бор. Унинг ораларида пальма дарахтлари савлат тўкиб, ўзига хос виқор билан турипти.

Кўлнинг айрим жойларида кичик-кичик оролчалар бор. Улар кўм-кўк ўтлоқзорлар билан қопланган, снгирлар ўтлаб юришибди. Кўл қирғоқларидаги сув юзида кишини мафтун қилувчи анвойи нилуфар гуллар очилиб турибди.

Шу жойдан бошлаб кўндан-кўн каналлар, дарёларни машҳур Панжоб дарёсини кесиб ўтдик. Узоқ даврлардан бери, айниқса Бобурийлар замоннда сунъий суғоришга алоҳида эътибор берилгани ва шу боис бу водийда деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ҳийла яхши ривож топганини билдириш қийин эмас. Уша дарёлар, каналлар атрофидаги кўм-кўк эканзорлар, боғу-роғлар, чорва учун ажратилган ўтлоқзорлар ўзига хос мафтункор.

Кеч соат 17 ларда афсонавий Панжобнинг йирик шаҳарларидан бири, «Бобурнома»да бир неча бор тилга олинган Бобурнинг ўзи бир неча марта бўлган қадимий, тарихий Мўлтон шаҳрига етиб келдик. Мўлтон орқали Ҳиндистонга ўтиш мумкинлиги, шаҳар навоҳисидан Қобулга қўллар кўчириб келтирганини Бобур ёзганди.

«Шанхай» номли меҳмонхонага жойлашдик. Ҳамма шароитлар оврупочасига. 1990 йил январида Япониянинг Никко шаҳридаги тоғ тепасида жойлашган ресторанда тушлик қилган эдим. Шу ресторанда ўша манзара кўз олдимга келди. «Шанхай» меҳмонхонасидаги вазият, шарионт, шарқона мулозамат, мусиқа. дид билан безатилган таом столи ўша Никкодаги ресторанини эслатди. Таомлари ҳам жуда лаззатли. Аммо Никкодаги ресторанда спирт ичимлигининг ҳар тури, жумладан советларнинг «Столичный», «Армянский» ароқ ва коньяклари бор эди. Қолямишига саёхатчилар ўзлари билан бирга олишиб олган ароқ ва коньяклар ҳам бор эди. «Шанхай» ресторанида эса спиртли ичимлик мутлақо йўқ.





Тошк Маҳал.

Ертўлада жойлашган ресторан жуда ҳам гўзал. Бизлардан бошқа ҳеч ким йўқ. Доира шаклидаги катта стол да хилма-хил, мазали, хитойча, мусулмонча таомлар. Гўштлиқ таом тагида чўғ ёниб турибди. Хоҳлаган нарсадан ўтирган жойингизда столни айлантириб тамадди қиласиз.

Таомдан сўнг Хайриддин ва мен шаҳар айландик. Кечқурун, ҳаво иссиқ. Шунга қарамасдан кўчалар одамлар билан лиқ тўла, ҳамма шошиляпти, одим жойда ошхоналар, қўй ва товуқ гўштларидан кабоблар, хилма-хил овқатлар, мевалар сотилмоқда. Олувчидан сотувчи кўпроқ. Аммо саришталик, тозалик, тартиб йўқ. Тез орада меҳмонхонага қайтдик.

Эрталаб бомдод намозини ўқиб, нонушта ҳам қилмасдан соат 6.00 да йўлга чиқдик. Мўлжалимиз — 450 километр йўл босиб Лоҳурга кириб келиш эди.

Мўлтондан чиқишда шаҳарни кўриб ўтдик, анча каттагина шаҳар, аҳоли энч, лекин бироз тоза.

«Бобурнома»да бу шаҳар номи бир неча марта тилга олинган. Бобурнинг ўзи бу жойда бўлган ҳам. Бу қадим шаҳар Бобур аждоди Шоҳрух Мирзо мулки бўлган. Бобур (912 хижрий) 1505-1507 йилларда Ҳиндистонни забт этиш учун қилган биринчи юришида худди шу Мўлтон учун жанг қилган, бу шаҳарни ўз тасарруфига олган.

Бобурнинг 485 йил муқаддам бу жойда ўз қўшинлари билан ўтганида юз берган воқеаларни билдишга ҳаёлан уриндим. «Бобурнома», «Юлдузли тунлар», «Заҳриддин Муҳаммад Бобур», «Бобур сайёҳ ва табиатшунос» каби асарларда Бобурнинг Мўлтонни жанг билан олган воқеаси тафсилоти йўқ. Фақат машҳур бобуршунос олима С. А. Азимжонованинг 1977 йилда Москвада чоп қилинган «Государство Бабура в Кабуле и в Индии» номли монографиясида Сунжон Рой Муншининг «Хуласат ат-таварих» номли қўлёзмасига асосланиб Бобур Ҳиндистон сари биринчи юришида даставвал Мўлтонга ҳужум қилди, деган фикрни айтган. Ҳиндистон ва Покистонда нашр этилган адабиётларда бу воқеа ўз ифодасини топган бўлса керак, деб ўйлагандим. Уйим тўғри чиқди. Инглиз тилида чоп қилинган китобларда Бобур Мўлтонга 1519 йили, 1524 йили юриш қилгани ва ниҳоят 1524 йили Мўлтонни, Ланчадаги бир қанча Белуж қабилаларини Шоҳ Ҳасан билан жанг қилиб қўлга киритгани тасвирланган.



**Қизил фортдаги Бобурийлар мозийгоҳи.**

1974 йилда Деҳлида нашр этилган Виллам Эрскиннинг «Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи» китобида Бобурнинг ўғли Асқарий Мирзо шу Мўлтон вилояти-нинг ҳукмдори эканлиги айтилган.

Бобурнинг 1529 йилда Бенгалияга (ҳозирги Бангладеш-га Р. Ш.) юришидан сўнг белужлар қўзғолои бошлаб ўз сарҳадларини яқсон, вайрон қилиб юборганликлари, бу куч-ли халқ ўша вақтда Синднинг Беккеридан то Мўлтон ва Самонгача эгаллик қилдилар. Бу пайтда Меватннинг ҳукм-дори бўлиб турган Чин Темур Султонга Бобур ўша бос-қинчиларни қатағон қилишни ва уларнинг ваҳшийлигига барҳам беришни топширди.

Чин Темур Султон ўзи билан ақлли, зукко амирларни бирга олиб Сархинд, Самонани ўзига бўйсундиради ва бу икки провинциядан 6 ойга етадиган қилиб заҳира тўплай-ди. Шу йўл билан белужлар қўзғолони бостирилади. Бобур ўз мақсадларини амалга оширади, ўғли Асқарий Мирзо Мўл-тон ҳукмдори бўлиб қолаверади.

Бобур қадами етган Мўлтон кўчалари ниҳоятда гав-жум. Транспорт қатнови ҳам катта. Эшак арава, хўкиз арава, от арава, мотореллар, извошлар билан бирга замонавий машиналар, велосипедлар жуда кўп. Бир йигит велосипед орқа ўриндигига юзига қора парда тортилган бир заифа-ни учқоштириб бормоқда. Аёллар кўчаларда деярли кўрин-майди. Одамлар яшайдиган уйлар Фарғона водийсидаги ав-валги миллий уйларимиздек. Пахса деворлар билан ўралган ҳовли, қўرғонлар кўп. Мусулмон масжидлари ҳам мавжуд. Бироқ уларнинг сифати Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги, Туркия, Сурия, Йорданиядагидек яхши эмас. Чор-ночор қурилган масжидлар кўп.

Покистоннинг ҳозирги иқтисодий аҳволи мамлакатдаги диний эътиқод, диний муассасалар аҳволига ҳам таъсир эт-гани яқол кўзга ташланади.

Об-ҳавоси оғир, намлик кўл, нафас олиш қийин. Йўл-нинг икки бети кўм-кўк дарахтлар билан қопланган. Улар орқасида экинзор, боғ-роғлар. Лой томлар.

Мўлтондан чамаси бир соат йўл юрилгач, йўлнинг ўнг томонидан ўзимиздаги Куйганёрдан ўтадиган Корадарёга ўхшаш каналга келдик. Канал кесиб ўтилгач, йўлимиз ка-налга параллель бўлиб қолди, анча юрилгач канални яна кесиб ўтдик. Ҳаётда қўл меҳнати асосий ўрин эгаллашига



**Зухра Раҳимбобоева ва Индира Ганди. Деҳли.**

ҳар қадамда, ҳар соҳада ишонч ҳосил қилдим. Ёш гўдак қизлар ҳам номаҳрамларга юзини кўрсатмаслик учун миллий, диний либосда. Бутун йўл давомида дўконларда пелси-кола, фахта, монго ва бошқа ширинлик сувлари, чойхона-лар, ошхоналарни, боғ-роғларни учратдик.

Соат 7.30 да яна бир шаҳарчадан ўтдик. Ундаи чиқиш-даги йўлнинг икки томонида атрофи пахса деворлар билан ўралган боғлар киши эътиборини жалб қилади. Ариқлар, каналлар жуда ҳам кўп. Шу боис Белужистонга нисбатан Панжоб вилоятида деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик анча ривож топган.

Машина йўлига параллель темир йўл бор. Яна бир дарёни кесиб ўтдик. Йўлда қўтос, хўкиз, эшак, от, туядан транспорт воситаси, иш ҳайвони сифатида унумли фойдаланилишининг гувоҳи бўлдик. Маккажўхори, пахта экиларкан. Шу вақтда ғўза ер сатҳидан 20-25 сантиметр кўтарилганди.

Орада суҳбат ҳам давом этарди. Биримиз Покистон бўйича аёлларнинг энг гўзали Лохурда, десак иккинчиси Кашмир аёллари Лохурдагилардан ҳам ўта чиройлидир дедик.

Хайриддин Султон С. Азимжонованинг Бобур ҳақидаги китобида Бобур Мўлтон шаҳрига 2 марта хужум қилгани ва шу биз юрган йўлдан Бобур ҳам Лохурга кириб келганини айтди. Фарқи шундаки, Бобур отлиқ, ва харбий қўшин билан бу мамлакатда ўз салтанатини ўрнатмоқчи бўлди ва бунинг уddасидан чиқди. Биз эса Бобур изидан машинада юриб, унинг мероси билан танишини, у ва унинг ворислари ҳақида маълум янгилик топиш мақсадида келаётимиз.

Бобурнинг Мўлтонни олиши ва бу ердан Лохурга юриши «Бобурнома»да ва бошқа адабиётларда акс этмагани, шу боис бу масалани ҳал этиш зарурлигини ҳаёлимдан ўтказдим.

10.45 да Севан шаҳрига етиб келдик. Шаҳар ўртасидан канал ўтибди, у йўлимизга параллель. Бобур ҳам 1507, 1519 йилларда шу шаҳардан ўтган. Бобурнинг нигоҳи тушган ажойиб дийрдан ўтаётганимдан ўзгача қониқиш билан йўллар гирдобидан борардим. Севандан чиқаверишдаги йўлнинг икки томонидаги боғ-роғлар, экинзорлар, текис йўл, ариқлар бу водийга хусн берилти. Водий узра машина елдек борарди, тупроғи хосилдор шекилли, деҳқончилик яхши бўлибди.

Иқтисодиёти ҳам анча дурустга ўқшайди. Чойхона, ошхона, савдо, ҳунармандчилик дўконлари, автомашиналарни



Нуржахон

ёқилғи билан таъминлайдиган, ремонт қиладиган жойлар кўпдан-кўп. Беоён текис ўтлоқзорларда мол-қўйлар ўтлаб юришибди. Аҳоли ва чорва учун муҳим экин—маккажўхори кўп экиларкан. Мўлтон — Лохур автотрассаси жуда серқатнов. Машинамиз чап томондан борарди. Транспорт йўлининг чапақайлиги пиллиз мустамлакачиларидан қолган одат экан. Унг томондан юришга одатланганлар учун чапдан юриш бпроз қийин. Ариқлар, сойлар, каналларни ортда қолдириб бордик. Йўл ёқасида кўплаб гиштхумдонларини кўрдик. Маҳаллий эҳтиёжни қоплайдиган бу гиштхумдонларида қўл меҳнати кенг қўлланиларкан.

Йўл ва ариқлар бўйларида бошпанаси бўлмаган кишилар кир ювиб, қуритиб, чўмилиб, дам олишиб, жамоа бўлиб овқатланишяпти. Эркак-аёл, ёшу-қари жамоа-жамоа бўлиб томи йўқ жойларда кун кечирешмоқда.

Соат 12.15 да қўш кўприкдан ўтдик. Жуда обод жой экан. Ҳар уч чақиримда ё қишлоқ, ё шаҳарча учрайди.

Шошрух қишлоғига келдик. Зокиржон Машрабов бу қишлоқ «Бобурнома»да тилга олинган, деб айтди. Аслида эса «Бобурнома»да бу ном йўқ. Бу жойда пишиқ гиштан қилинган иморатлар ҳам бор, гулзорлар, биздагидек райхон, жамбуллар ҳам бор экан.

12.30 да Поттоқи қишлоғидан ўтилди. У олмazor боғлар, чорва майдонлари, турли-туман ўсимликлар билан қопланган. Орадан ярим соат ўтгач Байбурий шаҳридан ўтдик. Аввалги вақтларда ўзимизда қабр устига ҳеч нарса қўйилмасди. Шундай қабристонлар бу жойда ҳам бор экан. Масжид гумбазлари ҳам биздагидек. Шоли ҳам экиларкан. Йўл давомида шоли ўтаётганларни ҳам учратдик. Кичик бир каналдан ўтдик. Идини-товоқ тайёрлайдиган хумдонлари газ, кўмир, ўтин йўқлигидан бўлса керак, тезак ёқиб қизитиларкан, Чиройлик туваклар, кўмфонлар, коса ва пилалар сотиш учун тайёрлаб қўйилибди.

Бангламандий шаҳридан ҳам ўтилди. Соат 13.50 да бизга «хамрох» бўлиб бир канал қўшилди, у 600 метр юргач ўнгга қайрилиб кетди, яна битта канал кесиб ўтилди.

Хаш-паш дегунча Лохурга ҳам кириб келдик. Шунда соат 14 эди. Шаҳарга киришда икки қаторли йўл, йўл оралиридан иккита канал оқаркан. Йўл ва каналлар бўйи мафтункор дарахтлар билан қопланган. Йўлнинг ҳар икки чек





Дехлидаги мизлат мозийгоҳи.

касида одамлар дам оладиган, сайр қиладиган манзара, ер юзи эса кўм-кўк гилам тўшалгандек. Сер дарахт, ўтиргичлар қўйилган. Ёшу-қари, болалар дам олишялти. Ута таъсирланганимдан Андижонни ўртасидан ҳам шундай катта сув ўтсайди, Куйганёрдан ўтадиган Қорадарёни Андижон шаҳридан олиб ўтилсайди, қандай улуғ иш бўларди, деб бейхитёр айтиб юбордим. Ҳиндистон ҳукмдорларидан бири Давлатхон билан Қобул подшоҳи Бобур ўртасида Панжоб учун бўлган музокаралар, тўқнашувлар хаёлдан ўта бошлади. 1524-1525 йиллардаёқ Бобур Панжобни ўз измига қаратиб, Лохурда мустақкам ўрнашиб қолганди. Бобурдан тазйиққа учраган Давлатхон тоққа қараб чекинишга мажбур бўлганди. Унинг қўшинлари анча озайиб, заифлашиб қолганди. Бобур ва унинг амирлари Давлатхон аҳволидан хабардор эдилар ва Лохурда бемалол ўзларининг ҳимоясига шайланиб турардилар. Шу вақтда Деҳли султони Иброҳим Лўдий ўз фойдасини кўзлаб, қулай фурсатдан фойдаланиб, Панжобни қайтариб олмоқчи бўлади ва у ерга ўз аскарларини жўнатади. Аммо Давлатхон билан Бобурнинг биргаликда кўрган тadbирлари туфайли Султон Иброҳим Лўдий чекинишга мажбур бўлади.

Бобур Султон Алоуддин билан шартнома тузади, унга кўра Султон Алоуддин Бобурнинг Деҳли тахтини олишида ёрдам бериши кўрсатилади. Айни вақтда Алоуддин Бобурга Лохурнинг ғарбидаги бир қанча сарҳадларни ҳам расмий тарзда беради. Бу эса мустақил давлатга эга бўлиш истагидаги Бобур учун катта ютуқ эди. Унинг Деҳли сари юриши учун бу жуда қулай имконият туғдирди.

Султон Алоуддин ўз амирлари ва аскарларини Бобур ҳузурига юборади ва улар Бобурга тобе бўлишини, уни Деҳлига юришида ёрдам беришларини буюради. Давлатхоннинг Бобурга нисбатан ҳеч қандай ғарази ёки ҳафалиги бўлмаганди. Ҳаттоки, Бобурга Лохурда мустақил ҳукмронлик ўрнатишда Давлатхон ўз ўғиллари билан ёрдам берганди. Бобур Лохурда туриб Деҳли сари ҳал қилувчи жангга кириши олдидан катта куч тўплайди, зўр тайёргарлик кўради. Шу вақтда у ўта оқилона дипломатик, ҳарбий сиёсат олиб борадики, бу туфайли Деҳли сари юришида бир қатор сарҳадларни осонликча босиб олади, ўзининг ҳарбий кучларини янада қувватлантириб, айрим ҳолларда ҳеч қандай қаршиликсиз Деҳлига қараб силжиб боради.



Деҳли университетда. 2 октябрь 1992 й.

Лохур аҳолиси 8 миллион Биз «Мимбасадир» меҳмонхонасига жойлашдик. Қуэттадаги ватандош ўзбеклар тавсия қилган Раҳматуллони Хайриддин Султон телефон орқали излади. Аммо у Саудия Арабистонда экан. Унинг укаси Абдуғаффор тезлик билан матуреллёрда етиб келди. Бу хушбичим, чаққон йигит 26 ёшда, унинг онаси Фарғоналик ўзбеклардан, отаси туркман. Бухоро инқилобидан сўнг бу оила кўплар қатори муҳожирликка чиқиб кетган ва Афғонистонда яшаган.

Унинг мана бу сўзларини диктофонга ёзиб қўйгандим: «Тижорат ишлари қиламиз. Покистонга келганимизга 8 йил бўлди. Волдан онамиз асли Фарғонадан, у киши меннинг бобом билан Кобулга келиб қолган эканлар, терп сотиб олган, қўйининг пўстинини (биэдаги кўнчилик — Р. Ш.). Менинг отам шогирд қилиб бобом билан ишлаб, онам билан танишган». У ва унинг оила аъзолари «Савр инқилоби» аталмиш тўнтариш туфайли Афғонистонни тарк этиб, Покистонга келиб Пешавор ва Лохурда муҳожир сифатида истиқомат қилишмоқда. Абдуғаффор, акаси Раҳматулло билан тижоратчи экан. Гиламфурушлик билан шуғулланишади. Абдуғаффор инглиз, урду, форс, ўзбек тилларини яхши биллади. Инглизча, урдучани у шу қадар яхши биладикки, мен ва Хайриддин ундан тилмоч сифатида самарали фойдаландик. Кутубхоналар, китоб дўконлари, мозийгоҳ, газета редакцияларида, тарихий обидаларда бўлганимизда Абдуғаффор мушуқулимизни осон қилди.

Шу куни Лохурнинг энг шином, гўзал тарихий обидалари ичда маълум ва машҳур Шоҳқалъада бўлди. Уни урдулар қисқароқ қилиб «Шақалъа» деб ҳам айтишаркан. Бу улкан ишшоотлар асосчиси — Акбаршоҳ. Унинг ўғли Жаҳонгир шоҳ, набираси Шоҳ Жаҳон даврида бу мафтункор, жой янгидан-янгиле меъморчилик обидалари билан бойиб, янада кўркамлашиб борган. Техник ва бошқа айрим сабабларга кўра бу мўъжаз даргоҳни видео тасвирга олаолмадим. Аммо Лохур университети талабаси, музей ходими Набид Аҳмад жанобларнинг инглиз тилида айтиб берган ва тилмочимиз доцент Маҳмуджон Жўраев таржима этган тафсилотларини диктофонга тушириб қолган эканман. Ундан айрим лавҳаларни қандай бўлса шундайлигича келтираман: «...Шоҳқалъа. Шу ерда Шоҳ Жаҳоннинг ерлари бўлган, Бобур келган жойлар. Бу жой асли Акбар Шоҳ то-



Андижонликлар Тоғ маҳалда. 30.IX.92 й.

мопидан асосланган. 1566 йилда, 1568 йилда таъмирланган. Бу мўғуллардан 400 йил кейин қурилган Қалъа. Инглизлар бу ерни мустамлакага айлантирган. Қалъани қамоқхона қиллишган.

— Мана шу Жавоҳир масжиди экан. Йилда 12 ой бўлса, ҳар ойда ўзгача товляниб турар экан, ранги ҳам бошқача бўлиб тураркан. Агарда ой чиққанда қаралса жавоҳирга ўхшаб ялтираб тураркан. 1628 йилда қурилган экан.

— Ким қурган?

— Шох Жаҳон. Мана бу кўприк «Аликан» «Фил кўприги» дейиларкан, ўнг томонда ойнабанд қаср бор. Уни ҳам 1631 йили Шох Жаҳон қурган. Қалъа 380x320 метр жойни эгаллаган.

— Бузилган мадраса ҳаробалари. Ҳиндлар портлатган. Кейин яна тикланган.

— Лохур санъатининг энг чиройли қасри. 4 дарвозаси бор экан (1555 йилда) Акбар Шох қурган, 1566 йилда иккинчиси, учинчисини Шох Жаҳон 1631 йилда, тўртинчисини 1673 йилда Аврангзеб қурдирган. Бу сарой Мумтоз хоним учун қурилган экан. Саройнинг номи «Ойнаи Жаҳон» экан, бундай дейилишига сабаб, ойнага нақш босилган. Қирол ва қироличалар учун бир неча хоналар бор. Бу бино шу саройнинг юраги экан.

— Мумтоз хоним вафотидан кейин қурилган жой. У хоним турмушга чиққандан сўнг 17 йилда 14 фарзанд кўрган экан.

— Ичкарига кириб кўрсангиз расм бор, қироличанинг тожи худди шу бинонинг ўзи. Тасодиқ шуки қиролича ўлмагандек, уни худди ёнинида ўтиргандек хис этасиз.

Бобурийлар даврида жуда кўп ажойиб нарсалар қурилган. Бу ерда тўртта фонтан бўлган, уларга жавоҳирлар ўрнатилган, гўзал бўлган. Британлар келиб бу ердаги жавоҳирларни ўйиб олиб кетишган экан.

Бобурийлардан мерос қолган бу каби ноёб, нафис, тарихий, маънавий аҳамияти улуг бўлган обидалар бизгача етиб келгани, яхши сақлангани ҳар бир саёҳатчини лол қолдиради. Покистонликлар ўтмиш маданияти дурдоналарини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётганидан беҳад хурсанд бўлдик.

Покистон диёрида Бобур ва унинг ворислари номи билан боғлиқ қадам жойлар, тарихий обидалар, иншоот, санъ-



ат ёдгорликлари кўлдан-кўп, улар бизгача яхши сақланган. Айниқса Лохур шаҳрида бундай ёдгорликлар жуда кўп. Буни Қаромат Али Хоннинг 1991 йили инглиз тилида чоп қилинган «Лохурга нигоҳ ташланганда» номли китобидан ҳам кузатса бўлади. Бобур авлодларидан Акбаршоҳга, Шох Жаҳонга, Шох Олам II га подшолик тожини кийгизиш маросими айни шу Лохурда ўтказилган. X асрда Маҳмуд Ғазнавийлар Лохурнинг номини ўзгартиришган. Унга Ғазнавийлар шоҳларидан бири Муборак Шох номи берилиб, Муборак-обод шаҳри деб аталадиган бўлган. Бобур набираси Акбар Шох шаҳарнинг аввалги тарихий номини тиклаган.

Лохур Бобурийлар даврида гуллаб-яшнади. Ҳашаматли, мафтункор бинолар, масжид, мадрасалар, миноралар қурилди. Уша вақтда барпо қилинган боғлар мана ҳозирда ҳам саёҳатчилар, зиёратчиларни ҳайратда қолдирмоқда.

Лохурда Бобурийлар томонидан 36 та боғ яратилибди, 23 та боғни Сикхлар, 3 та боғни инглизлар барпо қилишган. Бобурийларга мансуб боғлар орасида Боғи Дилкушо, Боғи Бароодури, Гулоби боғ, Шалимпар боғ, Чорбуржи боғлар ҳозирда ҳам жуда гўзал, мафтункор. Боғи Дилкушо Акбар Шохнинг ташқил эшик оғаси Нажаб Меҳди Козимхон томонидан бошланган. Акбар Шох ўғли Жаҳонгир шоҳ бу боғни охиригача битказиб, сеvimли, пафодор рафиқаси Нур Жаҳонга тақдим қилган. Шундан бошлаб боғ Боғи Дилкушо деб юритилади. Худди шу жойда Жаҳонгир шоҳ дафн этилган.

Жаҳонгир шоҳнинг ўғли Шох Жаҳон даврида унинг саройбони Мирзо Султон Бек томонидан 1656 йили Гулоби боғ асосланган.

Аждодларимиздан мерос қолган «Шаҳар бедарвоза бўлмайди» деган гап нақадар тўғрилигини Бобурийлар даврида қад кўтарган Лохурдаги улкан дарвозадан ҳам ҳис этиш мумкин. Шаҳарнинг жанубида «Масжади» номли дарвозани Акбар шоҳ қурдирган. Шаҳарнинг шимолий қисмида эса Аврангзеб Оламгир «Сарой» номли дарвозани асослаган. «Шох Бурж» дарвозасига эса Шох Жаҳон асос солган. У «Шох Махал» деб ҳам юритиларкан. Бу ёдгорлик 1631 йилда битказилган.

Бобурийлардан қолган ёдгорликлар орасида мусулмон масжидлари алоҳида ўрин тутади. Жаҳонгир шоҳнинг онаси Маряма Замоний томонидан 1614 йили «Бегим Шох» ном-





**Лоҳурдаги миллат мозийгоҳи**

ли масжид бипо этилган. Сикхлар ҳукмронлиги даврида бу масжидга замбаракдан түп отилиб вайрон қилинган. 1859 йилда у мусулмонлар томонидан қайтадан таъмирланган. Ҳозирда масжид ишлаб турибди.

Шоҳ Жаҳоннинг энагаси Зебунисо 1635 йили жуда ҳам салоҳиятли, салобатли, мафтункор масжид қурдирган. Бу улкан, қалб эгаси, машҳур шоира ўз ёнидан маблағ сарфлаб, қурилишда ўзи бош туриб битказган. Масжид Дойн Анча, яъни Зебунисо деб аталаркан. Сикхлар бу масжидга ҳам тажовуз қилишган. 1903 йилда уни мусулмонлар қайтадан таъмирлашган. Масжид меъморчилик жиҳатидан жуда ҳам нозик, нафис дид билан қурилган, ниҳоятда гўзал, кошчиқор, мафтункор. У Лохурдаги машҳур Вазир Хон масжиди услубида қурилган.

1637 йилда Шоҳ Жаҳон ўз бобокалонини Акбар Шоҳ номига атаб Масжид, Сарой қурдирган экан. Бу ёдгорлик Шоҳ Жаҳон қиблагоҳи Жаҳонгир шоҳ қабрининг гарбида жойлашган. Жаҳонгир мақбараси билан Акбар шоҳ масжиди, саройи оралигида ер сатҳига мармар тошлар ётқизилган. Акбар шоҳ саройининг узунини 745 фут, эни 560 фут. Унинг атрофида 180 та хона бор. Шу саройнинг жанубий дарвозасида археологик илмий муассаса идораси жойлашган. Саройнинг Шарқий дарвозасидан чиқишда Жаҳонгир мақбараси, хунармандчилик намуналари бор экан. Масжид дарвозаси рўпарасидаги каттакон гумбаз ва кўм-кўк кўл киши диққатини тортади.

Бадшоҳи Масжидининг император Аврангзеб Оламгир 1674 йили қурдирган. У дунёдаги энг катта масжидлардан бири бўлиб, Маккаи Мукаррамадаги Али Вамид масжиди шакли ва услубида қурилган.

Император Шоҳ Жаҳон Зебунисо Бегимга шўъом этган Гулоби боғи ёнида ҳозирда Муҳандислик университети жойлашган экан. Бу олийгоҳ яқинида эса Зебунисо қабри бор. Мақбара 60 квадрат метр жойини эгаллаган, жуда чиройлик, нафис дид билан қурилган. Зебунисо масжиди ҳам шу жойда экан.

Жаҳонгир шоҳ ўз вазири Мирза Ғиёс бек қизи Меҳринисо Бегимга уйланган. Унинг биринчи эри Али Кули бўлган. Меҳринисо Бегим хусн ва латофатда, одоб ва ахлоқда, ифбатда тенгги йўқ гўзал, ўқинишли ва тадбиркор жувон бўлган. Шу бондан ҳам Жаҳонгир 1611 йили Меҳринисо



Бегимга уйланади, уни Нур Жаҳон деб атай бошлайди. Жаҳонгир шоҳ 1627 йилда вафот қилади. 18 йил давомида бева бўлиб Нур Жаҳон 1645 йили вафот қилган ва ўзи тириклигида қурдирган қабрга дафн этилган. Нур Жаҳон қабри Жаҳонгир шоҳ қабрининг шимолида жойлашган. Бу табаррук жойлар шу қадар гўзал, мафтункорки, уни халқ «Чор чаман» деб аташаркан.

Жаҳонгир шоҳ Кашмир саёҳатидан қайтаётиб 1627 йилда Бимбер яқинида тўсатдан вафот этган. Малика Нур Жаҳоннинг истаги билан Лохурдаги Боғи Дилкушога Жаҳонгир шоҳ дафн этилган. Қабр унинг ўғли Шоҳ Жаҳон томонидан қурилган. Айрим ривоятларга кўра эса бу қабр Малика Нур Жаҳон томонидан қурилган. Аммо қабр қурилишида мусулмончилик нуқтаи назаридан қурилганда ҳам аёл кишининг бошқош бўлиши унчалик ҳақиқатга тўғри келмаса керак. Шу боис қабрни унинг ўғли Шоҳ Жаҳон қурдиргани тўғрироқ бўлса керак. Қаромат Али Хон ана шундай фикрни юқоридаги асарида баён этган.

Қабр чиндан ҳам жуда салоҳиятли, шарқона нақшинкор, гўзалдир. Катта фалсафий маъноли, жилвадор деворлар, сағана геометрик шаклларда мрамрдан бино этилган бу қабр Бобурийлар меъморчилигининг шу қадар равнақ топгани, барқ урганини ҳар бир зиёратчига намойиш этади. Бир сўз билан айтганда, у Аградаги етти иқлим мўъжизасидан бири афсонавий машҳур Тож Маҳалдан сўнг иккинчи ўринда тўрадиган буюк тарихий-маданий меъморчилик санъати ёдгорлигидир.

Бу мафтункор обидаларнинг ҳар бири узоқ Бобурийлар даври салтанати, санъати, маданияти, маънавияти, диний диёнати, эътиқоди нақадар қудратли, ибратли бўлганини ҳаёлаи тасаввур этдим. Фикрим «Бобурнома»да Лохур қай тариқа тасвирланганига қаратилди.

Панжоб вилояти хокими Давлатхон Деҳли султони Иброҳим Лўдий эртаими-кеч Лохурга хужум қилишини сезиб Қобул подшоси Бобурга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Бобурнинг Ҳиндистон сари юриши учун Давлатхоннинг бу мурожаати жуда қўл келади. Бу мақсадни рўёбга чиқариш учун беш марта юриш қилади. Ҳар бир юриш аини шу Лохур орқали бўлган. Лохур Бобур учун Ҳиндистонни забт этиш режаси ва ҳаракатида муҳим таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган азим шаҳар. Бобур ва унинг ворислари учун



www.ziyouz.com  
www.ziyouz.com  
www.ziyouz.com  
www.ziyouz.com  
www.ziyouz.com

ҳам бу шаҳар ниҳоятда қадрлидир. Шу бонс «Бобурнома»-да, Акбарнома»да, «Хумоюннома»да ва бошқа асарларда Лоҳур жула ажойиб тасвирланган.

Лоҳурнинг Бобур билан бевосита боғлиқ жиҳатлари жу-да кўп ва улар тарихий манбаларда қисман ўз ифодасини топган.


Бобур ўз эсдалигида шундай ёзган: «Тарих тўққиз юз ундаким (1504/5 йил — Р. Ш.), Қобул вилояти муссахар бўлди, ул тарихдин бу тарихқача ҳамиша Ҳиндистон хаваси қилилур эди. Гоҳи бекларнинг суст райълиғидин, гоҳи оғанининг ноҳампойлиғидин Ҳиндистон юруши муяссар бўлмас эди. Охир мундоқ маавони қолмади. Кичик-кирим бек ва бекотин ҳеч ким хилофи мақсуд сўз айта олмади.

Тарих тўққуз юз йигирма бешинда (1919 — Р. Ш.), черик тортиб, Бажурни зўр била икки-уч кериди олиб элини қатли ом қилиб, Баҳраға келдук. Талон ва торож қилмай Бехра элиға моли омон солиб, нақд ва жинсдин туртлак шохрухий олиб, черик элиға навкар адади била улашиб, Қобулға мурожаат қилилди.

Ушбу тарихдин тўққуз юз ўттуз иккигача (1526 йилгача — Р. Ш.), Ҳиндустонға, бажид юрушуб, етти-саккиз йилда беш нанбат Ҳиндустонға черик торттук. Бешинчи навбат тенгри таоло ўз фазл вакарами била Султон Иброҳимдек Ғанимни манхур ва абтор қилиб, Ҳиндистондек васиъ мамлакатни бизга муяссар ва мусаххар қилди» («Бобурнома», 339-бет).

«Бобурнома»да Бобур 1525 йил Лоҳурдан Пешоворга, ундан Қобулға келиш тафсилотини, жумладан Пешовор ва унинг атрофидаги манзарани яхши тасвирлаганди. «Панжшанба кун оғтоб чиққонда сув ёқасидин кўчулди. Бу кун маъжун дейилди. Ғариб гулзорлар Мажунийлиқта тафаррук қилдук. Сариқ аргувоний парча-парча ерларда якдаст сари гуллар очилибтур. Яна баъзи ерларда афшон қилғондек дарҳам очилибтур. Урду ёвуғида бир баланди устида ўлтуриб, гулзор тафарруж қилдук. Тарроҳлик қилғондек бу тепанинг олти тарафида бир дафъа сариқ ва бир дафъа аргувоний гул хат-хат мусаддас шаклда очилибтур. Икки тарафда гул озроқ эди. Куз кор қилгунча ушмундоқ гулзор эди. Першоварнинг (Пешавор — Р. Ш.) навоҳисида баҳор вақти яхши гулзорлар бўладур.

Саҳар ул юрттин кўчдук».



Йўлда бир шерга дуч келинади. Бобур шундай ёзади: «Келурда дарё ёқасидан бир шер ғирқираб чиқти, отлар шер унини эшитгач, беихтиёр ҳар сонға элни олиб, титраб, жар ва чуқурга ўзини ташлади. Ениб, яна жанғалга кирди. Буюрдукким, говмиш келтуруб, жанғалга солиб, шерни чиқарғайлар. Яна ғирқираб чиқти, ҳар тарафтин ўқладилар мен ҳам ўқладим. Холвий (Нухой) пиёда найза била санчарда найзанинг синонини ушата тишалди. Шер қалин ўқ еб, бутанга сиқиниб туруб эди. Бобо Ясавул қилич суғуриб, яқин юрив эди, шер ҳамла қилурда, бошига чопти. Андин сўнг Али Сийстоний белиға чопти, шер ўзини дарёга солди, сув ичида — ўқ ўлтурдилар. Сувдин чиқариб, терисини буюрдукким, олғайлар». («Бобурнома», 298-299-бетлар).

Бобур Пешовор вилоятида Қанжал исмли қуш борлигини таърифлаганди. «Жуссаси дуррожча — ўқ бўлғай, уни какликнинг унига хили ўхшар вале мунинг уни кўп тездур. Нар и била модасининг ранги орасида тафовут камдур», — деб ёзганди Бобур (343-бет).

Таниқли таржимон ва олим Ансориддин Иброҳимов томонидан ҳиндий тилидан ўзбек тилига таржима қилган «Бобурнома»нинг «Йўқолган саҳифалари» номли мақолаларида («Тошкент оқшоми», 1991 йил, 26 март, 23 апрель) Бобурнинг Лоҳурдаги фаолиятига онд айрим лавҳалар келтирилган: «Сулаймон тезда йўлга равона бўлади. Бобур у билан бирга (ёки изма-из) Лоҳургача боради. Бобурнинг бундай қилишдан мақсади уни эсон-омон манзилга элтиб қўйишгина эмас, Саййидини чўчатиш ҳам бўлган бўлса, эҳтимол. Ҳумоюн Самбҳалга жўнатилади. Самбҳал уники эди.

...Бобур Сулаймон билан Лоҳургача бирга бориб гапининг шу маънода эканини яна ҳам ойдинлаштирган эди.

Бобурнинг бу Лоҳур сафари хижрий 936 йилнинг бошидан охиригача тўлиқ бир йил давом этади. Лоҳурга кетаётган Сарҳнда Кеҳлурнинг режаси (Бобурнинг) хизматиға ўтади ва унга еттита лочин ҳамда беш ман (оғирлик ўлчови, тахминан 40 кг. — А. И.) олтин тортиқ қилиб, ўз вилоятига ўзини ҳоким этиб тайинлатиб олади».

Бобур Лоҳурга келганида унинг ўғли Камрон шу ерда эди. Камроннинг отаси Бобурни кутиб олиши шундай тасвирланган: «Камрон Лоҳурда ўзи барпо эттирган боғда отасини катта тантана билан кутиб олади ва унга таништириш учун маҳаллий ҳокимларни бу ерга ҳозир қилади. Мелодий




**AKBAR  
NAMA  
of  
Abu-l Fazl**

**H. M. ELLIOT**

**ISLAMIC BOOK SERVICE**

1529 йилнинг бошларида Мўлтон унинг ихтиёрига берилган эди ва отаси ўзининг ерларига ташриф буюраётганини эшитиб, у Кандахордан Лоҳурга келган эди. (Отасининг ўлимидан кейин ўгай акаси Хумоюн билан жанг қилиб, у Лоҳур ва Мўлтонни яна қўлга киритади). Қобулдан Ҳиндол ҳам етиб келган эди. ..Отаси Лоҳурдан жўнаб кетаётганда, қишнинг охирида у яна Қобулга қайтиб келади. Кетаётганида унга иккита фил, тўртта от ва дуру жавоҳирлар қадалган камар ва ханжар инъом қилинади. Лоҳурдан Бобур мелодий 1529 йилнинг 4 март кунн йўлга чиқади. Йўлда Сарҳиндга етиб келганида Саманнинг қозиси унга ражпут Мухан Мандхар (Мандахир)нинг устидан арз қилади, еримга ҳужум қилиб, талон-торож қилди, ўт қўйди ҳамда ўғлимни ўлдирди, дейди. Шу гапдан кейин Бобур Али Қули Хамадонийни уч минг отлиқ билан Карпол вилоятининг Кайтхал парчанасидаги (вилоятдаги — Р. Ш.) Муханнинг қишлоғига юборади. Хамадоний у ерга эрта саҳардан етиб келади. Совуқ шу қадар кучли эдики, биронта одам камоннинг ипини тортиб тарағ қила олмади. (Туркий камоннинг ипи совуқда тош қотиб қолади). Мандахарлар иссиқ уйларида чикиб подшоҳ қўшинини шундай ўққа тутдики, улар қочгани жой топа олмади қолади. Қанчадан-қанча одам нобуд бўлади. Бобур бу мағлубият ҳақидаги хабарни эшитгани заҳоти у ерга олти минг отлиқ ва бир неча фил билан Тарсам Баҳодир ва Навранг Бекни жўнатади. Бу қўшин тунда етиб келади. Яна ўшандай тўй тантанаси бўлаётган эди. Тонг отгач, шоҳ қўшини уч дастага бўлиниб, хамла бошлайди. Олдин бир даста Ғарб томонидан ҳужумга ўтади. У мандхарларни чалғитиб икки кўс нарига кетидан эргаштириб олиб кетади. Бу орада иккинчи томондан Тарсам Баҳодир ҳужум бошлайди. У кўпдан-кўп мандхарларни ўлдириб, қишлоққа ўт қўяди. Биринчи дастан таъқиб қилиб кетаётганлар тутунни кўрадио изига қайтади. Йўлда улар қуршовга олинади. Эркак, аёл, бола-чақалардан иборат бир-икки минг чоғлик киши қўлга олинади. Талайгина одам нобуд ҳам бўлади. Муханни белигача ерга кўмиб қўйиб, камондан ўқ отиб ўлдирилади. Булар ҳақидаги хабар подшоҳга жўнатилади.

«Бобурнома»нинг ёзилмаган саҳифаларида Хижрий 931 йил, яъни 1524 йилнинг 29 октябридан 1525 йилнинг 17 октябригача бўлган давр воқеаларида ҳам Бобурнинг Лоҳур билан боғлиқ қирралари очилган.



Ансоридин Иброҳимовнинг ҳиндий тилидан ўзбекчага таржимасида Бобурнинг Лоҳур билан боғлиқ лавҳаларида маъна бу сатрлар бор: Бобур Қобулга қайтган захоти Давлатхон тоғдаги пистирмасидан чиқади. У ўғли Диловарни тутиб қамаб қўяди, Султонлурни қўлга олади. Кейин каттагина қўшни тўплайди-да, Дибаллурга юриш қилиб, Оламхон Лўдийни ҳам тор-мор этади. Лекин Бобур тарафдорлари Давлатхонга ҳужум қилиб, уни мағлубиятга учратадилар.

Иброҳим Лўдий ҳам Панжобни қайта забт этиш учун қўшин юборади, бироқ у қўшин ичидаги низо ва норозиликлардан Давлатхон ўз маиғаати йўлида фойдаланади. Панжобнинг бир қисмини ўзи босиб олади, қолган қисмларнинг эса обдон тинкасини қуритади. Дибаллурда енгилган Оламхон Лўдий тўппа-тўғри Қобулга қараб қочади, Бобур «агар сен Деҳлига подшоҳ бўлсанг, унда Лоҳур ва Лоҳурдан бу ёқдаги жамики ерлар меннинг тасарруфимда бўлади», деган шарт билан унга ёрдам беришга ваъда беради. Унга қўшин берилади ва кўмак бериш учун Лоҳурга беклари номига фармон битилади. Бобур бундай дейди: «Сен боравер, мен ҳам кетингдан бораман». Бобурнинг Оламхон билан бўлган муносабатлари шундан кейинги хижрий 932 йил воқеаларида баён қилинади. (Чунки бутун тафсилотлардан Бобур ўшанда хабар топади).

Ўзбек султонлари ва хонлари Балхнинг қўриқ тургани сабабли Бобур сўз берган бўлишига қарамай бу ёққа келолмайди. Балхни қамалдан озод қилиб қайтганидан кейинги 1525 йилнинг 17 ноябрида Бобурнинг Ҳиндистонга қилган бешинчи ва сўнги зафарли юриши бошланади.

Аловуддин Оламхон Лўдийнинг Қобулдан муваффақиятли музокара билан қайтганини эшитган Давлатхон у билан битим тузади. Бобур Оламхоннинг бу ишини ваъдани бузини ва хиёнат деб тушунади. Давлатхон билан битим тузиб, Оламхон Лўдий билан тузган бутун шартномасини ўзи йўққа чиқарди, деган хулосага келади.

Айтишларича, Деҳлига етиб келгунча Оламхоннинг қўшинидаги отлиқлар сони қирқ мингга етиб қолган экан».

Лоҳурдаги миллат мозийгоҳида икки марта бўлганимда экскурсовод мўғуллар империяси даври иборасини кўп ишлатиб, Бобур ва унинг авлодларини, умуман Бобурийлар сулоласини мўғуллар сулоласи деб такрор-такрор айтишидан ғашим келди. Китоб дўконларидан харид қилган асарларда ҳам Бобурийлар сулоласи эмас, мўғуллар им-

# The Formation of the Mughal Empire

DOUGLAS E. STELLBORN



перияси деган ибораларни ўқиб янада асабийлашдим. Улуғ шарқшунос рус олими В. В. Бартольд ўз вақтида мўғуллар империяси деб аташ тўғри эмас, бобурийлар авлоди деган иборани ишлатиш мақсадга мувофиқдир деган фикрларини, академик Ҳамид Сулаймон, УЗФА мухбир аъзоси Саҳобат Азимжонова ва бошқа ўзбек олимларининг ҳам бобурийлар сулоласи ҳақидаги ҳаққоний ғояларини била туриб, нидамасдан юришни ўзимга эп кўрмадим. Таржимон Абдуғаффор орқали бу масалани тушувтиришга уришиб кўрдим. Аммо натижаси бўлмади. Лоҳурдаги музейнинг бир бўлими Буюк мўғуллар империяси даврига бағишла-нибди. Унинг номлалишига ҳам эътироз билдирдим. Хайрридин билан келишиб Абдуғаффор таржимонлигида бирон-бир редакцияда бўлиб, бу ҳақдаги фикрларни матбуот орқали баён қилиш мақсадида меҳмонхонамиздан унча узоқ бўлмаган кўи қаватли «Ахбори жанг», «Янгилик» газеталари редакцияси директори жаноби Аршаде Ислон ҳузурида бўлдик. Узуи бўйли, қоранадан келган, қийғир бурун, қоп-қора сочили, сермулоҳазали бу инсон бизни жуда илиқ кутиб олди. Чой ва кофе билан меҳмон қилди. Суҳбатимизга 2-3 ходимини ҳам жалб этди. Суҳбатни диктофонга ёзиб олдим, видео камерага туширдим. Аршаде Ислон мақсадимизни билиб, Лоҳур, Пешавордаги Бобур ва унинг авлодлари тарихи билан шуғулланувчи олимлар номини келтирди.

Бобур мўғул эмас, ўзбек, деган мавзудаги баҳсимиз жуда тортишув руҳида ўтди. Улар Темур ҳам, Бобур ҳам, унинг авлодлари ҳам мўғуллардан, деган ғояни ҳимоя қилишга, биз эса Темур, Бобур ўзбек эканликларини ҳар жиҳатдан исботлашга уриндик. Бош муҳаррир газета иши билан бизни батафсил таништирди.

Ҳаш-паш дегунча соат 18 бўлиб ҳам қолди. Бош муҳаррир фотосуратимизни олдирди, бир журналист суҳбатимизни ёзиб олди, кичик бир ахборот тайёрлади. Уни Абдуғаффор ўзбекчада бизга тушувтирди.

Суҳбат ва сурат эртага газетада босилади, кейинчалик рапгли журналимизда кенгроқ қилиб чиқарамиз, деб ваъда қилишди. Биз хайрлашиб, редакциядан чиқдик. Эртасига эрталаб соат 7.30 да номеримизга ҳар бири 20 саҳифадан иборат икки хил газетадан 2 жуфтдан келтиришди. Суратимизни ва суҳбатимизни газетада кўриб ғоят хурсанд бўлдик. Нонуштада экспедиция аъзоларига газетани тақ-



дим қилдик. Таржимон Маҳмуджон Жўраев газетадаги суҳбатини дарҳол ўзбекчалаштирди. Аммо айрим «ҳамроҳларимизга» бу ёқмади шекилли, улардан ҳеч қандай аксадо чиқмади.

«Ахбори жанг» номли урду тилида 1 миллион 200 минг нусхада арабча имлода, 20 бетли рангли газетанинг 8 июль сонидида «Шоиншоҳ Бобурни мўғул демак ғалат» сарлавҳаси остида берилган суҳбатимизда мана бу сатрлар бор эди:

«...Ўзбекистондан Андижон университетининг тарих шўъбасидан Ҳожи Рустам Шамсутдин, Ҳожи Зокир Машраб, Ҳожи Хайритдин Султон бир кун аввал Лоҳурга келдилар. Улардан Ҳожи Рустам Шамсутдин Лоҳурга келиш мақсадини айтиб, Заҳриддин Муҳаммад Бобур борасида маълумот ва аснотлар йиғишга келганлигини билдирди. Бобур туғилиб ўсган Андижонда ташкил бўлган Бобур уй-музейи учун ҳужжатли, бадий, этюд аснотлар излаш ва топиш, Бобурийлар ҳукумати, Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан Бобур номли халқаро илмий экспедиция тузилгани мустақилликнинг, истиқлолнинг дастлабки меваларидан бири эканлигини таъкидлади. Ҳозирги ўзида Бобур ҳақида илмий, бадий асарлар, кинофильмлар яратилди. Аммо ҳали етарли эмас. Экспедиция Эрон, Туркия, Шом, Урдун, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирлигида бўлди. Энди Покистон, Ҳиндистон, Бангладешда бўлишини айтди. Профессор жумладан шундай хабар қилди: «Темур ва Бобур не жойга борибди ва ҳар ишни қилибдики, биз уни ўрганиб ўз тарихимизни рўйи-рост битмоғимиз лозим.

Бобур шоир, олим, давлат арбоби, буюк саркарда, моҳир сиёсатдон сифатида ўзини ва киндик қони тўкилган Андижонни бутун жаҳонга танитди. Биз Лоҳурдаги Бобурийлардан қолган тарихий обидаларни кўриб ҳайратда қолдик, Покистон ҳукумати, мамлакат халқи Бобурийлар меросини авайлаб — эъзозлаб сақлаб келаётганидан бағоят миннатдор бўлдик. Покистонлик олимлар яратган асарлар билан танишиб чиқдик, улар Бобурийлар тарихи, санъати, маданиятини ўрганишга катта эътибор берибдилар. 1993 йили Андижонда ўтказиладиган Бобурнинг 510 йиллик тўйи, илмий анжуманда иштирок этишлари мумкинлигини билдирди...».

120 минг нусхада инглиз тилида чиқаётган «Янгилик» газетасининг 1992 йил 8 июль сонидида «Бобур мўғул эмас,





Ўзбекдир», бир гуруҳ ўзбекларнинг «Янгилик», «Ганг» газеталари редакцияларига ташрифи» рукии остида, Ҳожи Рустамбек Шамсутдин, Ҳожи Хайриддин Султонларнинг сурати билан кичик бир мақола эълон қилинди. Ундан ҳам айнан парча келтираман: «Бобур номли Андижон давлат университети тарих факультети профессори Ҳожи Рустамбек Шамсутдинов бошчилигидаги ўзбек вакилларининг уч нафарли сешанба кунин бу ерда бўлдилар. Вакиллик аъзоларидан Ҳожи Зокиржон Машрабов ва Ҳожи Хайриддин Султоновлар ҳам ҳозир бўлдилар. Вакиллар «Янгилик», «Ганг» номли кундалик газеталария идораларида бўлдилар. Уларнинг холисона ташрифини парҳлаб вакиллик раҳбари Покистонга келишдан мақсад Заҳириддин Бобур ҳақидаги маълумотлар ва ҳужжатларни излаш ва жамлашдан иборат ва ўзбекларнинг улуғ сардори Бобур номидаги музей кўргазмаларига қўйиб намоиш этиш ва сақлашдан иборатдир, деб айтди.

Профессор Шамсутдинов шунингдек, вакиллар шу кунгача Туркманистон, Эрон, Туркия, Сурия, Йордания, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб амирлигида бўлганлигини айтди. Вакиллар шунингдек, Ҳиндиястон, Бангладеш ва Афғонистонга ташриф буюришларини айтди.

Улар ташрифининг яхши ишлаб чиқилган режаси, кўзланган мақсади, халқ оmmasининг буюк мутафаккир, шоир, сиёсатдон, улуғ саркарда, ноёб истилоҳчи ва довурак шахс, улкан император ҳақидаги фикрини билляшдир, деб айтди. У шуни ошкора айтдики, Заҳириддин Бобур асли Андижондан чиққан. Осиё ва Европа мамлакатларида уни мўғул қавмидаш чиққан деган фикр мутлақо хатодир.

У Бобур рамзи билан боғлиқ бўлган тарихий обидаларни сақлаб қелаётгани учун Покистон ҳукуматидан миннатдорлигини изҳор этди. Покистонлик олим ва ёзувчиларнинг Бобур ҳақидаги ижодий, бадийй ютуқларини юксак баҳолади. Шундан сўнг у келгуси йилда Ўзбекистонда Бобур таваллудининг 510 йиллиги тантанасига Покистондан ҳам вакиллар қатнашишига ишонч билдирди». Шунингдек, урду ва инглиз тилларида нашр қилинадиган, бутун Покистон бўйлаб тарқаладиган «Миллат» номли газета таҳририятида ҳам бўлди. Учрашув бўлди, мулоқот қилинди.

Миллат мозийгоҳида икки марта бўлишга тўғри келди. Биринчи сафар электр чироғи ўчиши туфайли наридан бери шошилиб кўришга тўғри келди. Аммо шу сафарда

Акифахоц исмли қиз билан танишиб олишимиз биз учун анча қўл келди. Бобурийлар мероси билан боғлиқ масалаларни суриштиришда бу қиз ва тилмочлик қилган Абду-гаффорнинг хизмати катта бўлди.

Бу мозийгоҳ халқ орасида «хазиналар музейи» деб ҳам аталаркан. У 1864 йилда, яъни инглизлар ҳукмронлиги даврида «Панжоб саноати ва санъати музейи» номи билан ташкил этилган. 1890 йил эса бу музей биз томоша қилаётган ҳозирги уч қаватли, қизил рангли гиштлик, катта бинога кўчган. Мозийгоҳда Покистон сарҳади бўйича қадимдан ҳозирги кунгача бўлган маданият, санъат тарихига оид кўرғазмалар мавжуд.

Музейнинг 18 та галарейси — кўрғазма, заллари бўлиб, уларнинг ҳар бири хронологик тартибда жойлашган. Кўрғазма залларининг бешинчиси ислом дунёсига, Покистон сарҳадидаги ислом, мусулмон жамияти санъатига бағишланган. Унда Тўғликшоҳ, Ферузшоҳдан тортиб Бобур ва унинг авлодлари — Акбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеблар даври санъатидан лавҳалар бор. Шу залда Туркистон, Эрон, Ироқ халқларининг турмуш, маданият, санъат асарлари (гилам, шоҳи сўзана, рўмол ва бошқалар) билан биргаликда Бобуршоҳ, Шоҳ Жаҳон даврлари ҳунармандчилиги санъати ҳам ўрин олган.

Олтинчи залда эса дунёдаги барча халқларнинг ҳунармандчилиги санъати намуналари қўйилган. Зал тўрисида Акбаршоҳ даврида ясалган ёғоч эшик виқор билан турибди.

15-залда олтин, кумуш ва бошқа металллардан зарб қилинган 50 мингта тангалар сақланмоқда. Улар Юнон-Бақтрия, Парфия, Кушон, Сосоний, Хун, Деҳли султонлари, Дурронийлар, Сикхлар подшоликлари даврига оид.

Бобуршоҳ, Шоҳ Жаҳон даврларида зарб этилган олтин тангалар ҳам қўйилибди. Тангаларнинг бир томонига шоҳнинг суръати ва иккинчи томонига «Шоҳ Жаҳон Подшоҳи Ғозий» деб, айланасига «Шаҳобиддини Муҳаммад Соҳибқироний соний» деб ёзилибди.

18-залда турли даврларнинг қўлёзма ва ҳаттотлик асарлари намуналари қўйилган. Унда 57 та нодир қўлёзма асар ва ҳаттотлик санъатини жамлаган альбом ҳам бор. Жумладан, унда Қуръони Шарифнинг турли хат усулларида ёзилган ҳамда Акбаршоҳнинг сарой кутубхонасидан олинган бир неча китоблар ҳам бор.

Синчқовлик билан қаралса юртдошимиз Бобур ва унинг ворислари даври турмуш тарзини ифодаловчи далилий-ашёлар, тарихий, маданий обидалар бу мозийгоҳда талайгина экан. Мис ва бронзадан ясалган патнуслар, давруҳини эслатувчи қилич, камон, ўқ-найза, дубулға, совут, қалқонлар, турли хил либослар, фил суягидан ясалган аёлларнинг пардоз қутиси, фил тишидан жуда нафис дид билан ясалган ойна кишини ҳайратга солади.

Мозийгоҳ ўзининг катта кутубхонасига эга экан. Бу ерда Акифахон, Абдуғаффор тилмочлигида кутубхона жамғармасидаги Бобурийлар даври тарихи, санъати, маданиятига оид инглиз, урду, ҳинд тилларида битилган нобб асарлар, қўлёзмаларни кўрдик. Китобхонлар, илмий ходимлар, умуман бу даргоҳга ташриф буюрганларнинг мутолаа этиши учун жуда қулай шароит яратилганига, хизмат маданияти ўта юксаклигига қойил қолдик.

Акифахоним таклифи билан унинг уйида бўлдик. Катта бувиси асли Кашмирлик экан. Кашмирдаги Бобур ва унинг ворислари томонидан яратилган обидалар, Бобурнинг Кашмирдаги фаолияти ҳақида бу ажойиб инсон Ҳамидахоним Маннон қизидан эшитдик. Айниқса бу аёлнинг Бобурга, Шўҳ Жаҳонга, Акбаршоҳга эътиқоди баланд экан. У шундай деди: «Бобур Мирзо бизнинг юртимизга Ислому нурини олиб келди. Аллоҳнинг марҳамати ва у подшоҳнинг сазой-ҳаракатлари билан биз мусулмон бўлдик. Бунинг учун Бобуршоҳдан бир умр миннатдормиз».

Ҳамидахоним Кашмирда Бобур ва унинг ворислари бунёд этган обидалар, айниқса боғ-роғлар ҳақида мароқ билан гапириб берди.

Бу хонадондаги суҳбатимизни видеотасвирга олдим. Акифахоним отасининг хизмат машинаси билан бизни Лоҳурнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдирди.

Лоҳурга келган биринчи кунимиздаёқ Абдуғаффор қисови билан кечки овқатланишга таклиф қилиндик. Афғонистондан келиб қолган ўзбек муҳожирлари бизни меҳмон қилишди. Улар шаҳарнинг гавжум кўчаларидан бирида, 2 қаватли, катта бир бинода ҳам яшаб, ҳам хизмат қиларканлар. Қўшни давлатлардан, Эрон, Қувайт каби мамлакатлардан гилам, палос олиб келишиб, унга ишлов, пардоз беришиб, гиламлар қирғоғига популлар қадаб, уларга бутунлай бошқача тус бериб, хориждан Лоҳурга келган саёҳатчиларга, тижоратчиларга сотарканлар.

Биринчи қаватда гилам дўконларини, унинг иккинчи қаватида гиламга ишлов берувчиларни кўрдик, сотувчилар, ходимлар билан танишдик, уларнинг аксарияти ўзбеклар, биронта аёл зоти йўқ. Қуръони карим китоби ўқиётган ёшлар ҳам бор. Намоз ўқийдиган, таҳорат қиладиган алоҳида хоналар мавжуд.

Аввал 15-20 та, сўнг 25-30 тага етиб ўзбекча дастурхонда таом едик, суҳбат қурдик. Дастурхонга нон, мева, сувнинг ҳар хили, чой қўйилибди. Бироз вақт ўтиши билан ош (палов) келтиришди. Ошни ўзбекона қўлда танаввул қилдик. Таомдан сўнг дуои фотиҳа қилинди, намоз ўқилди.

Қизғин суҳбатлар, мулоқотлар бошланиб кетди. Улар ўзлари ҳақида, биз ўзимиз ҳақимизда ахборотлар бердик. Ўтмиш тарихимиз, маданиятимиз, буюк сиймоларимиз, хусусан Амир Темури, Заҳририддин Бобури тўғрисида, 14 йил давом этган мудҳиш, мақсадсиз Афғонистон уруши, социализм дунёси, СССРдек қизил империянинг қулаши, хориждаги ватандошлар, Ўзбекистонни мустақилликка эришгани, унинг биринчи Президенти И. А. Каримовнинг ички, ташқи сиёсати, Ҳаж сафари таассуротлари, Ўзбекистон фуқаролари билан хориждаги ватандошларнинг бундан кейинги алоқалари, борди-келдилари каби мавзулар бўйича суҳбат борди. Тақдир тақозоси билан аввал Туркистондан, сўнгра Афғонистондан бу жойга келиб қолган муҳожир ўзбеклар учун ватан, миллий макон, она юрт, киндик қони тўкилган диёр бағоят азиз ва муътабарлигини яққол ҳис этдик. Улар ҳаж сафаридан қайтаётганимизни билишиб, бизларни қучоқ очиб зиёрат қилишди. Ҳожи Абдужалилнинг қайнотаси кулимсираб: Ватандан келганингиз учун икки марта зиёрат қилишга лойиқ азиз кишилар экансиз, деб қўйди.

Бу жойда 3-4 маротаба бўлдик. Ҳар сафар бизни меҳмон қилишди. Жавоб сифатида биз ҳам уларни Андижондан олиб борган девзира гуруч билан ош қилиб меҳмон қилиш зарурлигини хаёлдан ўтказдик. Аммо айрим сабабларга кўра, истак амалга ошмади. Аксинча, Ҳожи Абдужалил Лохурдан қайтиш кунимиз кечқурун ажойиб жойга олиб борди. Бу жой жуда гавжум, бир томонда кинотеатр, бир томонда оврупоча ресторан, бир томонда миллий ошхона ва чойхона. Ошхонада сим катакларда, (бир вақтлардаги ўзимиздаги четанга ўхшаш) тирик хўроз-товуқлар қақиллашиб

турипди. Хўрандалар улардан танлаб кабоб қилиб беришни сўрашса, ошпазлар шу заҳотиёқ товуқни сўйиб, туз, зира, пиёзлаб ё қўғириб, ё шашлик қилиб беришаркан. Хожи Абдужалил жаноблари бизни ҳам шу усулда меҳмон қилди.

Чойхўрлик қилдик. Мезбон билан қуюқ хайрлашдик.

8 июлдан 9 июлга ўтар кечаси. маҳаллий вақт билан туш кечаси 13.05 да меҳмонхонадан Исломобод сари йўлга чиқдик. Исломободдаги Хитой. Ҳиндистон элчихоналарида бўлиб. Ҳиндистонга сафар розилигини олиш. у ердан қайтгач. Қошғар орқали Ватанга қайтиш учун Хитой элчихонаси розилигини олишимиз зарур эди. Элчихоналарда пайшанба кунини иш ҳисобланиб, жума, шанба кунлари дам олишаркан, Шу боис пайшанба кунини Исломободга етиб келиб. элчихоналарда бўлиб, сафарни давом эттириш учун розилик олишга ошиқдик. Лоҳурдан Исломободгача 270 км. йўл босиларкан.

9 июль кунини эрталаб соат 8.30 да Исломободга етиб келдик. 13.30 га қадар Ҳиндистон элчихонасида мустарлик тортдик. Орада Хитой элчихонасига ҳам бориб келдик. У ердагилар муаммомизга қулоқ ҳам солишмади. Чунки визамиз йўқ эди. қолаверса Хитой давлати қонунига кўра хориждан машина билан саёҳат қилиш, умуман мамлакат ҳудудидан ўтиш мумкин эмас экан. Ҳиндистон элчихонасидаги дипломат тарихчи экан, Бобур ҳақида анча нарсани биларкан. Бобурнинг Понибата жангидан олдиндан қўшинлари, аскарларига қарата ҳитоб-нутқинини бироз шарҳлаб берганини Зокиржон Машрабов, Маҳмуджон Жўраевдан эшитдик. Ҳар икки элчихонадан биз кутган нажот бўлмагач автобусда йиғилиш ўтказилди. Ҳиндистонга, Бангладешга бора олмаслигимиз. Хитой орқали ватанга қайта олмаслигимиз туфайли Афғонистон орқали қайтишга келишиб олдик. Шу мақсадда Исломободдаги Афғонистон сафаратхонасига, консулликка келдик. Бу ерда 2-3 соат бўлиб, Пешаворга телеграмма қилинди. Қобул орқали ватанга ўтиб кетиш учун розилик сўралди. Пешавордагиларга хат ҳам ёзиб берилди.

Соат 17.00 ларда усти меҳмонхона, ости ресторан бўлган ниҳоятда замонавий, оврупоча, бениҳоя гўзал жойда овқатландик. Бизга эркак йигитлар хизмат қилишди. Таомлар

жуда ҳам лаззатли, хизмат даражаси ҳам аъло даражада. 9 нафар экспедиция аъзолари, ҳамроҳимиз Абдуғаффор ҳаммамиз 2000 рупийга, 80 долларга тушлик қилибмиз. Ҳар биримизга ўртача 7.5 доллардан сарф бўлибди.

Лоҳурдалигимизда Ҳожи Абдуҷалилдан ёздириб олган хатни эгасига топшириш ва ундан ҳам маълум нажот олиш мақсадида у одамнинг манзилгоҳини қидирдик, аммо топа олмадик. Савдо дўконлари бор бир жойда тўхтадик. Китоб магазинига кириб 200 рупийга, яъни 8 долларга инглиз тилидаги «Бобур давридаги Ҳиндистон тарихи» китобини, 450 рупийга (18 доллар) «Ҳиндистон ёдгорликларига назар ташлаганда» китобини харид қилдим. Шу жойда афғонистонлик ўзбек муҳожирлари билан учрашдим, улар мадрасада ўқишаркан. Улар билан бўлган суҳбат тасвирга туширилди.

Абдуғаффор билан хайрлашиб Пешавор сари йўл олдик. У бизни Пешавор йўлигача кузатиб қўйди. Манзилгоҳи ва суратини менга ҳада этди. Пешаворга кечаси соат 20-21 ларда етиб келдик. Ресторанда кечки овқат қилдик. Таомлар жуда лаззатли экан. «Галактика» меҳмонхонасига жойлашдик. 47-хонада мен ва Хайриддин Султон тунадик, эрта-лаб меҳмонхона орқасидаги масжидда бомдод намозини ўқидик. Нонушта қилгач бироз шаҳар айландик. Пешавор консулхонасидан келадиган вакилни ваъдадаги соат 11 да эмас, соат 15 гача кутдик. Шундоқ меҳмонхона рўпарасидаги савдо расталари, ундан сал нарироқдаги бозордан уйдигиларга кичик бир совғалар ўзимга тўр оқ дўпли, тапичка олдим.

Консулхонадаги вакил келди, у билан хонада гаплашиб турган эдик, кўчадан Хайриддин Султон ўзида йўқ даражада қувониб бир одам билан кириб келди. У Байтуллоҳда учрашган ва иншоолло Пешаворда дийдор кўришамиз, сизларга Афғонистонга ўтиш учун кўмаклашаман деб ваъда қилган Ҳожи Омонулло Шамс эди. Қучоқлашиб кўришдик, хол-аҳвол сўрашдик. Аммо у хонамиздаги консулхонадан келган вакилни кўриб, хийла ўзини ноқулай, хатто саросимали сизди. Суҳбат тесада тугаб, Пешавор божхонасига қараб йўл олдик. Ҳожи Омонулло Шамс биз билан бирга бўлди. Шу куни номажума куни эди. Шаҳар бўйлаб юрарканмиз жума намозидан чиқаётган кўплаб одамларни кўрдик.

Аэропорт ёнидан ўтаётганимизда ҳаж сафаридан қайтган Ҳожилар ва уларни кутиб олувчиларни кўрдик.

Покистон—Ўзбекистон халқларининг иқтисодий, маданий, тижорат алоқалари узоқ ўтмишга эга. Улар маданият, дин, савдо, тарих, адабиёт соҳалари бўйича хилма-хил ришталар билан боғланган.

Кўҳна Самарқанд, Бухора, Хива, Ҳазан, Андижон. Уш сингари мусулмон шаҳарлари билан Покистон, Кашмир, Ҳиндистон шаҳарлари ўртасида тижорат соҳасида қадимдан алоқа бўлиб келган. Турон замин билан қадимги Кашмир алоқалари тўрт минг йиллик тарихга эга. Биз яшаб турган минтақа Хитой, Ҳиндистон билан бошқа минтақаларни. Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи муҳим марказ бўлиб хизмат қилган.

Айниқса мелодий I-III асрларда Ҳинд дарёсигача бўлган ҳудудни. Афғонистон, Покистон ва бутун Моворауннаҳрни ўз ичига қамраб олган Кушон подшолиги даврида ўзаро маданий алоқалар янада уйғунлашиб кетганди. Бу борада X аср тамомила янги даврни бошлаб берганди. Бироқ Бобурийлар салтанати даврида, яъни XVI-XIX асрларда ҳозирги Покистон билан Ўзбекистон халқларининг аجدодлари ўртасида савдо алоқалари гуллаганди. Ал Хоразмий, Ал Бухорий, Ибн Сино, Ал Беруний, Ат Термизий, Амир Хусрав Деҳлавий, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломаларимиз икки халқ ўртасидаги маданиятнинг яқинлаштиришга бениҳоя катта ҳисса қўшган. Яқин ўтмишда, 1966 йил 10 январда Покистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги зиддият ва нифоққа Тошкент декларацияси чек қўйди. Покистон Президенти Аюбхон ҳамда Ҳиндистон Бош вазири Лал Баҳодир Шастри тинчлик сари илк қадамини худди бизнинг заминимиз — Тошкентда қўйгандилар.

Биз Лаҳордалигимизда «Миллат» газетаси редакциясидаги учрашувга ўша Тошкент учрашувини матбуотда ёритиш учун Президент Аюбхон билан Тошкентга келган бир журналист билан суҳбатлашдик. У жумҳуриятимиз, айниқса Тошкент, халқимиз, унинг тарихий шахслари, хусусан Бобур ва унинг авлодларини улуғловчи фикрлар айтганидан ҳаятда фахрландик. Уша анъана давом этиб, 1992 йил июнида Покистон Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф раҳбарлигида ҳукумат вакиллари пойтахтимизга ташриф буюришди. Икки мамлакат ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида шартнома имзоланди.



Уни Ўзбекистон Республикаси номидан Президентиямиз Ислом Каримов, Покистон номидан Бош вазир Муҳаммад Навоз Шариф имзоладилар.

1992 йил августда Покистоннинг Мустақиллик байрамида қатнашиш учун Ўзбекистон Президенти И. А. Карим раҳбарлигидаги вакиллар ташриф буюришди. Ўзбек элчилари самимий, дўстона, қизғин кутиб олинди. Икки қўшни, қардош мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий соҳаларда бир қанча шартномалар тузилдики, уларни амалга оширилиши халқларимиз ўртасидаги қадимий, анъанавий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Делегация аъзоси, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, таниқли давлат жамоат арбоби, Андижон фарзанди Пўлат Қирғизбоевич Хабибуллаев покистонликларнинг Бобурга бўлган ҳурмати-ни шундай таърифлади: «...Исломобод шаҳрида уларнинг ўзбек халқига қанчалик қизиқиши, қанчалик дўстлигини кўрдик. Улар бизга шундай фикрни айтишди. «Бизнинг тарихимиз ўзбек халқининг тарихидан келиб чиқади, чунки бизга улуғ Бобур, Бобур авлодлари маданиятни, тилни, санъатни, бизни урф-одатимизни олиб келган». Покистонда бўлган пайтимизда Исломободда Ўзбекистон уйи очилди, бунни Табани корпорацияси очди. Биз унда қатнашдик. Ўзбекистон уйида ўзбек маданиятини Покистон халқига кўрсатиш, ўзбек халқи ютуғини Покистонда тарғиб-ташвиқ қилиш амалга оширилмоқда. Бу икки шарқ мамлакатларининг истиқбол уфқлари эндигина ёришмоқда. Ўзбекистон эса Президентимиз И. А. Каримов таърифлаганидек — келажак буюк давлатдир.



## НҶҲНА АФҶОН ДИЁРИДА

Аввалида сафар маршрутимиада Афғонистонга бориш режада йўқ эди. Юз бераётган ҳарбий-сиёсий аҳвол, уруш ҳаракатлари экспедиция фаолияти учун имкон бермайди, деб ўйлагандик. Бу мамлакатга таклиф розилиги ҳам йўқ эди. Аммо қалбимиз тўрисида Афғонистонга бориш, Бобур қабрини зиёрат этиш истаги бор эди. Экспедицияни Андижондан кузатиш чоғида шоир Олимжон Холдор ва бошқалар Қобулдаги Бобур қабридан тупроқ олиб келиш истагини ҳам билдиргандилар.

Маккаи Мукаррамадалигимизда Байтуллоҳдан, Қаъбадан тавоб қилиб чиқаётганимизда Афғонистонда катта шухрат қозонган мужохид арбоблардан бири, ўзбек Омонуллоҳ Хожи Шамс билан суҳбатда бўлдик. У Афғонистондан ўтиш учун рухсат олишимиз мумкинлиги, Афғонистонда ўзбекларнинг куч-қудрати, мавқеи анча кучлилиги, айниқса Нажибулло ҳукуматини ағдаришда катта хизмат қилган, машҳур ўзбек генерали Абдурашид Дўстум ва унинг одамлари бизларни хавф-хатардан кўриқлаб Термизга кузатиб қўйиши мумкинлигини айтганди. Новчадан келган, калласи катта, оқ оралаган қўнғироқ сочли, кўзалари катта-катта, баланд овоз билан тез-тез гапирувчи, нуроний бу одам Афғонистондаги 14 йиллик урушда ниҳоятда кўп заҳмат чеккани, аммо чиниққанлиги яққол ифодаланиб турибди. У бизни ишонтириб, сизлар Ҳиндистондан қайтишда Пешаворга келинглар, Афғонистонга ўтишдан қўрқманглар, иншоолло Сизлар Пешаворга келгуниингларча мен ҳам етиб бораман, кўмаклашман, деб айтганди.

Ҳаж амалларини адо этиб, сафарни давом эттириш мақсадида Жидда шаҳрида Покистон элчихонасида бўлга-

нимда Афғонистоннинг Мозори Шарифдан Ҳажга келган уч ўзбек йигитлари Абдуллажон, Гуломжон, Муҳаммаджон исмли йигитлардан ҳам Афғонистонга ўтиш муаммосини сўрагандим. Бу йигитларнинг ота-оналари жамоалаштириш тўполонлари вақтида Бухородан, Туркистондан Афғонистонга келиб қолишган. Бу йигитлар Мозори Шарифда кийгизчилик қилиб ҳаёт кечиринаркан. Мен ҳам кийгизчи фарзанди эканимни, кийгизчилик билан шуғулланганимни, Андижонда кийгизчилар маҳалласи бўлганини, ўша жойда туғилиб ўсганимни айтдим. Бундан суҳбатдошлар беҳад хурсанд бўлишди. Ҳожи бўлганлигимиз билан бир-бирларимизни табриклагач улар: Афғонистон ҳозирда тинч. Қобулгача бир амаллаб бориб оласизлар, эрталаб Пешавордан йўлга чиқсанглар, пешинда Қобулда бўласизлар, у ердан Мозори Шарифга бориш осон. Афғонистоннинг Шимоли ўзбеклар қўлида, хавф-хатарсиз ватанга ўтиб оласизлар, деб айтган эдилар. Шунда ҳам Бобур қабрини зиёрат қилишга ишонч туғилганди.

Қолаверса Хитой орқали қайтишимизга руҳсат йўқ эди, бу мамлакатда четдан автомобиль билан одам киритиш, қондаси йўқ экан. Яна Покистон, Эрон, Туркменистон орқали Андижонга қайтиш биз учун гоаят мушкул эди, бунинг ҳеч қандай имкони йўқ эди. Шу боис бирдан-бир йўл; Пешавор — Жалолобод — Қобул — Мозори Шариф — Термиз эди. Аммо айрим ҳамсафарлар қаршилик кўрсатишди. Афғонистон орқали сафарини давом эттиришга 9 июль кунини Исломободдаги Ҳиндистон элчихонасида яқдил келишдик. Бир қанча сабабларга кўра Ҳиндистон, Бангладешга бормасдан Пешавор орқали Афғонистонга ўтишга қарор қилинди. Исломободдаги Афғонистон сафаратхонасидаги консул вакили қабулида бўлдик. У бир вақтлар Тошкент Олий партия мактабида ўқиган. Унинг кўмаги билан Афғонистон орқали ватанга ўтиб кетиш розилигини олинди.

.. Ниҳоят 10 июль пешин вақтида Пешавор божхонасидан ўтиб Афғонистон дёрига кириб келдик. Чегарадан Жалолободгача 90 километрлик масофа. Афғон тупроғи. Бу кўҳна, тарихий мамлакат сўнгги 14 йиллик урушда беҳад азобланди, харобалар, вайроналар ўлкасига айланди. Ўзига хос ажойиб водий, Атрофи тоғлар билан қопланган кенг майдонлар, жилғаларда, ариқларда кўм-кўк сув оқаяпти. бепоён экинзорлар, мевали дарахтзорлар боғ-роғлар эгасиз.

**ташландиқ ҳолда. Қишлоқлар талофт еб харобага айланган. Одамлар ҳам камайиб кетган. Иўлнинг якки тарафида абжағи чиққан Совет ҳарбий техникаси: бронетранспортёрлар, танклар, пулемётлар, одим жойларда шаҳидлар кўмилган қабристонлар, тўп ва ўқдан илма-тешик бўлган уй-иморатлар, совет жангчилари рамзи тасвирланган карикатуралар мудҳиш уруш даврини эслатиб турибди.**

Маълумки, уруш давомида 2 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлди, мажруҳ, шикастланганлар ҳам кўпдан кўп. 5 миллиондан кўпроқ фуқаролар ватанни тарк этиб ўзга юртларда муҳожирликда кун кечирдилар. 3 миллион киши қўшни Покистондан бошпана топди.

Пешаворнинг Афғонистон билан чегарадош ҳудудида қочиб ўтган мужоҳидларнинг бутун бир янги шаҳарчаси пайдо бўлибди. Уй ва деворлар қип-қизил рангда, дарахт йўқ. чўлликдан иборат бу жойда мужоҳидлар жон сақлашган. гувалак, пахса деворлардан қад кўтарган лой томлар бўм-бўш қолибди.

1992 йил апрелида мужоҳидлар Нажибулло ҳукумати-ни, коммунистик режимни қулатгандан сўнг мамлакатда аҳвол ўзгарди. Ҳориждаги муҳожирлар ватанига қайтиш имконига эга бўлдилар.

Пешавор — Жалолобод — Қобул — Мозори Шариф йўналиши бўйича ватанига қайтиб келаётган кўплаб муҳожирларни биз бутун йўл бўйи учратдик.

Юк машиналаридан ташкил топган карвонлар шу қадар кўп эдики, менга халқларнинг буюк кўчиши юз бераётгандек туюлди. Баланд-баланд бу юк машиналари уч қават. биринчисида қочоқларнинг уй ҳайвонлари, эчки, қўй, айримларида мол, ет-хашак, иккинчисида — уй-рўзгор анжомлар, кўрпа-тўшак, кийгиз, шолча, ёғоч ва арғамчидан қилинган каравотлар, бўйра, учинчисида эса одамларнинг ўвалари — мўйсафид чоллар, кампир, аёл, гўдаклар. Рангрўйлари бир аҳволда, ҳорғин, зафарон, тунд чеҳраларидан ҳам алам, ҳам қувонч, ғам-ғарибоналик, саргузаштлик, руҳий хасталик сезилиб турибди. Тақдир ҳукмидан норози-дек кўринган бу қочоқларнинг иймони бутунлиги, эътиқоди баландлиги, диний ва миллий диёнати кучлилиги ҳам яққол кўзга ташланади. Улар йўл бўйи дарё бўйларида машиналарни тўхтатиб, таҳорат қилиб, номоз ўқиётганини,

юзига қора парда тўсилган аёлу-қизлар ҳам ибодат қилиб бораётганларининг шоҳиди бўлдим.

Улардаги ватанига бўлган муҳаббатни, миллий макон сари шижоат билан интилишни кўриб, инсон учун она тупроқдан муқаддас нарса бўлмас эканлигини чуқур ҳис қилдим. Хаш-паш дегунча маълум ва машҳур Хайбар довоинга, дарасига ҳам етиб келдик. Қаршимизда осмон ўпар баланд тоғ чўққилари, қинғир-қийшиқ, айланма чиғаноқ йўллар. Пастдан юқорилаб бормоқдамиз. Баландликка кўтарилган сари давоннинг атрофи, пастки қисми ўзига хос мафтункор кўринарди. Табиат, худо яратган бу ажиб манааралар ҳаёлимни яна узоқ ўтмишга етаклади.

Бу доводдан ўз замонида кўп улуғ зотлар ўтган. Уша юртдошимиз Бобур «ҳинд сори юланганда» беш марта ўз кўшинлари билан ўтган.

«Бобурнома»да мана бу сатрлар бор: «Ҳиндистон тарафидин тўрт йўл чиқар, бир йўл Ламғонот била. Бу йўлда Хайбар тоғларида озроқча Кўтал бор. Яна бир йўл бағша била, яна бир йўл Нағар била, яна бир йўл Фармул била. Бу йўлларда ҳам озроқча Кўталлар бор. Нилоб гузаридин ўтганлар Ламғонот била келурлар. Қишлар Қобул суйи била Синд суйининг потилишидин юқорироқ Синд суйини ва Қобул суйини гузар билан ўтарлар. Мен аксар Ҳиндустон черикларига ким келдим, гузарлар била ўттим. Бу навбатким, келиб, Султон Иброҳимни босиб олиб, Ҳиндистонни фатх қилдим».

Бобурнинг саргузаштлари. Мултонга, Лоҳурга, Деҳлига қилган бир неча бор юришлари ҳам шу Хайбар довоини орқали бўлган. Биргина Бобур эмас, унинг ворислари Хумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳжаҳонлар ҳам бу доводдан ўтишган. 1539 йили Аградаги Оромбоғдан Бобур жасади Қобулдаги Боғи-Бобурга келтирилганда ҳам шу дарадан ўтилган. Бу жойдан Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Маҳмуд Газнавий, Абу Райҳон Беруний, соҳибқирон Амр Темур, Уинстон Черчилль каби улуғ зотлар ўтишган. Мана шундай буюк қадам жойдан биз ҳам ўтаётимиз. Бу билан фахрланса арзийди. Тангрига минг карра шукр!

1992 йил август, сентябрларида Хизби Ислоҳ партиясининг раҳбари, фундаменталист Гулбиддин Хикматёр кучлари Қобулни аёвсиз ракета ва артиллерия тўпига тутди. Аҳоли сувсиз, электрсиз қолди, нарх-наво кескин кўтарилди, озиқ-

овқат етишмайди. Гуноҳсиз инсонлар устига ўқ ёғилди. аҳоли шаҳарни ташлаб кетмоқда. 2000 дан зиёд одам ҳалок бўлди. кўплаб одамлар ярадор бўлди. Қобулни 500 минг киши тарк этди. Уларнинг катта бир қисми яна Покистондан бошпана топди. Уларнинг аксарияти 10 йилдан кўп муҳожират азобини тортиб июнь, июль ойларида ватанга қайтган эди.

Қобул — Жалолобод йўллари бўйлаб тарқалган чорасиз аҳолига Покистон 500 та ҳодир ва дори-дармон билан ёрдам қилишга қарор қилди. Афғонистонни ташлаб чиқаётган ўн минглаб афғон муҳожирларига Афғонистон ичкарасида лагерлар қуриб беришни ваъда қилди. 14 йил давом этган урушда Покистон тахминан 3 миллион афғон муҳожирларига ўз тупроғидан жой берганди. «Овозлик» радиоси берган шу сингари фожиали маълумотларни эшитарканман, уша Пешавор — Жалолобод — Қобул — Мозори Шариф йўллари бўйлаб ватанга қайтиб келаётган муҳожирларни эсладим. Кўни кеча муҳожират саргузаштлари, машаққатларини ортда қолдириб, катта умид билан ватанга қайтиб келган бу муҳожирлар ўз юртини тарк этиб, яна Покистон сари юзланганларидан беҳад ташвишландим. У бечораларни ватанга қандай қайтаётганликларини мен ўша 10-13 июль кунлари Пешавор — Мозори Шариф йўлларида кўрганлигимдан қалбим уларга нисбатан ҳамдардлик ҳисси билан тўлиб тошди.

Пешавор — Жалолобод — Қобул йўлидан шу йил апрелда муҳожидлар ўтиб Нажибулло ҳукуматини ағдаришга келишган эди. Шу йўлдан мана биз ўтиб бормоқдамиз. Машинамиз Жалолободга тобора яқинлашиб борарди.

Жалолободга киргунча 4-5 км кун чиқиш томонда йўлимизнинг ўнг томонида Шамархейл номли бир қишлоқ бор. Бундан тахминан 35-40 йил аввал дарё ўрни бўлган жойда Ўзбекистондан борган мутахассислар бошқа жойдан ер ташиб келиб бу қишлоққа асос солишган. Тоғ тошидан деворлар кўтарилиб, бир қаватли ҳар бири икки оилага мосланган 15 та уй қурилган. Йўллар, йўлакчалар, ариқлар чиқарилиб, 70-80 хил дарахтлар экилган. Биллиардхона, очиқ бассейн, кинотеатр, спорт майдони каби дам оладиган иншоотлар қурилган. 4 синфли русча мактаб ҳам бўлган. Ўзбекистон, жумладан Андижондан борган тиббиёт ходимлари шу мактабга жойлашган. Иморат ичига хирургия бўлими, очиқликдаги палаткаларда эса бошқа бўлимлар жой-

лаштирилган. Шу қишлоқ ва йўлнинг чап томонида мактаб харобаси турипти. Бу жойда ташкил бўлган биринчи мактаб ва ўқитувчи 1980 йил бошларида куйдириб юборилибди. Бу ҳақда дунё матбуоти хабар берганди. Жалолободдан Қобул сари юрилганда чап томонда «Улимлар водийси» деб халқ орасида маълум бўлган жой бор. Жалолободнинг ўнг томонида тахминан 4-5 км олдинда катта сув омбори бор. Бу иншоот ҳам Ўзбекистон ёрдами билан қурилган. Андижондан кўплаб мутахассислар, жумладан Андижон сув омборидан, аслида Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳрилик муҳандис Мақсуд Юнусов ва бошқалар ўша сув омборини қуришда қатнашганлар. Ҳамшаҳримиз Абдуҳолиқ Маматоҳунов ҳам ўша вақтларда аҳолига, аскарларга тиббий ёрдам кўрсатишда жонбозлик қилганлардан.

Шош тушар-тушмас Жалолободга кириб келганимизда машинамиз баллонни дам қўйиб юборди. Унг томонга тўхтатдик. Атрофдан ўқ отишмалар овози эшитилиб турди. Машина тўхтаган йўлнинг ўнг томонида қандайдир ҳарбийлар қароргоҳи, унда қуролланган соқчилар туришипти. Йўл серкатнов, усти очик машинада қуролланган кишилар у ёқдан бу ёққа ўтишарди. Пиёда юрганлар елкасига автоматлар осиб олишган. Бир зумда машинамиз атрофида одамлар, қуролланган кишилар пайдо бўлишди. Наша ҳиди димоғимизга урди. Очик-ойдин паша тортаётганлар ҳам ҳозир бўлишди. Ҳамон отишмалар овози қулоғимизга чалинар, ўтиб кетаётган одамлар ҳам ташвишли кўришарди. Ҳайдовчи Баҳромжон дамкратни қўйиб, баллон алмаштирмақчи бўлди, бироқ дамкрат синиб қолди. Шунда Муҳаммад Содиқ Ҳожи Фарид немли йигит билан танишганлиги қўл келди. Унинг саъй-ҳаракати билан 2-3 қуролланган кишилар машинада бошқа бир жойга бориб дамкрат олиб келишди. Ўзлари дамкратни қўйиб, машинамизни тўғрилаб беришди. Шу пайтда кулгили бир воқеа рўй берди. Экспедиция раҳбари биз аъзоларга бу ерда ҳеч ҳам русча сўз ишлатмайлик, акс ҳолда собиқ СССРданлигимизни билиб қолишса бизларга ёмон муносабатда бўлиши, ҳатто суиқасд қилишлари мумкин, деб кўрсатма берганди. Бунга биз рози бўлдик. Аммо кўплашиб машинани кўтариш чоғида кимдир русчалаб: «А нука товарши, раз два взяли», деб юборди. Биз ўзимизни кулгидан зўрга тўхтатиб қолдик. Шунда тилимизга қилинган истилодан ҳали-вери халос бўлишимиз қийинлигини кўнглимдан ўтказдим. Ҳар галгидек Муҳаммад Содиқ

бизга ҳайрихоҳ бўлиб, бирон-бир кўмак кўрсатишга интилиб турган бу ерли кишилар билан киришиб кетди, йўлни давом эттиришни суриштирди. Мезбонларнинг айримлари уйга олиб кетишни, саҳар эрталаб йўлга жўнаш мумкинлигини таклиф қилишди. Бизга маъқул бўлмади. Отишмалар бўлаётган чоғда Жалолободдан чиқиб, йўлни давом эттириш хавфли эканини айтишди. Шаҳар меҳмонхонасига жойлашишни лозим кўрдик. Аммо у жой ҳам мужоҳидлар, ярадорлар, уруш ногиронлари билан тўла экан.

Ҳар ҳолда одамлар бор жойда тунашни лозим кўрдик. Фарид ва унинг яна бир дўсти ҳамроҳлигида шаҳардаги ўша Спиргор (Оқ тоғ) номли меҳмонхонага келдик. Уч қаватли бино, атрофи кўм-кўк дарахтзор, боғ. Ҳар хил мевали дарахтлар. Теварак атрофда, танклар, БТР, лулемётлар, ҳарбий машиналар. Меҳмонхонага кираверишда ҳам танклар турибди. Бу жойда Гулбиддин Ҳикматёрнинг қўшини штаби жойлашган экан. Соқчилик жорий қилинган. Қуролланган одамлар у ёқдан бу ёққа юришибди, урушда майиб-мажруҳ бўлганлар ҳам бор, бири оёғини, иккинчисини қўлини йўқотган... Улар биз билан қизиқиб, кўп нарсаларни сўрашди. Биз мустақил Ўзбекистонданлигимизни, мусулмон эканлигимизни, Ҳаж сафаридан қайтаётганимизни изҳор этдик.

Улар собиқ Шўроларга, унинг армиясига бўлган нафрат-ғазабларини ҳар хил шаклларда баён қилдилар. Уларнинг аҳволига, ранги-рўйига қараб биз ҳам ўта ачиндик, уларнинг шу аҳволдалигига собиқ СССРнинг ноҳақ ташқи сиёсати сабаблигидан афсусландик. Шу боис бўлса керак, улар бизга хийла совуқ муносабатда бўлишди. Жой танқис экан: 5 киши иккита хонага жойлаштирилди. Тўрттамиз эса автобусимизда тунаб чиқмоқчи бўлдик. Лекин кўнглимиз ғаш эди. Бу жойда ҳам отишмалар бўлаётганди. Вилис автомобилларда ҳарбийлар ғиз-ғиз келиб-кетишиб турибди. Уларнинг ҳатти-ҳаракатидан бамисоли шу яқин жойда қандайдир катта операция бўладиганга ўхшарди. Энг қўрқинчлисини атрофимиздаги соқчилар, қуролли кишиларнинг бизга нисбатан совуқ муносабати эди. Хуфтон намозидан сўнг Муҳаммад Содиқ қори учинчи қаватда қўмондон билан суҳбатда бўлди.



Ўзбеклар ҳам аввалида мазлумлиги, Шўролар, Коммунистик режимга бўйсунгани, энди истиқлолга эришиб, диний-диёнатимиз, мустақиллигимиз тикланганини кўп томонлама тушунтирса ҳам, барибир қўмондон ва унинг атрофидагиларда самимият йўқлигини айтиб, хомуш бир аҳволда чиқди. Мулоҳазали, журъатли, оғир-босиқ қори ниҳоятда руҳан тушган ҳолатда эди. Шунда хаёлимга бир фикр келди. Маккан Мукаррамада 10 литрлик канистрда оби-замзам сув олиб олган эдим. Бу сув фақат менда бор эди. Чунки экспедиция аъзолари оби замзам сувларини Андижонга қайтган икки машина орқали юборишган эди.

Муҳаммад Содиққа ўша сувдан бу ердаги хаста, ногирон, ҳарбийларни баҳраманд қилсак, савоб бўлар, шунга нима дейсиз, деб мурожаат қилдим. Таклифим маъқул тушди, у ўзида йўқ суюниб кетди. Уриндигим тагидаги канистр ва пиёлани олиб тушдим. Муҳаммад Содиқ тўплаган 5-6 кишига оби-замзам сувдан ичишни форсчалаб таклиф қилган эдики, уларнинг тунд чеҳралари бирдан ёришиб кетди. Сувни мен куйиб берардим, Муҳаммад Содиқ ўзатиб турарди. Улар Қиблага қараб, тизза чўкиб, дуолар ўқиб, тангрига шукр этиб сувни ича бошладилар. Ташқарига чиқа олмай, ўрнидан тура олмайдиган хасталарга ҳам сув улашдик. Учинчи қаватдаги штаб бошлиғи, қўмондонларга ҳам оби замзам насиб қилди. Энди улар анча самимий бўлишди, ҳатто тун бўйи биз тўрт киши тунаб қолган автобусимизни қўриқлаб чиқишди, саҳарда бомдод номозни бирга ўқидик. Илик хайрлашдик. Ҳамроҳимиз Фарид ҳам уйдан етиб келди.

Шаҳарда нонушта қилдик. Андижонда эрталаб нўхат, калла гўшти, мастава, лағмон, қаймоқ, узум, чой каби неъматлар билан нонушта қилинади. Бозорларда, ошхона ва чойхоналарда, гузарларда бунинг имкони бор. Жалолободда эса эрталаб кайнатилган сут ва иссиқ нон билан нонушта қилинаркан. Ушандай жойлардан бирида нонушта қилдик. Бошқа бир жойга бериб автобусимизни камчиликларини устахонада тузатиб олдик, балон алмаштирилди. Бироз айлангач, йўлга равона бўлдик. Ҳайдовчи билан олдинги ўриндиқда Фарид борарди. Мана 8 йил бўлибдики, бу йигит Қобулдан Жалолободга келиб қолган. Уруш вақтида мактабда ўқиётганида бомба тушиб, бир неча осколка тегиб, қоринлари операция қилинган. Шундан бери ўқимай, дўкандорлик қиларкан.

Жалолобод аҳолиси аксарият пуштулардан иборат. Аҳоли анча қолоқ, саводсиз. Деҳқончиликда ҳукиз қўшилган оғочдан, кетмондан фойдаланиларкан. Шароит оғирликдан бўлса керак одамлар оёқ кийимсиз, айримлари калиш кийган, устларида бир тусли матодан қилинган кенг миллий кийим, камзул. Елкасига ё милтиқ, ё автомат осиб олишган. Эркаклар уруш оқибатида кескин камайиб кетибди. Ҳар бир хонадонда 2-3 аёлу ва 5-6 болалар бор, холос. Сув иншоотлари яхши ва қулайлиги туфайли апельсин, мандарин, грей-фрут ва бошқа мевали боғлар кўп экан. Мевалар экспорт қилинаркан. Аммо уруш туфайли бу боғларнинг анчаси қуриб кетибди. Электр симёғочларни кўп портлатиш шу аҳволга олиб келган.

Ҳозирги Жалолобод Нингнаҳар вилояти маркази Бобур даврида Ламғонот вилояти деб номланган. Ламғонот маъноси Бобурномада шундай изоҳланган: «Ҳазрати Нуҳ пайғамбарнинг отаси Мехтор Ломни Ламак Ламкон деб турлар. Ул элни хейли мулоҳаза қилибтурким, баъзи маҳал «қоф» ўрунига «гайн» талаффуз қилурлар, бу жиҳаттин ғолибо бу вилоятин Ламғон дебтурлар. Бу вилоятда Бобур замонида ҳам қор ёғмасди, «...йиғочлар ўзгача, ўтлар ўзгача, жониворлар ўзгача, элнинг роҳу расми ўзгача» эди. «Бобурнома»да Ламғонот, ҳозирги Жалолобод шундай таърифланган: «Шолиси ва бугдойи яхши бўлур ва Норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур, яхши бўлур...

Одинапур қўрғонининг олдида, жанубий тарафида, бир баландида тарихи тўққиз юз ўн тўртта бир чағорбор солдим. Бёғи Вафога мавсум рудка мушриф, руҳ кўрган била боғнинг орасидадур, норунжи ва турунжи ва анори бисёр булур. Лаҳорхонни босиб, Лоҳур ва Диболпурни фатх қилган йили қила келтуруб, экуруб эдим, сабз бўлуб эди. Андин бурунги йилил найшакар даги экиб эдилар, яхши найшакарлар бўлуб эди. Бадахшон ва Бухорога ул найшакарлардан йнборилиб эрди. Еру муртафиъ, окар суйи муттасил, ҳавоси кишлар мўътадил, боғнинг ўртасида бир кичикроқ пушта воқе бўлубтур, бир тегирмон суйи бу боғнинг ўртасидан ва боғнинг ичидаги пуштанинг устидан ҳамиша жорийдур. Бор ўртасидаги чорчаман бу пуштанинг устида воқе бўлубтур. Боғнинг Ғарбий жанубий тарафида дахи дардах хавзедур, атрофи тамом норунж дарахтларидур, анор дарахтлари ҳам бор». Қисқа муддатда ҳам биз Жалолободда бўлиб, бун-

дан қарийб 5 аср аввал Бобур бу водий ҳақида қанчалик тўғри, ҳақ гапни ёзганлигини шоҳиди бўлдик. Шуниси диққатга сазоворки, Бобур Ҳиндистон сари юришларидан қайтаётганларида бу диёрдан гарм серий меваларни келтириб Ламғонот, Жалолобод водийсига экишни ташкил қилган. Ҳозирда ҳам бу гўзал водийда апельсин, банан, лимон, найшакар, мандарин каби гармсерий мевазорлар бор экан. Боғи Вафони ҳам Бобур шу жойда асослаган. У бу жойда кўп марта бўлган.

Серунум, ҳосилдор, суғорма учун қулай, деҳқончилик учун ниҳоятда қўл келадиган жойлар. Аммо йўл бўйидаги бундай жойларнинг аксарияти бўм-бўш, экинсиз, боғ-роғлар эса қаровсиз ҳолдалигини кўриб, бунинг бирдан-бир сабаби — лаънати уруш, миллий, диний гуруҳлар аро жанжал, деган фикрга келдик. Мамлакатда озиқ-овқат танқислиги ҳаддан ташқари ортган, нарх-наво ўта кўтарилган, аҳоли камбағал, қашшоқ, очлик, қаҳатчилик яқинлашаётгандек. Бу аҳволни кўриб ватанимиз Ўзбекистонда осойишталик тинчлик, ҳамжиҳатлик барқарорлиги ва фақат шу туфайли одамларимиз бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиш имконига эғалигидан, юртимизда қут-барака борлигидан, нисбатан турмушимиз, ҳаёт тарзимиз анчагина дурустлигидан тангри таолога минг қарра шуқур қилдик: жон — Ўзбекистонимизни, Андижонимизни қадрига етишимиз зарурлигини яна бир марта ҳис этдик.

Жалолобод — Қобул йўналишидан бормоқдамиз. Қобул томондан Жалолобод сари бир дарё оқиб келаркан. У бир неча ирмоқларга бўлинган. Туннелдан, Даранта дарёсидан ўтдик. Йўл ёмон, чап томонда шаҳидларнинг қабрлари, ўнг томонда вайрона уйлар, тепаликларда соқчилик постлари, ертўлаларда танк, пулемётлар, тошдан қилинган мудофаа иншоотлари. Машиналар қатнови узлуксиз, йўлнинг чап қирғоғи дарё, соҳиллар, уйлар, адирликлар, пастки қисмида деҳқонлар ҳўкиз, мол билан қўш ҳайдашяпти. Айрим жойларда президент Раббонийнинг портрети илиб қўйилган.

Бобур бир неча бор ўтган Бодомчашма доводидан, баланд, ҳайбатли, осмонўпар тоғли йўллар, анча қўрқинчли йўллардан ўтиб 11 июль соат 12.10 да Қобул чегарасига етиб келдик. Довонлар, дарёлар, водийлар оша мана оранкиб Бобурнинг жасади дафи этилган тарихий, афсонавий Қобул шаҳрига яқинлашяпмиз. Хаёлим яна кўҳна тарих

сари етаклайди. Эҳе, бу азим шаҳар не-не савдоларни бошдан кечирган, не-не воқеалар юз берган, иўплаб алло-малар, шоҳлар, султонлар, амирлар, ҳоқонлар, хориж элчилари, Буюк ипак йўли карвонлари оёғи етган, табаррук жой, бобомиз Амир Темур Ҳиндистон юришида шу жойдан ўтган. Қобул ва унинг атрофларидаги туманлар Темур хонадонини шаҳзодаларидан бирининг Суюрғол мулки бўлган. Бобур эса Қобулда катта феодал давлатни асослаган ва бу шаҳарни пойтахт қилиб, бу ерда ўз умрининг деярли ярмини ўтказган, 1504 йилдан 1526 йилгача у Қобулда яшаган. Шу боис Бобур номи билан боғлиқ табаррук жойлар Қобулда жуда кўпдир.

Қобулни Бобур жони-дили билан севган. У шу ерда бўлажак улуғ салтанат асосини яратди, буюк империяга замин яратган, унинг фарзандлари ҳам шу жойда таваллуд топган. Бобур умрининг сўнги дақиқаларида ҳам Қобулни эслаганди.

«Болишга суянган Бобурнинг кўзи анча ёшга тўлди.

Агар эрта-индин вафот этсам, — деб ўйлади, Бобур, — Фарғонага элтиб кўмсалар армоним қолмас эди. Бироқ, энди Фарғона йироқ!

Қобул-чи? Қандай ажойиб шаҳар. Хушҳаво, мевалар бисёр, кўп чорбоғлар очган эдим, унда: Шаҳараро, Жаҳонаро, Уртабоғ... Обиравон ариқлар, ҳовузлар... Тўнғич ўғлим Хумоюн ҳам, доно қизим Гулбадан ҳам Қобулда туғилган. Иккинчи ўғлим ҳам Қобулда туғилган — ўша йили Ҳиндистонга сафар қилган эдим, унга Ҳиндол деб от қўйдим.

Аскарларимнинг ярми қобуллик. Қобул менга кўп яхшилик қилган. Қобул менинг иккинчи ватаним бўлди. Қобул арки Болои-ҳисор менинг доимий хонадоним-ку:

Сабза гуллар билан жаннат  
бўлуր Қобул баҳор.  
Хосса бу мавзумда борон  
Езисию Гулбаҳор.

Бобур бир нафас кўз домиб, икки-уч қатла аста йўталди. Пиёладаги анор сувидан бир хўплади-да — Мени Қобулга дафн этинглар. Ўз боғимга, супа ёнига қўйинглар. Мақбара бино қилгунча мазоримни сақлаб туринглар», — деди у ҳазин овоз билан. Бу — улуғ Бобурнинг охириги васияти эди.

Хаёлан Бобурномадаги мана бу сатрларни эсладим: «Қобул вилояти тўртунчи иқлимдиндур. Маъмуранинг ўр-

тасида тушубтур. Шарқи Ламғонот ва Пуршовар (Пешавор — Р. Ш.) ва Хосанғар ва баъзи Ҳинд вилоятидур. Ғарби Қўхистонлардурким, Карнуд (Казев — Р. Ш.) Ғўр ул кўхистондадур. Бу тарихда ҳазори ва накдарий қавмнинг маъман ва маскани бу тоғлардур.

Шимоли Қундуз ва Андороб вилоятидур. Ҳиндуқуш тоғи воситадур.

Жануби Фармул ва Нағар ва Банну ва Афғонистондур.

Мухтасар вилоятдур. Тулоний воқе бўлубтур. Тули машриқдин мағрибқа боқадур. Атроф ва Жавониби тамом тоғдур. Қалъаси тоғқа пайвастдур. Қалъанинг ғарб-жануб тарафи кичикрак парча тоғ тушубтур. Ул тоғнинг кулларида Шоҳи Қобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Қобул дерлар...».

Қобулни таърифлаб Бобур «Бобурнома»да Мулло Муҳаммад Толиб Муаммойининг мана бу байтини келтирган: «Бихур дар арки Кабул май, бигордон коса пайдарпай, Ки ҳам кўхасту ҳам дарёу ҳам Шахрасту ҳам саҳро», яъни: «Қобул аркида май ич, косани кетма-кет айлантирки, бу ер ҳам тоғ, ҳам дарё, ҳам шаҳр, ҳам саҳродир».

Қобул халқаро йирик савдо маркази эканлигини Бобур шундай тасвирлайди: «Бир Қобул яна бир Қандаҳор, Қошғар ва Фарғона ва Туркистон ва Самарқанд ва Бухоро ва Балх ва Хисор ва Бадахшондин карвон Қобулға келурлар. Хуросондин карвон келур. Ҳиндустон била Хурусонға восита бу вилояттур. Бисёр яхши савдохонадур. Савдогарлар Хитойға ё Румға борсалар, ушмунча — ўқ савдо қилғайлар. Ҳар йил етти-саккиз-ўн минг от Қобулға келур. Қуйи Ҳиндустондин ўн-ўн беш йигирма минг уйлуқ карвон Қобулға келур...

...Хуросон ва Ироқ ва Рум ва Чил матон Қобулда топилур...» («Бобурнома», 118-бет).

XV-XVI асрларда Қобул ва унинг атрофидаги жойлар, Қандаҳор ва Спнд дарёсигача бўлган ҳудуд соҳибқирон Амир Темур хонадони шахзодаларидан бирининг суюрғай мулки бўлган. Қобулнинг жўғрофий ўрнини Бобур шундай белгилайди. «Қобул вилояти берк вилояттур, ёт ёғи бу вилоятка кирмаги мушкулдир. Балх ва Қундуз ва Бадахшон била Қобул орасида Ҳиндиқуш тоғи тушубтур...», «Қобулнинг ғарби-жанубида улуғ қорлик тоғ тушубтур, қори қорға етар, кам йил бўлғайким, қорға етмағай. Қобулда яҳдонлар яхи

туганса, бу тоғдин қор келтуруб яҳоб қилиб ичарлар. Қобулдин уч шаръи бўлғай», — дейилади «Бобурнома»да.

«Шаҳрида ва баъзи кентларида сортлардур. Яна баъзи кентларида ва вилоятида пашойи ва парожии ва тожик ва бараки ва афғондур...

Ун бир-ўн икки лафз била Қобул вилоятида талаффуз қилурлар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашшойи, парожий, габрий, баракий, ламғоний.

Вилоят ўн тўрт тумандур». Она юрти — Туркистон. Андижон билан Қобулни қиёслаб у шундай ёзади: «Самарқанд ва Бухоро ва яна бу навоҳида вилоятчаларниким, бир улуғ вилоят тахтида бўлғай, туман дерлар. Ва Андижон ва Қошғар ва ул орада ўрчин ва Ҳиндустонда парғана дерлар».

Қобул ҳақидаги бу каби маълумотларни Бобур ўз асарида кўплаб келтирганки, булар чиндан ҳам у бу азим шаҳарни ғоят яхши билган, севганлигидан нишонадур.

Хаёл оғушида буларни эслаб, хаш-паш дегунча Қобулга кириб ҳам келдик.

Аmmo Қобул кўз ўнгимизда Бобур тасвирлагандек эмасди. Чулки орадан 4-5 аср ўтди. Қобул тамоман ўзгача. Айниқса унинг ҳозирги қиёфаси ачинарли. 14 йиллик маъносиз уруш, кўпдан-кўп қурбонлар, моддий, маданий йўқотишлар бутун Афғонистон каби Қобулни ҳам ҳолдан тойдирибди. Аҳвол ниҳоятда оғир, буни одамлар ранг-рўйдан ҳис этдик. Кўча ва йўл бекатларида, кўчалар кеснишган чорраҳаларда, бозорлар, чойхоналар, ошхоналар, дўконларда одамлар гавжум, елкасида автомат, милтиқ осиб олган кўпдан-кўп кишилар, одим жойларда танклар, бронетранспортёрлар, пулемётлар, ҳатто томлар тепасида қуролланган кишилар турибди. Ҳақиқий уруш ҳолати, комендантлик соати жорий этилгандек. Бундай аҳволни мен 1990 йил июлида Уш, Жалолободда кўрган эдим. Бироқ Қобул ўта хавфли кўринди. Узимизни ҳийла кўрқув ҳолатида ҳис этдик. Ҳатто бир амаллаб жойлашиб олган бозор яқинидаги кўп қаватли меҳмонхонамиз ҳам чор тарафдан танклар билан ўралган, унинг томида, дарвозаси томида қуролланган кишилар турибди. Бобур давридаги Қобул ҳозирда бутунлай ўзгариб кетган. 2 млн. аҳоли яшайди. Аҳолисининг миллий таркиби ҳар хил: паштунлар, хазарлар, ўзбеклар, тожиклар ва бошқа қавмлардан иборат.

Қобулнинг эски шаҳар қисмидаги, Қобул дарёси бўйи-даги бозорга 300 метр яқин жойдаги беш қаватли «Континентал» меҳмонхонага бир амаллаб жойлашдик. Бу жой ҳам қуролланган кишилар билан ишғол қилинган, маълум гуруҳдаги кучлар қурол-аслаҳа билан ҳужумга шай турибди. Атрофда пулемёт, танклар ҳам бор. Меҳмонхона эшиги олдида телефон, соқчи қўйилган. Биз келган куннинг эртаси имомни Ҳасан, имомни Ҳусан таваллуд топган кун нишонла-ниши керак экан. Шу муносабат билан Қобулда катта йи-гиллар, ҳаттоки тарафкаш кучлар ўртасида отишмалар бўлиши, кучли тўқнашув юз бериши мумкинлигини эшит-дик. Ўз даврида Тошкентда ўқиган, рус тилини билган ўша ҳарбийлардан бири бизни огоҳлантириб, эртасига эрталаб Қобулни тарк этиб, Мозори Шариф сари йўлни давом эт-тиришни, шундагина биз хавф-хатардан сақланиб қолиши-мизни айтди. Бунни эшитиб ҳаммамизнинг руҳимиз тушиб кетди. Соат чамаси маҳаллий вақт билан кундузги 2-3 лар эди. 9 нафар экспедиция аъзолари йигилдик.

Масала битта. Қобулнинг энг асосий ёдгорлиги ҳисоб-ланган Бобур мақбарасини зиёрат қиламизми ёки йўқми? Хилма-хил фикрлар айтилди. Хавфлиси шу эдики, мақбара жойлашган Боғи Бобур ҳам, унга бориладиган йўллар ҳам тўла ҳарбий ҳолатда. Боғи Бобурда қуролланган куч по-зиция эгаллаб турибди. Биримиз ҳозирни ўзидаёқ Қобул-дан чиқиб кетайлик, дедик, иккинчимиз, йўқ, буни иложи йўқ, йўлда ҳам тарафкаш кучлар, тажовуз қилиши мумкин, бугун тунаб, эрта саҳар йўлга чиқамиз дедик. Бобур қаб-рини шундай ҳолатда зиёрат қилиш шарт эмас, маълум кучларни гашини келтириб қўйиш мумкин, деган мулоҳаза ҳам билдирилди. Хуллас, бугун меҳмонхонада тунаб, тонг саҳарда йўлга чиқишга қарор қилинди. Шикастсиз қабрни зиёрат қилишга биронтамизда ишопч йўқ эди. Орадан 15-20 мнут ўтар-ўтмас меҳмонхона олдида Зокиржон Маш-рабов, Собиржон Шокаримов, Хайриддин Султоновлар Бобур қабрига боришга шайланиб турганини кўриб қолдим. Унгача мен раҳбаримиздан шу жойдаги мутасадди киши-лардан Боғи Бобурга олиб бориб келиш йўлини ва имко-нини суриштирсак, балким эсон-омон Бобур қабрини зиё-рат қилишга эришармиз, бунинг учун маълум миқдорда хайрия этсак ҳам бўлади, ҳаттоки шу ҳарбийлар, мужо-ҳидлар билан гаплашсак қандай бўларкин, деб илтимос қилган эдим, Афтидан у шунга ҳаракат қилиб, бориш им-

конини билган ва уччала аъзо келишиб, бизларни меҳмонхонада қолдириб, ўзларни боришга келишибди. Мен ҳам бирга боришимни айтдим. Аммо раҳбар кескин илтимосни рад этди. Мен қатъий талаб қилдим. Тортишув шу қадар таранглашдики, натижада у раҳбар сифатида мени боришимни оғзаки буйруқ билан таъқиқлади. Мен эса уни рад этдим, боришимни қатъий изҳор қилдим. Яна бўлмади. Охири шундай дейишга мажбур бўлдим: Ахир мен андижонликман, тарихчиман, Бобур номли университет профессориман, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудириман, Сизлар Бобур қабрини зиёрат қилиб, мен зиёрат қилмасам ўзимни ҳеч кечира олмайман, майли мени отиб юборишса-юборишсин, лекин Сизлар борган жойдан қолмайман, дедим. Орада бошқа гаплар ҳам бўлди... Ниҳоят улар йўлга равона бўлишди. Мен эса экспедиция аъзоси Қори Муҳаммад Содик ҳожидан шу заҳотиёқ бирор таксичи билан форсча гаплашиб беринг, ўз ҳисобимдан Боғи Бобурга бораман, деб илтимос қилдим. У ҳар галгидек илтимосимни бажо келтирди. 1 минг афғоний сўмга таксичи билан келишдик. Йўлга равона бўлдик.

Боғи Бобур Қобул шаҳрининг бир чеккасида, Эски шаҳар билан янги шаҳар ўртасида, Шердарвоза номли тепалик ён бағрида, пастки қисми Қобул дарёси, дарё қирғоғидаги транспорт қатнови йўли билан чегарадош экан. Таксичи чамаси 3-4 км йўл босиб, Қобул дарёсини кесиб ўтиб, тез орада Боғи Бобурга олиб келди. Кўча томондан кирадиган дарвоза қолиб, биз боғнинг ўнг томонидаги кўчадан, тепаликдан бориб, ёнбошдаги дарвозага келдик. Бу ерда қуролланган соқчиларга таксичи мақсадни тушунтирди, соқчилардан икки пафари бизни боғнинг ўртасидаги икки қаватли бинога қараб етаклади. Уэ тилларида алланималар деб, бир ўрта яшар, нуроний, қўлида тасбеҳ ўгириб турган киши ҳузурига олиб киришди. Чамаси у шу ердагиларининг каттаси экан. Мендан у форсчани биласизми? деб сўради, мен билмаслигимни айтдим, инглиз тилиничи? деган саволига ҳам салбий жавоб берилди. Шунда рус тилини биладиган бир кишини олиб келишди. Шундагина мен мақсадни, яъни Бобур юрти — Андижонданлигимни, Ҳаж сафаридан қайтаётим, Бобуршоҳ қабрини зиёрат қилиб, унинг руҳи-покига атаб тиловат Қуръон қилмоқлигимни айтдим. Бир қанча савол-жавоблар ҳам бўлиб ўтди. Ниҳоят, очиқ чеҳра билан менга рухсат берилди.



Таксичи, икки соқчи кузатувида Бобур қабри сари тепаликка, зинапоялардан чиқиб бордим. Қабрга етгач, Зокиржон Машрабов, Собиржон Шокаримов, Хайриддин Султонов ва бошқа саёҳатчилар, соқчиларни кўрдим. Қабрининг бош томонига бориб Қуръони тиловат туширдим. Сағанани ҳар томондан томоша қилдим. Шунда профессор Ҳамидулло Ҳасановнинг китобида қабр ҳақида ёзганларни ёдимга тушди: «Зиналардан яна юқорига кўтарилиб Бобур мақбараси қўйилган супага қадам қўясиз. Мақбаранинг тепаси тўртта устунча ўрнатилган том билан ёпилган. Сағананинг бош томонига мрамар тош қўйилган. Унга Бобурни улуғлаган мадҳиялар ва унинг фаолиятидан маълумотлар ёзилган. Лавҳаларни Акбаршоҳнинг ўғли Нуриддин Жаҳонгир 1607 йилда ёздирган экан.

Сағана бошига тик ўрнатилган тош лавҳаларда шундай битикни ўқидик:

«Подшоҳни унинг тахтидан нур олло сочилур эди. Улар Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ эди. Улуғвор ва давлатли иқболли ва одилдор ва диндор Сипоҳлари тавфиқли ва файзли ва фотиҳ эди. Олам жисмини қўлга олди ва равшан бўлиб равон бўлди».

Лавҳанинг энг охириги сатри бундай: «Гуфтам фердавс доим жон Бобуршоҳ». Бу абжад ҳисобида ҳижрий 937 га баравар, яъни 1530 йил демакдир — Бобурнинг вафот этган йили.

Лавҳа тошнинг ташқи тарафидаги ёзувлар: Ҳазрат Фердавс макон Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг нурафшон мақбарасига зиёрат вақтида Ҳозий Абдул Музаффар Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир подшоҳки, ҳазрат арши ашён Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ Ҳозийнинг ўғли, ниятини бажариб, Жаҳонгирнинг тахтга чиқишига икки йил бўлганда ушбу лавҳани ўрнатмоққа фармон қилди. 1016 ҳижрийга мувофиқдур». Мақбара шипларида яна бошқача ёзувлар ҳам бор. Мақбара пойгасида бир дарахт бўлиб, ундан тупроқ қазиб, халтага олаётган эдимки, Зокиржон Машрабов ёнимга келиб, Бобур сағанаси бошида туриб суратга тушайлик, деб таклиф қилди. Сағананинг чап томонида мен, ўнг томонида Хайриддин Султонов, Собиржон Шокаримовлар туриб суратга тушдик.

Таксичи, соқчилар билан тупроқни олгач, зинадан пастга тушдик. Бу ерда, шундоққина мақбаранинг пастки

қисмида оқ мрамрдан кўтарилган масжид бор. Уни Бобурнинг панневараси Ҳиндистон подшоҳи Шоҳ Жаҳон (Шаҳобиддин) 1646 йили қурдирган. У ўша йили Балх ва Бадахшонни босиб олгач, Қобулда бир қанча вақт туриб, 40 минг рупия сарф этиб, шу масжидни қурдирган. Қобулдаги бирдан-бир бу мрамр тош масжидда икки ракат номоз ўқиб, Бобурийлар авлоду-аждодларининг, ўтганларнинг руҳи-покига атаб тиловат-Қуръон туширдим.

Зинадан яна пастга тушдим. Мақбара тепасидан, Шердарвоза тепалигидаги ёнбағирликдан пастга қараб зилол сув оқмоқда. Сув бўйида яна бир супа бўлиб, унда иккита улкан чинор ўзига хос виқор билан турибди. Унинг бири шунчалик йўғоки, 4-5 кишининг қулочи ҳам етмайди. У Бобур замонидан қолган ноёб ёдгорлик сифатида ўзидан атрофу-кўкка шоҳ таратиб, ҳар бир саёҳатчини ўзига ром қилиб турибди. Атрофи йўлакча ва мевали, декоратив дарахтлар билан ўралган ўртадаги икки қаватли бино сари яқинлашдик. Бинонинг иккинчи қавати чор томони очиқ айвон. Ҳар икки қаватидаги хоналар, айвонлар қуролланган кишилар билан тўла. Автомат, қўл ракеталари осиб олган, айримларининг камзули ичида ҳам елкасига осиб олинган қуроллар хиёл кўриниб турибди. Айтишларича, бу бинода «савр инқилоби»га қадар мактаб ва чойхона жойлашган, ҳозир эса қуролланган мужоҳид гуруҳларнинг қароргоҳи бўлиб турибди.

Бинодан боғнинг ажойиб манзараси кўринади. Унг томонда катта ҳовуз бор. Унинг эни ва бўйи бирдай, ажойиб чўмиладиган жой. Аммо ҳозирда сув йўқ. Бу иншоотни ҳам Бобурнинг ўзи қаздирган. Чап томонда баланд-баланд мевали дарахтлар, айниқса марварид тут дарахтлари савлат тўкиб турипти. Боғнинг айлана девори бўйлаб хилма-хил мевали дарахтлар шохлари шамол таъсирида шивирлаб турибди. Бир неча гектардан иборат бу боғ ичидаги кўплаб ҳиёбонлар, йўлкалар, гулзорлар, мевазор, сайхон жойлар ҳар бир кишига ором, ҳузур бахш этади. «Савр инқилоби» деб аталмиш 14 йиллик мудҳиш қиргинбарот уруши даврида Қобул жуда катта талофат кўриб, кўпдан-кўп харобалар юзага келгани ҳолда, бу боғ яхши сақланиб қолгани, деярли унга ҳеч озор етмаганидан ҳайратда қолсан, киши.

Қисқа ва шошилинч тарзда Боғи Бобурни кўздан кечириб ҳамроҳим таксичи билан боғдан чиқиб, шаҳарни ай-

ланишга ҳам келишиб олдим. Таксида шаҳар бўйлаб сайр қиларканман, Қобулда бўлиб ўтган ўтмиш воқеаларидан баъзи лавҳалар, айниқса юртимиздан бу жойга келиб қолган тарихий шахслар ҳақидаги воқеаларни эсладим. Машҳур ижтимоий-сиёсий арбоб, жадидчилик ҳаракатининг пешқадамларидан. Абдулла Авлоний 1919 йилда Шўролар Россиясининг Бровин бошчилигидаги дипломатик миссияси таркибида бўлиб, Қобулга келган, бу жойда элчихонада турган. Ушанда Шарқда биринчи бўлиб Шўролар Россиясини таниган ва у билан дипломатик муносабат ўрнатган мамлакат бу Афғонистон эди, тақдир айланиб, биринчи бўлиб таниган бу давлатга 70-йиллар охирида СССР тажовуз қилиб, мамлакатга ташқарида «инқилоб»ни зўрма-зўраки, сунъий киритмоқчи бўлди, 14 йил уруш давом этди.

Абдулла Авлоний Қобулдаги фаолиятини батафсил баён этган. У Шўролар Туркистони Ташқи ишлар комиссарлигида ишларди ва РСФСРнинг Афғонистондаги элчихонасида хизмат қилганди.

Уша, 1919 йили Қобулдан Тошкентга профессор Муҳаммад Баракатуллохон ташриф буюриб, Туркистоннинг ўта ночор аҳволини билиб, ўрганиб, ўлкамиз халқига нажот, ёрдам бериш учун Москвага борган, Ленин қабулида бўлиб, унга маърузаюма, Туркистонда қилиниши лозим бўлган тадбирлар инъом этган. Бироқ Ленин ва бошқалар бунга эътибор беришмаган.

1920 йил сентябридаги тўнтариш туфайли Бухоро амири Санд Олимхон ўз ҳамроҳлари билан аввал Қобулга, кейин Қобулдан 10 км, четдаги қишлоқда қароргоҳ қуриб, 300 га яқин аскар билан турган.

Қобулдаги РСФСРнинг элчиси Ф. Ф. Раскольниковнинг фитнаси, иғвоси билан Усмонхўжа Пўлатхўжаев Афғонистонни тарк этиб Туркияга, Камол ота Турк ҳузурига боришга мажбур, бўлганди. Асли ўшлик бу ватандошимиз Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг сардорларидан, Бухоро Шўролар Халқ Жумҳурияти Марказий Ижроқўми раиси эди. Аммо қизиллар ва большевикларнинг, Москвадан келганларнинг маҳаллий аҳолига ўтказган жабру-жафоларига бардос бера олмай шарқий Бухоро фронтидалигида Афғонистонга, Қобулга ўтиб кетган эди.

1921 йили Қобулда асли андижонлик, мударрис, дипломат, собиқ жадидчи Абдурахим Юсуфзода Бухоро Шўро

Халқ Республикасининг Афғонистондаги элчиси бўлиб турган, ўзбек халқи билан Афғонистон халқининг ўтмиш дўстлигига муносиб ҳисса қўшганлардан эди. Унинг архивларда сақланаётган ҳужжатларини кўп ўрганганман. Қобулда шундай аҳвол юз берганки, ўша 20-йиллардаёқ РСФСР элчиси Ф. Ф. Раскольников Урта Осиёдаги мустақил жумҳуриятларнинг элчиларини Афғонистонда мустақил дипломатик сиёсат олиб боришига тўсқинлик қилган, кўп тазъийқлар ўтказган. Булар ҳақида Абдурахим Юсуфзода ёзиб қолдирганди. Шу каби ватандошларимиз номи билан боғлиқ бўлган ўша вақтдаги элчихоналар биноларини кўргим келди, аммо бунинг иложи йўқ эди. Табиийки Абдулла Авлоний, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Саид Олимхон, Абдурахим Юсуфзода ва бошқа ватандошларимиз Бобурнинг иккинчи ватани — Қобулни яхши билишган. Боғи Бобурдаги Бобур мақбарасини зиёрат қилишган. Уша зотлар оёғи етган муқаддас жойларда бўлиш ҳар бир Ўзбекистонлик учун фахр эканини ҳис этдим. Ўзи андижонлик дипломатия ходими Илҳом Набиевич Қобуловнинг ҳам Қобулдги Россия элчихонасида масъул хизматдалигини билардим. Лекин у билан кўришишга имкон бўлмади. Узоқ йиллар Андижон Давлат педагогика институти (ҳозир университет)да кафедра мудири бўлиб ишлаган адабиётчи олим, марҳум Наби Қобулов, унинг умр йўлдоши, ҳозирда профессор Галима опа Мусиналарнинг фарзанди Қобулда анча хизмат қилган. Шу йил август-сентябрда Гулбидин Хикматёр Қобулни ракета, бомба билан ўққа тутуши, Россия элчихонаси катта шикастга учраши муносабати билан И. Н. Қобулов ҳам бошқалар каби Қобулни тарк этиб, Москвага келишга мажбур бўлди.

Кечки пайт бозор айландим. Ниҳоятда тақчиллик, нархнаво ўта қиммат. 1 кило қўй гўштининг нархи 4-5 доллар, сабзавот, мева-чевалар ҳам қиммат. Мева-чевалар аксарият Покистондан келтириларкан. Ҳамроҳим таксичи билан кичик бир тарвуз харид қилдик. Тарвуз тилик қилиб сотиларкан. Шу жойни ўзида танавул қилмоқчи бўлдик. Тиламчилар ҳам пайдо бўлди, уларга озми-кўпми хайрия қилдик. Бир аёл қўлида эмизиклик боласи ва етаклаб олган ўғли билан келиб қолди. Аҳволи ўта ҳароб. Тарвузни ярмини унга узатдик. Жуда иштаҳа билан улар ҳам, биз ҳам танавул қилдик. Вақт тугаб, меҳмонхонага келдик.

Биринчи бор Боғи Бобурга ташриф буюрганимизда ўзимиз билан видео камера олиб келаолмагандик. Меҳмонхона-

да яна бу боғга бориш иштиёқи туғилди. Бу сафар беш киши — Зокиржон ака, Собиржон ака, Хайридин, телевидение мухбири Фаррух ва мен видеокамералар билан келдик. Шунда батафсил боғни тўла, атрофлича томоша этдик, Бобур мақбарасини, бошқа диққатга сазовор жойларни тасвирга олдик. Мужоҳидлар ва уларнинг командирлари билан яқинлашиб кетдик, биргаллашиб Андижонча қилиб марварид тутни чойшаб тутиб қоқдик, тутхўрлик қилдик, шаршара бўлиб турган зилол сувда юз қўлимизни ювдик, мужоҳидларга дўппилар кийгиздик, биргаликда тасвирга тушдик, ҳазил-мутойибалар бўлиб ўтди. Чўнтагимда бор-йўғи 20 доллар ва бир неча юз афғони пул бор эди, унинг ҳаммасини командирга бериб, холи-қудрат қилиб Бобур Мирзо руҳи покига атаб эҳсон қилиб юборарсизлар, деб илтимос қилдим. Бажону дил илтимосим қабул этилди. Бундан ўзимни енгил ҳис этдим.

Илтиқ ва илтифот ила хайрлашиб Боғи Бобурдан меҳмонхонага келдик. Шу куни тушлик ҳам қилиш имкони бўлмади. Лекин қорнимиз ҳам, кўнглимиз ҳам тўқ эди. Чунки Бобур қабрини зиёрат қилишга эришдик. Номи Бобур Халқаро Илмий Экспедиция бўлиб, Қобулга келиб бу зоти олийнинг қабрини зиёрат қила олмаслик кечирилмас ҳол эди.

Бобур ва унинг авлодлари учун энг яқин ва мўътабар жой—бу Қобулдаги Балои Хисор қалъасидир, аркидир, Бобур қароргоҳидир. Балои Хисор Упобайин тоғининг энг баландлик жойида Қобулнинг шарқий чеккасида жойлашган, бу ердан бутун шаҳар деярли яққол кўриниб туради. Болон Хисор Бобурнинг асосий уйи ҳам бўлган, бу ерда умрининг ярмини ўтказган, ҳамма фарзандлари шу уйда таваллуд топшиган. Бобурнинг оиласи, бола-чақалари шу уйда яшаган. Бутун Ҳиндистонга императорлик қилган даврида ҳам табаррук жой Бобурнинг энг катта ва доимий хонадони бўлиб қолаверган. Аммо биз Қобулдалигимизда Болон Хисорни кўра олмадик: Чунки бу жой ҳарбий-стратегик жиҳатдан қулай бўлганлиги учун тарафкаш ҳарбий қўшинлар позиция маллаб туришган, тўла жанговор ҳолатда экан.

Аср билан шом оралиғида мен, Хайридин, Адҳамжон, Маҳмуджон Қобул дарёси бўйидаги озиқ-овқат бозорига бордик. Аҳвол жуда ачинарли, ҳамма томон ифлос. Ҳар қадамда тиламчилар, йўлингизни тўсади. Айниқса болалик аёлларнинг қўл узатиб, умид кўзлари билан бирон нажот кутаётганини кўриб одам ич-ичингдан эзилиб кетасан, ўзим-

да ҳеч вақо йўқ эди. Ҳамроҳларнинг бироз пуллари бор экан, пилез, помидори, қалампир, ёпилган нон олиб, меҳмонхонада шакароб қилдик. Жуда ҳам ҳузур қилдик. Тун бўйи онда-сонда ўқ овозларини эшитиб турдик, бир амаллаб ухлаб, тонг оттирдик. Эрталаб, 12 июль соат 6.45 да Мозори Шариф сари йўл олдик. Қобулдан чиқиш олдидан икки томонида, тоғ ёнбағирлигида бир-бирига ёнма-ён турган икки та боғни ҳам томоша қилдик, тасвирга олдик. Айниқса Боғи Баланд хўп гўзал, шинам. Бу ердан Қобул шаҳри кафтда тургандек кўринади. Уни яхшилаб тасвирга олдик. Шундан сўнг шаҳарнинг шимол қисми орқали Мозори Шариф сари йўл олдик. Шаҳардан чиқарканмиз кўп қаватли уйларни кўрдик. Улар бир вақтлар собиқ СССР ёрдами билан қурилган. Икки қаторли йўлдан боряпмиз. Шаҳар шундай гўзал водий эканки, у ўнг ва чап, олди ва орқа томонларидан тоғлар билан ўралгандек. Йўлнинг икки томони кўм-кўк яшил рангга безангандек, деҳқончилик, боғдорчилик, узумзор боғлар, чорва учун ям-яшил ўтлоқзорлар киши ҳавасини, завқини келтиради. Айниқса, токзорлар кўп экан. Улар пахса деворлар билан ўралган. Аммо мудҳиш уруш «ёдгорлик»лари йўл бўйи кўзга ташланиб турди. Собиқ СССРдан борган танклар, БТР, Ҳарбий машиналар харобалари, карикатура шаклидаги совет аскар, офицерлари қиёфаси тасвирланган хилма-хил кўرғазмалар, вайрон қилинган қишлоқлар, илма-тешик қилиб юборилган мудофаа иншоотлари, узоқ мужоҳиратдан қайтаётганлар ва уларнинг уй-рўзғор буюмлари ортилган юк машиналар қарвони, вақтинчалик ўрнатилган чодир-капалар, одим жойларда соқчилик постлари аввалгидек йўл бўйи учраб турди.

Тоғли йўллардан, чиғаноқли доволардан, шаршара бўлиб оқаётган оппоқ, мовий ранг сойлардан, кўлдан-кўп туннеллардан ўтиб бордик.

12 июль соат 7.45 да Чоракор шаҳрига кириб келдик. Бозор ўртасидан ўтдик. Расталар, хилма-хил дўконлар, одамлар гавжум. Шаҳар водий ўртасида жойлашган. Тоғ ёнбағирларида даҳалар, ўнг томонида кўркам соҳил, узумзор, боғлар, экинзорлар. Бу ерларда ҳам ёндириб юборилган танк, БТРлар, пахса деворли уйлар, шопипоялар. Бир дарё ўтаркан, суви қорамтир. Шаҳардан 3-4 км. чиқаверишда йўлнинг чап томониغا ҳарбий техника харобаларини жамлаб қўйишибди. Теэ орада жуда ҳам чиройли, суви оппоқ, Уш-

даги Оқбура сойидек сойни босиб ўтдик. Яна бир кичик шаҳарчага кяриб келдик. Соф ўрта асрча бозордан ўтдик.

Кундалик дафтаримдан айнан кўчирма келтираман: «Соат 8.25 да тоғ ичига кириб кетдик. Йўл ёқасидан жула ҳам гўзал, шовқинли сой ўтаркан. Сой бизга қарши, биз сойга қарши борардик. Қингир-қийшиқ асфальт йўлдан бордик. Тобора тепага чиқиб боряпмиз. Шу йўллардан Бобур Қобулга келган. Соининг нариги тоғ ёнбагиридаги кичик бир қишлоқ ҳам урушда вайрон бўлибди, бир инсон кўринмайдди. 8.35 да сой ўнга, йўлимиз чапга ўтиб қолди. Адҳамжон тор билан дилрабо кўшиқ куйлаб борарди. Оператор Фаррух тасвирга тушириб бормоқда. Тез орада яна дарёни кесиб ўтдик у чап, томонимизда қолди. дарёнинг бир қисмига ҳарбий техника қуролари улоқтирилиб ташланибди.

Рўпарадаги тоғ ёнбагирида хонавайрон бўлган қишлоқлар. Айрим жойларда одамлар бош-пана қуриш билан банд. Соат 9.35—10.10 да тоғнинг тагидан ўтган 7 километрлик битта, 3 километрлик битта, 500 метрлик битта тунелдан ўтдик. Тунеллар совет йўлчилари томонидан қурилган. Одамларда келажакка ишонч ҳиссиёти, умиди катта, шу йил апрелидаги ўзгаршдан хурсанд эканлигини билиш қийин эмас. Ҳаммаси бизга хайрхоҳлик билдиришди, соқчилар машинамизни тўсмай, кулиб-боқиб ўтказаверишди.

Йўл ниҳоятда гўзал, бой манзарали, дарё суви оппоқ, ҳали ўнг, ҳали чап томонимизга дарё ўтиб туради.

Соат 10.55 да Мағиён вилояти Хинжон қишлоғига кириб келдик. Шу жойда шўрва ичди. 3 кундан бери суюқ овқат танавул қилмаганимиздан шекилли иштаҳа билан ичди. Шўрвачи бир ўзбек, ўрта яшар одам экан. Узини мужоҳид деб таништирди. Унга дўппи ҳадя этдик. Шўрва ичиб турганимизда бир ўзбек ўспирин, ёши 13-19 ларда, суҳбатлашиб, мени ҳам Ўзбекистонга олиб кетсанглар, деб кўп ёлворди. Бунинг иложи йўқлигини айтдим, аммо у қониқмади, у ўзининг турмуши ночорлигини изҳор этиб, кишини раҳмини келтирадиган даражада илтижо қилди.

...Йўлда олдимизда келаятган мужоҳидлар билан тўла 5-6 машиналар тўхтаган эдики, йўлнинг пастки қисмидаги қишлоқдан машиналар томон чамаси 30-40 га яқин ёш болалар, гўдаклар югуришиб, ўзларича қичқаришиб келарди. Улар қандайдир энг яқин, меҳрибон кишини кутиб оладигандек машиналар томон ошиқишарди. Уларни яқин-

дан кўриб, аҳволларига қараб, улардаги умид, илтижо кўзлари, чеҳраларини, ғаму-ташвиш, муҳтожлик ифодалаганган юзларини кўриб хўрлигим келиб, кўзим ёшланди. Гўё болалар кимисидандир ажралгану, мана энди шу машинада ўша орзиқиб кутган меҳрибони келаётгандек туюларди. Бу гўдакларнинг қайси бири шу онда қувончга тўлди, қайси бирининг тарвузи қўлидан тушди, буни билолмадаим. Чунки машина елдек тез борарди. Ҳийла вақтгача йўл бўйи ўша бечора болаларнинг жовдираган, умидвор кўзларини эслаб бордим, 14 йиллик мудҳиш уруш миллионлаб инсонлар бошига кўпдан-кўп фожиалар солганини хаёлан тасаввур қилдим.

Мозори Шарифга 188 километр масофа қолган жойда битта катта дарё кесиб ўтилди. Шундан сўнг икки томони маҳаллалар, беқоён экин майдонлар, шолিপоялар, боғу-роғлар билан қопланган ажойиб водий бўйлаб бордик. Икки томони тоғ, кўм-кўк водий, одим жойларда яшил рангли байроқлар осилган, буғдой ўраётган деҳқонларни кўрдик. Йўл давомида қалбимда уруш «ижодкорлари»га нисбатан нафрат-ғазаб ортиб борди. Ахир коммунистик режим кўшин Афғонистон ва мусулмонлар ўртасига раҳна солиб, сиёсий фитначилик қилиб Афғонистоннинг ўзидан 2 миллионга яқин, солиқ СССРдан юз минглаб кишини қурбон қилгани бутун инсоният олдидаги катта жиноят-ку? Балким, ўша шаҳидларнинг уволи тутиб жаҳон узра бир мудҳиш коммунистик режим қулагандир, Қизил империя — СССР парчалангандир?»

Шу каби замонамиз муаммолари ҳақида хаёл суриб, Мозори Шарифга яқинлашиб қолганимизни ҳам сезмай қолибман.

Мозори Шариф форсча муқаддас мазор маъносиини англатади. Бундай деб аталишига сабаб халифа Ҳазрати Али шу жойга дафн қилинган. 1481-1482 йилларда, яъни Темуррийлар даврида Ҳазрати Али Мақбараси қурилган, шундан бери Шиа мазҳабидаги мусулмонларнинг зиёратгоҳига айланиб қолган. Мозори Шариф Балх вилоятининг маъмурий марказидир. Балх шаҳри Мозори Шарифдан чамаси 25 км. масофа узоқликда. Балх эраминдан аввалги 7-асрдан бери маълум. Бу тарихий шаҳар Уммул билод, яъни шаҳарлар онаси номи билан машҳурдир. Юнонлар Балхни Бактрия деб атаганлар. Балх аввал аҳмонийлар давлатига, ундан сўнг Искандар Зулқарнайн империясига қарам бўлган. Бу



азим шаҳарни араблар, мўғуллар истило қилишган, Грек-Бақтрия подшолигининг пойтахти бўлган. Сомонийлар сулоласи асосчиси Исмоил Сомоний ҳам шу Балх ёнидаги қишлоқдан бўлган. Балх газнавийлар, қорахонийлар даврида анча ривожланган. Бу қадимий Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган «Ипак йўли»даги йирик савдо шаҳарларидан биридир. XIII-XIV асрларда Чиғатой улуси, ундан сўнг теурийлар империяси, XVI-XVIII асрларда шайбонийлар, аштархонийлар давлати таркибида бўлган Балх XIX аср 60 йилларидан Афғонистон таркибида бўлган, кўпдан-кўп тарихий обидалар — масжид, мадраса, ҳаммом, раста ва бошқа биноларга эга шаҳардир. Бу жойдан дунёга машҳур кишилар чиққан. 1207 йил Балх шаҳрида бутун Шарқнинг машҳур алломаси Мавлоно Жалолиддин Румий таваллуд топган. Туркияда бўлганимизда унинг Кунё шаҳридаги мақбараси ва музейини зиёрат қилганмиз. Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Бобораҳим Машраб каби буюк сиймолар ҳам бу шаҳарда бўлишган. Шундай машҳур Балх вилоятининг маркази Мозори Шарифга қадам ранжида қиларканман ўзимда йўқ хурсанд эдим. Аждодлар қадами етган жойлар менга ҳам насиб этганидан беҳад фахрга тўлгандим. Шаҳарга катта аркдарвоза орқали кирилар экан. Икки томони кўм-кўк дарахтзор кўчалардан бордик. Чамаси, 2 км. юргач, ўнг томонда балайд, осмон ранг, кўркам, ажойиб гумбазли мақбара, масжит, мадраса, атрофлари ям-яшил ўтлар билан ўралган, ер устига мрамар ётқизилган ажойиб бир майдон, ҳиёбонга кўзимиз тушди. Бу улуғ, муқаддас даргоҳда Муҳаммад Мустафо Саллаллоҳу алайҳи вассаламининг куёви, амикваччаси, мусулмон оламидаги тўртинчи (ҳазрати Абобакри Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмонлардан кейинги) халифа — Ҳазрати Али жасади қўйилган мақбара шу экан-да, дея хаёлдан ўтказдим. Бу зиёратгоҳ жой одамлар билан тўла. Одамлар шу томон оқиб келмоқда. Йўлнинг нариги бетида бозор, чап томонида савдо дўконлари, ошхоналар растаси. Бозордан сал нарироқда, йўлнинг чап томонида «Мозори Хўтел» меҳмонхонаси. Атрофи деворлар билан ўралган бу икки қаватли бино ҳозирда Афғонистон шимолий вилоятлар ислом бирлашмаси идорасининг қароргоҳи.

Биз энг аввало шу жойга келдик. Машинадан тушишимиз биланоқ атрофимизда одамлар тўпланишди, ўзбекча,

тожикча саломлашишди. Сухбатлар бошланиб кетди. Қобулдалигимизда биронта ўзбек билан гаплашаолмаган эдик, бу ерда эса улар кўп экан. Шу боис ўзимизни яхши ҳис қилдик. Раҳбаримиз, Қори Муҳаммад Содиқ, тилмоч Маҳмуд Жўраевлар ўзбек генерали Абдурашид Дўстим билан учрашгани ичкарига кириб кетишди. Тез орада бизларни ҳам ичкарига таклиф қилишди. Иккинчи қаватдаги хоналардан бирига кирдик. Хонага кираверишда, хона деразаси болқонида қуролланган соқчилар туришибди. Еши 35-40 лардаги оқ юзли, қоп-қора сочли, мусулмонча соқол ва мўйловли, миллий кийимда, камзули ичида қирқма автомат, чеҳраси очиқ бир йигит бизни ўзига хос шарқона илтифот билан кутиб олди, ўзини таништирди. Унинг исми, шарифи Муҳаммад Наби, Мозори Шариф шаҳрининг мутасаддиси, Афғонистон шимолий вилоятлари шаҳарлари раиси экан. Ниҳоятда, эркин, самимий сухбатлашдик. Экспедициямиз, мустақил Ўзбекистон ҳақида қизиқиб кўп нарсаларни сўради, биз жавоб бердик, айни вақтда биз ундан Афғонистон воқеалари, сўнгги ва келажакдаги ишлар, Нажибулло ҳукуматини ағдарган кучлар, бу кучнинг сардорлари ҳақида, бўлғуси сайловлар, унда туркий халқлар иштироки кабилар ҳақида саволлар бердик. Юзида ажойиб нур, инқилобий ифода шундоққина кўриниб турган, чуқур мантиқ, фалсафа билан суғорилган мулоҳазали бу йигит барча саволларга ўринли жавоб қилди. Шунда у Абдурашид Дўстим, Озодбек, Элмурод Арғунларнинг таржимаи ҳоллари, мужоҳидлик фаолияти, Нажибуллони ағдаришдаги хизматлари ҳақида маълумотлар берди. Биз ундан ўша арбоблар билан учраштиришни илтимос қилдик. У ваъда берди.

Шаҳарни биров айландик.

Бизга ҳамроҳ қилиб Муҳаммад Наби ёрдамчиларидан бирини қўшиб берди.

Ҳазрати Али мақбарасини зиёрат қилдик. Мақбара ичида биллур ойна билан ўралган қабр, қабрнинг ҳамма томони ям-яшил анвойи виллур мато билан ўралган. Мақбара ичи одамлар билан лиммо-лим тўла. Бино ичида жуда катта юмалоқ, ойна билан ўралган, қулфланган идиш. Бу садақа учун ажратилган. Унда турли миқдордаги пуллар. Ҳазрати Али сағанаси ёнида Муҳаммад Содиқ қори шундай Қуръонтиловат қилдиларки, унинг қироатли жарангдор, ёқимли овози таъсирида зиёратчиларнинг нигоҳи биз томон бурилди.

Имоми Аъзам, Ханафия Мазхабидаги биз мусулмонларга нисбатан бу шиа мазхабидаги мусулмонлар бир қанча хусусиятларга эга экан. Буни биз экспедиция давомида масжидларда, айниқса Эрондаги масжидларда намоз ўқиш вақтларида сезган эдик. Буни Ҳазрати Али қабрини зиёрат қилиш чоғида ҳам кўрдик.

Шиа мазхабидагилар шу купин Имоми Ҳасан, Имоми Ҳусанлар таваллуд топган купини нишонлаётган экаллар. Шу боис ҳам Ҳазрати Али мақбарасида одамлар ҳаддан ташқари кўп эди. Тўғри улар орасида суннийлар ҳам бор. Зиёрат учун келган шиалар мақбаранинг эшиклари, ички деворлари, сағана қўйилган ойна, китоблар ва бошқа нарсаларга юзини суртишиб, овоз чиқариб, овоз чиқармай дуолар ўқишяпти. Кўзларида ёш, ажойиб бир руҳий ҳолатда мақбара ичиди айланиб юришибди. Биз кўп бўлмадик, мақбаранинг ички томонини тасвирга олишга рухсат беришмади.

Мақбарадан чиққанимизда унинг ўнг ёнидаги катта масжидда йиғин бўлаётганди. Минбардан бир нотиқ баланд овоз билан форс тилида маъруза қиляпти. Йиғин атрофларида, мақбара, масжид томларида қуролланган соқчилар турипти.

Зиёрат адо этилгач, бозор билан Мозори Хўтели ўртасида жойлашган ўзбекча чойхона, шашликхонага келиб, андижонча қилиб овқатландик. Шакаробни ўзимиз қилдик. Ҳаш-паш дегунча шом бўлиб қолди. Овқатланган жойдан 200 метрча ичкаридаги маҳаллада бир эски масжид бор экан. Унга борарканмиз йўлда гузар, чойхонани кўрдик, наша чекиб, йўталиб ўтирган одамларни учратдик. Масжидга олиб борадиган йўл ва унинг атрофлари ўта ифлос. Масжиднинг биноси анча қадимгига ўхшайди, камбағалчиликдан бўлса керак, у бир хароб ҳолида, намоз ўқиш учун ерга хилма-хил, эски, жулдир, шолчалар, тўшаклар, солиб қўйилган. Масжиднинг ташқи ҳовлиси ҳам бир аҳволда, қудуқдан сув олиниб, таҳорат қилинмакан.

Намозни ўқиб Мозори Хутелга келдик. Муҳаммад Наби қабул қилган жойга бордик. У бизга ҳозир Элмурод Арғун келяпти, сизлар билан учрашади, деб айтди. Тез орада жаноби Арғун ўзининг шахсий соқчилари билан хонага кириб келди. Ўрта бўйли, бугдой рангли, калласи катта, пешонаси энли, соқол-мўйловли, кўзойнакли, ўзига хос миллий бош кийимли, устида кенг ва энгли кўйлақ, шим, кўйлақ тепа-

сидан камзул кийиб олган, чап қўлида узук тақиб олган, ўнг қўлида тасбеҳ ушлаган ажойиб бир нуруний, юзида катта маъно ва кучли мантиқ ифодаланган, ёши 50 лардаги киши кириб келди. У шарқона мулозамат билан саломлашди, тўридаги креслога ўтириб фотиҳа қилди. Бу одам шимолий Афғонистон миллий исломий Хорижий Робита Комиссион раиси ва Афғонистон шимол вилоятлари ислом бирлашмаси раисининг муовини доктор Элмурод Арғун эди. Арғун деган сўз 100 га яқин ўзбек уруғларидан бирининг номи. Арғун қавмидан бўлганлиги учун бу қавмга содиқлиги, садоқатини ифодалаб доктор Элмурод ўзини Арғун лақабни билан аташни лозим кўрипти. У чиндан ҳам ўзбекларвар, миллатпарвар экан. У асли Маймақада туғилган, бошланғич мактабни шу жойда ўқиган, сўнгра Мозори Шарифда ўқиган, Қобулда таҳсил кўрган, узоқ йиллар муҳожирликда бўлган, Европа, АҚШда бўлган, кўп вақт зиёдонларда кун кечирган, Нажибулло ва унинг ўтмишдошлари ҳукуматига қарши курашган. Афғонистондаги 14 йиллик уруш давомида халқ манфаати йўлида, коммунистик режимни қулатиш, ижтимоий ва миллий зулмни йўқ қилиш, демократик тузум ўрнатиш борасида кўп ибратли, самарали ишлар қилиб, етук, йирик сиёсий арбоб даражасига етган бу ажойиб фидокор инсон кенг ва катта дунёқарашга эга экан. Унинг ҳар бир сўзи, фикри ўта салобатли, салмоқли. У кулиб, жиддий гапираркан, суҳбатда ниҳоятда самимий ва зият яратишга уста экан.

Сиёсий мавзуда гап кетганда у содда ва лўнда қилиб шундай деди: «Биз бир бутун Афғонистонни парчаланишини хоҳламаймиз. Барча миллат ва қавмларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги асосида умухалқ сайлови ўтказиб, қўйидан тортиб марказгача бутун ҳукумат органларини тузиш, бу давлат, жамоат ташкилотларида раҳбар кадрларни ҳамма миллат, қавм вакилларида иборат бўлишини талаб қиламиз. Чунки ҳозиргача биз туркий халқлар, умуман пуштун бўлмаган қавмлар зулм тортиб келдик, мазлуму-мардум бўлиб келдик. Энди биз бошқаларга зулм ҳам ўтказмаймиз, ўзгаларнинг зулмини ҳам қабул этмаймиз. Биз федерация асосида ислом демократик давлат тузиш тарафдоримиз. Агар бунга эришолмасак, бунга ҳозирги ҳукумат имкон бермаса, у ҳолда биз Шимолий Афғонистонни ажратиб олиб, Жанубий Туркистон давлатини ташкил этиш учун курашамиз. Бундан бошқача учинчи йўл биз учун йўқдир...»

Гап Темур ва Бобур ҳақида кетганида у АҚШ ва бошқа мамлакатларда бўлганида Темур ҳақида кўплаб асарлар олгани, бу Жаҳонгирни жонш-дилидан севишини айтиб, мен буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур шайдосиман, ахир ҳозирги бутун Афғонистон ҳам ўша даврда унинг буюк империяси таркибида бўлган, деди.

Бобур Мирзо ҳақида сўз очилганда кўпгина фикрлар баён этиб, бизга ҳурмат билдириб якун сифатида у шундай деди: «Сизлар Бобурга ошиқ экансизлар. Биз Сизларга ошиқмиз. Бобур Балхдалигида бир қизни севиб, ошиқ бўлганди. Мана энди биз истиқлолни, мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистонга ошиқмиз. Шу мақсад йўлида биз ҳам жиҳод қилдик, мубораза кураши олиб бормоқдамиз. Ишшоолло вақт келиб, бизда ҳам истиқлол қарор топгай. Бунда сизларнинг диёрингиз улуғ Туркистон намуна кўрсатди. Тангри-таоло Жанубий Туркистонда ҳам истиқлолни барқарор қилгай, бунга ишончимиз комилдир».

Доктор Арғун афсонавий Балх шаҳрига боришимизни айтиб, Машҳур шоҳ Машраб юзаки уламолар фатвоси билан Маҳмудхон қатағон фармони билан Балх шаҳрида дорга осиб ўлдиригани, шу ерда дафн этилгани, ammo бир оз вақт ўтгач шоирнинг ҳомий ва муридлари Маҳмудхондан қасос олиб, Машраб жасадини унинг васиятига кўра Балхдан Ишкамиш шаҳрига олиб бориб кўмганлигини айтди. Ҳозир ҳам Балхда шоирнинг «Жавонмарди қассоб» деган машҳур биринчи қабри сақланиб қолганини, бу ер муқаддас мазор, энёратгоҳ жой бўлиб қолганини айтиб берди.

Элмурод Арғун, Муҳаммад Наби илтимосимизга кўра бизни афсонавий ўзбек генерали Абдурашид Дўстим билан учраштирдилар. Аввалида доктор Арғун у билан телефон орқали гаплашди ва унинг розилиги олингач, кечкурунги энёфатдан сўнг Элмурод Арғун, Муҳаммад Наби бизни Абдурашид Дўстим қароргоҳига олиб борди. Доктор Арғун ўзининг ГАЗ-24 волгасида, биз ўз автобусимизда тахминан 20-25 минут йўл юриб, қароргоҳга етиб келдик. назорат нуқталаридан ўтиб бордик. Кўпдан-кўп соқчилар, ҳарбийлар бир жойда тўпланишиб турипти. Арғун етакчилигида биз ҳам ўша томонга пиёда бордик. Бу ер генерал томонидан меҳмонлар қабул қиладиган ички ва ташқи жой экан. Арғун биринчи бўлиб новчадан келган, юзлари оқ қизғиш, кўзлари катта-катта, қийғир бурун, қоқ-қора мўйловлик,

гавдаси катта, қора матодан узун, тиззадан пастгача тушадиган кўйлак, мусулмонча иштон, белда калтача камзул, яланг бош йигит билан қўл бериб кўришди, бизларни ҳам бирма-бир таништирди. Эндигина 36 ёшга тўлган бу генерал хизматдан келиб, хуфтон намозини ўқигач, бизни қароргоҳи меҳмонхонасида кутгани чиқди. Шахсий соқчилари, ҳарбий қўмондонлари билан бирга эди. Ўта содда, дилкаш, ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган, очик чеҳрали бу йигит бизни қабул — меҳмонхонаси сари бошлади.

Афғонистонда коммунистик режимни, Нажибуллонинг фашистик диктатурасини ағдаришда қаҳрамонлик намойиш этиб, бутун Афғонистондагина эмас, ҳатто бутун Шарқда, Европада номи машҳур бўлган бу ўзбек генерали ҳақида Маккаи-Мукаррамада, Покистонда, Афғонистонда, ўзимизнинг ватанда кўп эшитгандик. Қобулдан Мозори Шарифгача, Мозори Шарифдан Термизгача бўлган йўл давомида кўчаларда, машиналарда, бозорларда, дўконларда, чойхоналарда унинг суратини кўриб, унга ҳавас қилардик, у билан учрашишни орзу этардик. Мана орзуимиз ушалиб, унинг меҳмони бўлиш шарафига эришдик. Бунгача у ҳақда Муҳаммад Наби, Элмурод Арғун ажойиб маълумотлар берганди. Абдурашид Дўстим туғма қобилиятли, истеъодли саркарда, Шимолий Афғонистоннинг Маймана вилоятидан деҳқон оиласида туғилган, бор-йўғи 6-синф маълумотга эга. Аммо ҳарбий ишни, техника илмини пухта эгаллаган, аввалида у Бабрак Кармал, Нажибулло хизматида бўлган. Мужоҳидларга қарши билиб-билмасдан қаттиқ уруш олиб борган. Аммо Шимолий Афғонистон ислом уюшмаси раиси Озодбек (собиқ Қўқон хони Худоёрхоннинг чевараси, унинг отаси Ворис Каримий ҳозирда Тошкент шаҳри, Баҳодир кўчаси, 17-уйда яшайди) уюшма раиси муовини Э. Арғун бу генералга гоёвий, сиёсий жиҳатдан таъсир қилиб, Афғонистонда яшаётган туркий халқлар, айниқса, ўзбекларнинг миллий, ижтимоий озодлиги учун кураш олиб боришга, Нажибулло ҳукуматини қурол кучи билан ағдаришга даъват этадилар. Миллий онг, миллий манфаат ҳис-туйғуларини, миллат тақдири қайғусида ғамхўрлик қилиш, шу йўлда кураш олиб бориш зарурлигини тушуниб, у бутунлай мужоҳидлар томонига ўтади. Ўзбек милицияси номи билан машҳур бўлган қуролли кучга бошчилик қилади. У Нажибулло ҳукумати асосий зарба беради. Қобулнинг ўзида, бутун Шимолий Афғонистонда унинг мавқеи ўта баланд.

Шундай саркарда вақт ажратиб, бизни қабул қилаётганидан ўзимизда йўқ хурсанд эдик. У уй кийимида кутиб олаётгани учун узр сўраб, ичкаридаги меҳмонхонага таклиф қилди. Бу ерда бизгача генерални кутиб турган Туркманистондан келган меҳмонлар ҳам бор экан.

Кичик бир зал замонавий жиҳозланган, кресло, диван, стул, столлар қўйилган, ширии ичимлик, сув, кофе, чай қўйилган. Абдурашид Дўстим улар билан ҳам саломлашди. Ҳаммамиз доира шаклида ўтирдик. Эшик олдидаги креслода А. Дўстим, унинг ёнида Э. Арғун, генералнинг соқчилари, ҳофизи ўтиришди. Қардош туркманлардан келган меҳмонлар орасида профессорлар Солтонша Отаниёзов, Какажон Отаев, жаҳон туркманлари уюшмаси ходими Жума Ёлов, Туркманистон ташқи ишлар вазирлиги ходими Бекмурот Беллиев, ёзувчи Қосим Нурбадов, Чоржўй вилоят газетаси муҳаррири А. Тошев, халқ бахшиси Аҳмурат Чориев, созада, ашулачилар бор. А. Дўстим ҳаммамиз билан суҳбатлашди, Бобур экспедицияси мақсад ва вазифаларини мароқ билан тинглади. У ҳам Бобурга, унинг меросига қизиқаркан. Ҳазил тариқасида бизга юзланиб, Сизлар Гулбиддин Ҳикматёр ва унинг одамлари орасидан чиқиб, Пешавордан Мозори Шарифгача эсон-омон келиб, кўп қаҳрамонлик кўрсатибсизлар, деди. Суҳбат ўзбек, туркман тилларида борди. Мустақил Ўзбекистон билан кўп қизиқар экан. Бутун сафар чоғида на радио, на телевидение орқали Ўзбекистон ҳақида эшиттирув, кўрсатувдан бебаҳра бўлганимиз бўлса керак, шу жойда телевиденида Ўзбекистон ахборотиини кўриб ўзимизда йўқ қувондик.

Туркман ҳофизи, созандалари, бизнинг хонандамиз Адҳамжон Исмоилов, генерал хонандасидан куй, ашулалар тингладик. Мароқли суҳбат, базм тугагач А. Дўстим меҳмонхоналаридан бирида бўлдик. Генералнинг ҳофизи, экспедициямиз хонанда-ашулачиси Адҳамжон Исмоиловлар ўзбек классик айниқса Бобур, Фузулий, Навоий ғазалларидан ашулалар айтишди. Ҳазил-мutoйиба бўлди. Муҳаммад Наби билан бўлган суҳбатни диктафонга ёзиб ҳам олдим. Асли уйғур бу йигит бошидан кўп заҳмат, машаққатлар ўтказган, бизларни илк бор кутиб олиб, Озодбек, Абдурашид Дўстим, Элмурод Арғунларга биз ҳақимизда ахборот бериб, учраштирган ҳам шу йигит эди. Унинг суҳбатидан Афғонистон фожиясини яққол тасаввур қилиш мумкин. Шу боис уни айнан, ҳеч қандай таҳрирсиз келтираман:

«Афғонистоннинг ўзида 1.5 млн. киши шаҳид бўлди. Менинг ўзимни фикрим бўйича 2 млн. дан ҳам кўп, чунки буни ҳисобини ҳеч ким қилмаган. 1.5 млн. бу сизни, бизни, уни, буни гапи билан фалон жойда 100 та, фалон жойда 200 та шаҳид бўлди деган гаплар орқали жамланган. Бутун қишлоқлар вайрон қилинган.

Ўрислар ҳам кўп шаҳид берган. бўлмаса улар таслим бўлмасди. Бизлар эшитардикки, мусулмон авлодлари ўзбек болалар, тожик болалар ўрислар фармонини бажармаган, от деса отмаган, шу ростдан бўлган. Ўрислар фармонида бўлса ҳам «бор от» деса ўзбек, тожиклар отмаган, осмонга қаратиб отган. Афғонистондан Қизил Армияни, ўрисларни чиқиб кетишини сабаби ҳам шу.

Ўрисларнинг бир ўзлари бизлар билан уриша олмади, ўзбек болалар, тожик, қирғиз болалар уришмади. Бизда маълумот бор. Уришгани болгарлар ҳам келган. Кубадан. Вьетнамдан келган, қўйингки, бутун жаҳондаги коммунистлар урушиб мақом қилди. Ўзбек болалар, тожик болалар уришмагандан сўнг қўзғолинглар деди. Москвага тарафдор мамлакатлар аскар берса ҳам кўп талофат берди, кўп киши ўлди. Ўрисда қувват катта эди. Ҳар ўрис боласини қўлида калашников деган кичкина милтиқ бор эди, кўп яхши яроқ. Бизда бундай яроқ 7-8 та бор эди.

Шунингдек ўлган болаларнинг ота-оналари ҳам кўп тўполон қилиб, бу ердаги Шўрони йўқ қилишга ёрдам берди. Ўзбекистон йигитлари, мусулмон йигитлар экан. Ўриснинг, шўронинг қарамоғида бўлса ҳам Афғонистонда жиҳод қилди, бизларга ўқ отмади, бизлар бундан хурсандмиз. Ота-боболар руҳини шод этдилар.

Бу бола аввал Нажибуллодайди (гап Абдурашид дўстим ҳақида боради) ўқишни ҳам 6-синфини битирган, қишлоқ мактабида ўқиган, аммо туғма қобилиятли, бизларни қувиб юрарди. Кейин унга айтдик — «сен ўзбек боласан, сен нега ўзбек бўлиб Нажибуллога кўмак берасан» — дедик. Кўп ўзбек болаларни ўзи уни қўлида ўлиб кетди-да. «Сен ўзинг ўзбексанми, ё ноинсоф бошқа нимасан» — деганимиздан сўнг бизларни қабул қилди. — «Сизлар амр қилинг, мен бажараман» деди. Биз айтдикки, Сен ҳозир сабоқ ол, кўп нарса ўрган, ўзингни кучли қил, кейин айтамыз» дедик.



У олди-олди. Нажибдан олди. Ҷурисдан олди, ундан, бундан олди. армияни яхши қилди, бақувват бўлиб ғизини тиклади. Сўнг бирдан тўпланиб Нажибни йиқитди. Қобулли олди. Мозорни олди. Коммунистик режим Афғонистондан кетди.

11,5 минг киши мужоҳид билан урушиб ўлди. Ҷзи айтдики 11.5 минг кишимни шаҳид бердим деб. шу 11.5 минг кишининг қони бизга ғалаба берди. исломни тиклади. Нажибни йиқитди. Биз шунча, шаҳидга рози бўлдик. 11,5 минг кишини шаҳид ғзимиз қилдик. муҳожид бўлиб ғзимиз ўлдирдик.

Тараққи қудратга келди, биз бу ҳукуматга қаршилигимиз учун қамоққа кетдик. Зиндонга ташиландик. Амир даврида ҳам ўтирдик. Сўнг авор қилиндик. Қобулда оз муддат турдик. Икки сана яъни икки йил Покистонда тўхтадик. У ерда «Ислоний бирлашма» тузилди. мақсад ҳам шу турк миллатининг ҳақи учун эди. Ҷам жиҳоду, ҳам муҳораба, жиҳод русга қарши муҳораба бизга ҳоким миллат шовинистларга қарши 4 сана ичкарига кирдик. Ҷрислар унда чиққан, маймана мужоҳидлар қароргоҳида бўлдик. 9 вилоятда ҳукуматга қарши урушдик. Бизнинг тилагимиз худога манзур бўлган экан, ҳукумат ичида, ҳукуматдагилар ўртасида айни шу даъвои қилдиларки, қачонгача ҳукуматда бир шовинист миллат бўлади. Нажибга қарши туриб Мозори Шариф олинди, Шамон, Қобул, Хирот, Кандаҳор олинди. Бутун Афғонистондаги ислом ҳукумати келишига бизнинг миллат сабаб бўлди.

Худога шукр қиламиз, иншоолло, ҳеч қачон бир миллатга қарши эмасмиз, мақсад шу миллатдан ҳақ сўраш. Бу ерда паштун бор, ўзбек бор, қирғиз бор, қозоқ бор, ҳамма миллат ҳукуматга баробар бўлсин. Майманадан Бадахшонгача буғдой, пахта, нефть, газ, каолин, чорва, маданият шу ёқда, бизнинг миллат ҳаминша ишлаб, уларга нон топиб, уларга пул топиб келган, улар фақат ҳукумат қилган. Бир қасабада бир қўмондон бўлади, бир қози бўлади, бир ҳоким бўлади. Шуларнинг ҳаммаси паштулар, ҳеч бир ўзбек йўқ. Ҷеч бир ўзбек бирор қасабада ҳоким бўлолмасди, қози бўлолмасди, Қўмондон бўлолмасди. Бизда ҳам нуфузли одамлар бор, яна турк тилида гапирмайдиган туркийлар найманлар, қипчоқлар бор, қарлуқлар бор, булар форсий гапиради. Шу одамларимиз етарли, дўхтир бор, фан, ада-

биёт биладиганлар бор. Лекин бизларга фақат муаллимлик, ўқитувчилик ё шубадаги кичик лавозим-котиблик бор холос. энг жадвалнинг юқориси йўқ.

Ҳаракатимиз бирор миллатга душманлик эмас. Худонинг ҳукми шуки, зулм қилма, зулмни ҳам қабул қилма. Биз: зулмга қарши ҳаракат қиляпмиз. Жиҳод ҳалок бўлди, коммунизм дунёдан йўқолди. Уруш ҳануз давом этмоқда. Бугунги уруш жоҳид эмас, ислом учун эмас — (ҳокимият учун — Р. Ш.) ҳокимият учун, қудрат учун.

Йигирма бир кун пиёда юрдик. Йигирма саккиз кишимиз. Шу бир эшагимиз бор, уни 70 яшарли мўсафидимиз бор. ўша минарди бошқага минмоқ йўқ. 21 кун деганда бизлар Покистон халқидан (шаркиндан) ўтдик. Қарачи деган шаҳри бор, ўша ерга бордик. Бизларга йўлларда ҳар қавмлар, ҳар қабилалар учрашади. Бир жойда тошқинлар, бир жойда хазарлар, бир жойда ўзбеклар, бир жойда тожиқлар, ҳар ким бор. Энди ёмон кечаларни кўрдик, яхши кечаларни кўрдик, емоқ йўқ, томоқ йўқ, орқамизда чўнтагимиз, шу ерда нонимиз бор, бирор ерда нон берса нонимиз кўпаяди, бўлмаса шу нонни еймиз, на овқат бор, шуларни еймиз. Хуллас бир кеча учлармиди соат 3.00 да туриб ҳаракат қилдик.

Қишлоқда бир меҳмондоримиз битта-битта нон берди. Айтдиларки, тез кетинг, у манзилга етолмайсизлар. Бизлар тўрт-тўрт яримларгача бир ярим соатда манзилга етиб, вақти номоз бўлди, номоз ўқидик. Ундан сўнг ўлтириб, бир дарёнинг бўйида сув ичдик, таҳорат қилиб, номоз ўқидик, қиттак-қиттак нон едик, ҳаракат қилдик. Кечанинг туллари бир тоғнинг устига чиқдик, ҳеч нарса йўқ, фақат қор, қор тизза бўйи, юриб бўлмайди, кўриб бўлмайди, совуқ. Ичимизда ҳар хил киши бор, булар иқтисодини қилади бирор ерда ободончилик чиқса. Ун саккиз соат юриб пиёда бир манзилга чиққанмиз, қор кўп. Энди нима қиламиз? Баччалар ҳаммаси айтадики, шу ерда ётамиз, дейди. Биалар айтамизки, кетамиз, юрамиз. Тоғда қор, шамол, сувимиз саноқлар йўқ, на бир инсон бор, на бир ҳайвон бор. Уч соат бизлар пиёда манзил қилдик, бир жойга бордик-да, бир рамоқ қўй бор экан. 1 бўлак қўй (қўра — Р. Ш.). Ҳа, сизда қўра дейдими, шунинг денг бир кучиги бор экан (ит). Чўпонни ҳай-хуй деган овози келади. Биалар хурсанд, одам бор экан деб, бу заҳматимиз қўймади деб. Юриб-юриб ҳа

энди борамиз экан, деб пиёда, ярим соатда кучук овозл эшитилди. Бир бўлак қўй 2 та чўпон, 2 та кучук кўрипти, камарда тоғнинг тагида ётибди. Бизлар айтамыз:

— «Ҳай чўпон бизлар мусофир, бизлар мужоҳид». «Йўқ» — дейди, «сизлар ўғри» — дейди, — келманглар отаман» — дейди. Кўрдикки биз 1-2 кишимас, 28 кишимиз. Охири бир нафар келди, иккинчиси қараб турибди отаман деб. Чўпон қишлоққа бир ярим соатда етасизлар, деб йўл кўрсатди. Қишлоққа бордик, уйлар ҳароб, кичик уйларда туришадн, овқатиям бир ерда. Бизни икки-икки нафар, уч-уч нафар олиб меҳмон қилишди. Овқат гўштсиз, non-чойдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Эрталаб ҳам non чой, тушлик ҳам non-чой. Шунақа қилиб бизлар бир кеча кундуз шу ерда дам олдик (оёқларимиз ишиб кетибди). Бир қўйни олиб пишириб еб дам олдик.

Шундай қилиб йигирма бир кунда Покистонга етиб, кўпчилик таклиф қабул қилиб милтиқ олиб кетди, мухожир бўлиб кетди, кўп қийин кечалар бўлди.

Кетаямиз, бир кеча ўрнлар келди, ҳаракат қилиб ҳужум қилиб келди, тайёраларда томон жойларга десант туширди. Бизга — «Ўрнлар келди, томон жойини олди, сизлар нима қиласиз» дедилар. Бизлар 40 киши тоққа чиқиб кетдик, пиёда камар ичидан.

Уршимоқ ниятида бизлар ўрнлар билан урушдик, Москвадан тайёраларда келиб бомбардимон қилди, ур хо-ур бўлди, бизлар ҳам ўрнларни ура-ура қўймадик. («Сизларда бу вақтда қурол бор эди? — Р. Ш) — қурол нима-у (милтиқ...). Ҳа, милтиқ бор эди бизда.

Покистондан 200-300 мужоҳид қурол билан ўрнларни жиҳод қилишга Афғонистонга ўтар. Айғоқчи сотқинлар хабар берарди коммунистларга мужоҳидлар ўтяти, деб. Коммунистлар тайёра обчиқиб ахтаради, топади, бомбардимон қилади. Ҳар жойда 200-300 киши шахид бўлган. Уларнинг жасади ўша қишлоқ ўша ерларга дафи қилинди. Йўллар, бутун қишлоқлар қабристонга айланди. (Ҳа кўрдик, кўриб келдик йўлларда, Р. Ш) Бизлар тоғ йўлдан кетардик, бу тоғ йўлини ҳам бомбардимон қиларди. Агар икки киши юрганини кўрса урар эди.

Бизлар эришдик, ҳам мусулмончилигимизга (эришдик), жиҳодни олдинга қаратдик. Бутун дунёга хатар эди ком-

мунизм. Шу жиҳоди Афғонистон талаби йиқитди, коммунизм тилка-тилка бўлди. Шу сабабдан сизлар озод бўлдингизлар. Худога шукр, мисли аввалгидек бўлди. Аввал шундай ўтиролмасдик. Шу жунбушга бирорта ўзбек болани кўрсак, шунга ҳам даф қилмасдик. Мен айтардим «Йўл бошқа яхшими, ислом яхшими, аломатлар яхшими? — Мен шундай нарсани билмасмен» — дер эди. Бўлмаса ўзбек бола қўрқар экан.

Худога шукр, ҳозир ўлтирибмиз катта-кичик суҳбатлашиб. Бизлар ҳозир марказда яшаймиз, хизмат шу ерда, уйлар дафгор, қароргоҳимиз шу ерда. Яна бир дафгор бор у ерда Озодбек ўлтирарлар. Биз шу шоир ишларни масъули. Шаҳарнинг четидаги мозорда бизларнинг партия тарафдан вазифа бор.

— Тинчлик сақлаш сизларданми?

— Унга бошқа аскарларимиз бор, у қўмондонларга тааллуқли

Бизни расмий кишиларимиз бор.

— Покистонда қанча бўлдиларинг?

— Покистонда мен икки йил бўлдим.

— Қайси шаҳарда? — Пешаворда. Пешаворда турдик, ўқидик, дўхтирликка ўқидик. Бизга шу иш кўмак бўлди. Биз дори кўтариб келдик. Чўнтакларда дори кўтариб юрдик, мужоҳидларга айтдик: «Шуни кўтариб юрсанг» десак «Йўқ менга не кераги бор» — деярди. Ўзимиз хориб, чарчаб кўтариб кўмак бердик. Яраларни боғлаб дори қилиб, касалига даъво қилиб юрдик. Покистонга чиқиб кетган йўқ.

Жалолободдан Тешиктош қадар йўл чети қабристон бўлиб кетди, совет техникаси, танк қабристони, машина қабристони, Ўрислар ҳаммасини олиб кетди. Бу қолгани, ҳам ҳеч кимга керакмас. Шу танкни олиб унга, бунга сотиб кетар экан. Жаҳон бошқара олмаскан.

Сизлардан бир Тошпўлат деган командир бўлар эди, Ўрислардан, яхши болайди. Яхшилиги, бизларга кўмаги шу эдики, хабар берар эди. Хабари «Биз фалон қишлоқни босамиз, мен қавмларинг бўламан, ўз чораларингизни кўринглар, биз шундан қайтмаймиз, биз шу ерни урамиз буйруқ бор» — дерди. Биз кечалар шу қишлоқни ташиб кўчириб кетардик, Хуллас Ўрислар урарди-урарди, қишлоқда ҳеч ким қолмас эди.

— Уша Тошпўлатни отасини исмини билмайсизми?

— Тошпўлат ўзбек бола, қўмондон-командир эди. Карки шаҳридан эди. Отасини исмини билмайман. У билан мулоқотда бўлганмиз. Бир кун — «Мен ҳам ўзбекман, бир танк билан бораман, сизлар ҳам келинглар гаплашамиз» — деди. Бизларнинг ёши улуғлар келди, ўшанда гаплашганмиз.

Бизларга ичкаридан рапорт келди, хат келдики бугун ўрисларнинг газмаси (патрул — Р. III.) юрийди. Бизлар 30 киши эдик. 10 10 кишидан уч гуруҳ бўлиб йўлнинг устида ётдик. Икки танк келди, ҳаммаси ўрис, ўзбек йўқ. Биринчи танкни урмадик. Ўтиб кетди, чўлдир-чўлдир ўрисча гапиришарди, орқадагини ракет билан урдик, танкни тешиб ўтибди, икки бола ўлган, олдиндагини ҳам чунон урдик, унда ҳам иккитаси ўлибди.

Бизларни кўп бомбардимон қилди, отди, ҳеч нарса қилолмади. Яроғи йўқ мардум, оч мардум, ҳеч нарсаси йўқ мардум Покистондан бир милтиқ олиб келдик холос, бошқа кўмак бермади. Покистон ҳам, Америка, Эрон ҳам кўмак бермади, танк берди. Мардумнинг қийинчилигини кўра-кўра шунга эришдик.

Ўрислар шу биздан қўрқар экан. Паштунлардан қўрқмаскан. Бизларнинг шу буғдойимиз пишадн, зироатимиз пишадн, энди ўрамиз деганда, тайёраларда, оловда куйдириб қўядн, бор нарса куйиб кетади».

Шу кунн тунаб, эрталаб соат 9 ларда Абдурашид Дўстим ҳузурида бўлдик. Бу сафар ҳарбий либосда эди. Суҳбатлашдик. Унга бўлган чуқур ҳурматимиза рамзи сифатида ўзбекча тўн, чорси, дўппи кийгаздик. Генералнинг Бобур ва унинг ҳарбий санъатига, шоирлигига, давлат арбоблигига бўлган хавасини ҳис этиб, унга Бобур сурати туширилган катта кўзани инъом этдик. Мустақил Ўзбекистон ва унинг истиқболи ҳақида кўпдан-кўп тилаклар билдириб генерал шундай деди: Мен ўзбекман, ўзбек-ўзбекка қурол кўтармаслиги керак. Ўзбекистондаги чуқур ўзгаринлардан бағоят қувонаман, бу ўлкада тинчлик, осойишталик барқарор бўлишини истайман. Яқинда Тожикистондан бир гуруҳ кишилар келиб қуролдан ёрдам беришимни илтимос қилди, ammo мен уларга рад жавоб қилиб, ахир Ўзбекистонга қўшни Тожикистонга қурол бермайман, мен ўзбек сифатида Ўзбекистоннинг тинчлигини хоҳлайман, борди-ю яна қурол деб келадиган бўлсанглр, менинг қўлимдан соғ чиқмайсиз».

лар, деб гапни индоллосини айтдим ва буниги устидан чи-  
қаман ҳам. Четдан қурол киритиш азоби, фожиасини биз  
афғонистонликлар тортдик, буни бошқа қардошларга так-  
рорланишини хоҳламаймиз...»

Доктор Элмурод Арғун жаноблари истагимизни фахмлаб,  
Бобур ва бобурийлар ҳақида суҳбатлашниш учун Абдулла  
Руинни қўнғироқ қилиб чақиртирди: Тез орада Абдулла  
Руин Мозори Шариф, Шимолий Афғонистон ички ишлар  
комиссари билан бирга кириб келди. Урта бўйли, ориқ  
дан келган, сочларига оқ оралаган Абдулла Руин ўзбек  
тилидаги ҳафтаномасининг бош муҳаррири. Э. Арғун уни  
қадрлар экан, мулозамат билан кутиб, бизни таништирди.  
Мақсадга кўчиб, у бу қардош ўзбек биродарларимиз бу-  
юк Бобур узидан юришиб, етти мамлакатдан ўтиб, Хаж  
амалларини адо этиб, ниҳоят, бизнинг Мозори Шарифга  
келишибди. Чунки Мирзо Бобурнинг оёғи Мозори Шарифга  
ҳам, биздан 15 чақирим масофада жойлашган қадимий Балх  
шаҳрига ҳам етган.

Абдулла Руин Бобур қабрини зиёрат қилганимизни би-  
либ; биздан Бобур харам-саройида ҳам бўлдингларми; деб  
сўраб қолди. Биз учун бу савол қизиқарли ва кутилмаган  
бир ҳол эди. Чунки, Қобулда бўлганимизда, бу ҳақда ўй-  
ламаган ҳам эдик. Экспедиция дастурида бу ҳақда ҳеч нар-  
са айтилмаганди. Қолмишига Абдулла Руин саволига  
экспедиция раҳбари бутунлай бошқа мавзуда жавоб  
қилиб, Бобурнинг Қобулдаги қабри рамзини Андижонда  
тиклаш ҳақида гап бошлаганида, мен ўзимни ўнғайсиэ  
сездим. Бобур ҳақида кўп маълумотларни билган Аб-  
дулла Руиндан кўпроқ сўраб олиш ўрнига, унга қилаётган  
ишларимиз ҳақида мақтаниб ахборот бериб, беҳуда вақт  
кетганидан афсусландим. Охири, гапни бўлиб, Абдулла  
Руин айтмоқчи бўлган фикрларни эшитишга, ундан фойда-  
ланишга имкон яратдим. Унинг айтишича, Бобуршунослик-  
да кўпгина муаммолар бор, айрим чалкашликлар ҳам  
йўқ эмас. Кўпинча, Шайбонийхондан енгилган Бобур Аф-  
ғонистонга ўтиб кетди, деган ибора ишлатиладики, бу  
ҳақиқатга тўғри келмайди. Ахир, у вақтда Афғонистон де-  
ган жўғрофий ном бўлмаган, мустақил Афғонистон давла-  
ти 1747 йилдагина ташкил бўлган.

Абдулла Руин Бобурнинг Қобулдаги ҳаёти ҳақида

кўп маълумотлар айтиб, ундан қолган ёдгорликлар ҳақида тўхталди: Бобур Қобулдалигида сарой-харам қурдиргани ва ўзи шу жойда давлат ишлари билан шуғуллангани, яшагани, ижод қилганини айтиб, бу тарихий обида сақланиб қолгани, Бобур мақбараси жойлашган боғнинг Жанубий қисмида бу бино, сарой сақлангани, аммо таъмирланиши зарурлигини айтди. Бу ёдгорлик тарих учун жуда катта аҳамиятли, шу боис уни Афғонистон билан Ўзбекистон ҳукуматлари ўзаро келишиб, пухта таъмирлаб, сўнгги авлодларга қолдириш ҳақида тadbирлар белгилашлари зарурлиги, айтиш шу масалада ҳам Сизларнинг Бобур номи халқаро экспедицияниги саъий-ҳаракат кўрсатса, хўп яхши хайрли иш бўлуи эди, деган фикр айтилди. Унинг куюниб гапиршидан чиндан ҳам Бобур меросига даҳлдор бу ноёб ёдгорлик қаровсиз, нураб, йўқ бўлиб кетиш ҳолатида эканини ва шу боис, шошилиш чора кўриш зарурлигини фаҳмладим.

Сўхбатимизда Бобурнинг Афғонистон диёридаги фаолияти, ижоди, мероси ҳақида биргаликда илмий-қидирув ишлари олиб бориш ҳақида гаплашиб олдик. У Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдида «Юлдуз» газетаси саҳифасида ҳам мақолалар, маълумотлар босиш режаларини айтди, бу ишда бизларни ҳам қатнашишга таклиф қилди.

Озодбек, Арғун, Муҳаммад Наби бизга «Афғонистон Шимол вилоятлари ислом бирлашмаси маромнома»сини туҳфа этдилар. Маромнома Қуръони Каримдаги «Ердаги инсонларнинг яхши амалларини бажариб, Аллоҳга имон келтирганларига яхшиликни ваъда қилади. Аллоҳдан қўрқинглар ва яхши амалларга амал қилинглар», ҳадиси Шарифдаги «Яхши дуо ва амал қилмаганлар бизлардан эмас», деган калималар билан бошланган.

Афғонистон шимол вилоятлари ислом бирлашмаси (АШВИБ) Аллоҳ ризолиги, Муҳаммад пайгамбаримиз Саллаллоҳу алайҳи вассаламнинг кўрсатган йўли асосида ўз фаолиятини ташкил қилишини мақсад қилган. Шу боис, барча ишларда Қуръони Карим ва ҳадиси шарифни ўз қонунини деб билади. Унинг асосий мақсад ва дастури жиҳодни муқаддас билиб; «Қофир ва коммунизмга қарши фисабулиллоҳ жиҳод» қилиш, «Ватан истиқлолини олиш ва асул мусулмон улусларини озод қилиш, «Исломий Халофат тузумини қайтадан қуриш, Афғонистон истиқлоли ва

тупроғи бутунлигини асраш, исломий илм марказларини қайтадан кўриб чиқиш, масжидлар, мадрасалар, мактаблар, туғруқхоналар ва бошқа оммавий муассасалар қуриш, камбағаллик, очлик, саводсизлик ва носоғлиққа қарши қаттиқ курашиш, ўлкада исломий иқтисодий тузумни юритиш бўлган.

Давлат ерларини ерсиз ва ери оз экинчиларга ислом шариаги асосида бўлиб бериш, жиҳод йўлида, ватан йўлида шаҳид бўлганларнинг орқасида қолганларига ҳар хил жиҳатдан ёрдам бериш, барча улус болалари учун она тилида, текин ўқишни жорий этиш, хотин-қизларни ислом динига мос алоҳида ўқитиш, исломий, миллий маданиятни ривожлантириш, ислом буюк шахсиятларининг асарларини, олимлар толифатини нашр қилиш, тарқатиш, исломга қарши турган турли мафкура ва ақидаларга қарши курашиш; ҳар турли нажот, мазҳаб, тил ва минтақа айримчиликларга қарши туриш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маншури ва башар ҳуқуқининг аломиясидан бутун ҳимоят қилиш, ҳар турли мустамлакачиликни маҳкум этиш, эркин дунё ўлкалари, айниқса, ислом ўлкалар орасида бир бутун бирлашув учун курашиш кабилар ҳам АШВИБнинг вазибалариданлиги маромномада ифодаланган.

Унинг сўз бошисида узоқ йиллар мобайнида Афғонистон шимолий вилоятлари халқи бошига тушган оғир мусибатлар ва улардан халос бўлиш учун шундай исломий бирлашма тузилгани қайд этилган. Бу бирлашма тузилишнинг бош сабаби, рус босқинчилигига қарши муқаддас исломий жиҳод қилиш, жиҳод жабҳаларидаги мужоҳидларни ўзаро бирлаштириш, ўлкани чуқур бухроний ҳолатдан қутқазиш, қонхўр ишғолчилар ва босқинчиларни ҳайдаб чиқариш, қизил мустамлакачилардан, коммунизм девининг «қонли чангалидан» мусулмон улусларини қутқазиш бўлган. «Афғонистон Шимол вилоятларининг исломий бирлашмаси,— дейилади бу ҳужжатда,— ўлкада эркинлик ва истиқлолни қўлга киритиш ва Афғонистон улусининг исломий давлат ўрнини ва унинг миллатлараро эътиборини қайтариб олгандан сўнг, барча қавмлар ва улуслар мазҳаб, тил, нажот ва минтақа таъсибидан узоқ яшаб, ва тенг ва оммавий ҳуқуқ ва важибга эга бўлган жамоани вужудга келтирсак керак».



Элмурод Аргуш менга «Йил қутлиғи»ни инъом этди. Бу биздаги йил, ой, кун календари экан. Уни варақларканмиз, Афғонистон билан Туркистонда истиқлол учун кураш лавҳаларининг айрим саналари кўз ўнгимизда гавдаланади. «Йил қутлиғи» шундай сўзлар билан очилган: «Афғонистон Шимол вилоятлари исломий бирлашмасининг аъзолари 1371 ҳижрий-шамсий йилини (1991 йил — Р. Ш.) ҳамда Туркистон мусулмон халқларининг эркинлигини бутун дунё мусулмонлари, айниқса, Афғонистон қаҳрамон миллати юракдан қутлуғ деб, ушбу йилни устунлик ва зафар йили бўлишини улуғ тангри-таолодан истайдир».

Ушбу «Йил қутлуғ»да Афғонистон билан Туркистоннинг машҳур тарихий саналаридан муҳимлари келтирилган.

Афғонистон бўйича муҳим воқеалар санасидан айримларини келтираман. 1358 йил 2 ҳамалда Жўзжон вилояти мусулмонларининг жонбозона қўзғолони бўлди. 1362 йил 3 ҳамалда Фарёб вилоят мужоҳидларининг умумий бошлиғи Ғози мулло Абдуғофур қаҳрамон мужоҳид шаҳид бўлган. 1530 йил 4 ҳамалда бадғиз вилоят мардумларининг қонли қўзғолони бўлди. 1358 йил 5-ҳамалда Фарёб вилояти мардумларининг халқ қўзғолони юз берди. 1362 йил 15 ҳамалда Афғонистон шимол вилоятларининг ислом уюшмасининг оидани — биринчи газетаси ташкил бўлди. 1357 йил 7 саврда Қобулда коммунистларнинг қудрати ошди. коммунистлар Афғонистонда ўрнашиб олишди. 1367 йил 15 савр кунини Ғур вилояти мусулмонларининг қуроли қўзғолони, шунинг кунини Қобул мусулмонларининг қаҳрамонона қўзғолони. 1358 йил 17 савр — Бомён вилоят мусулмонларининг жонбозона қўзғолони, 19 савр — Луғор вилоятининг қуроли қўзғолони, 19 савр — Қобул аэропортида биринчи қаҳрамонона жанг, 8 жавзо — Бомён вилояти мусулмонларининг қонли қўзғолони. 16 жавзо — мулло Муҳаммад Еқуб Толқонийнинг шаҳиди. 7 саратон — Бадахшон мусулмонларининг қўзғолони. 8 саратон — Лагман вилояти мусулмонларининг қўзғолони, шунингдек Таҳор, Ғазна, Нурстон, Самангон, Хирот, Қундуз, вилоятларидаги қўзғолонлар, рус босқинчиларининг талофот еган кунлари ҳам келтирилган. Даҳшатли рақамлар ҳам келтирилган. 1358 йил 24 хут кунини Хиротдаги коммунистик режимга қарши мусулмонларнинг қонли қўзғолони бўлиб, бунда 30000 ислом жонбоз

лари шаҳид бўлган. Уз-ўзидан равшанки, бу саналар Афғонистон учун кураш тарихидаги муҳим тарихий воқеалардир. Улар авлодлар қалбида ҳаминша сақланиб қолажак.

Бизнинг Туркистон тарихига оид саналар ҳам келтирилганки улар Афғонистон билан Туркистон аввал-аъалдан ёндош, қардош фожиадош, қаҳрамондош, қисмати, ютуғи қўл жиҳатдан ўхшаш эканидан, далолат бериб турибди.

1916 йил 17 жулой. — Русларга қарши Туркистон мусулмонларининг умумий фронтини эълон қилиниши, 1922 йил 4 август — Большевикларга қарши Туркистон мужоҳидларининг Бош қўмондони Ғози Анвар Пошшонини шаҳид кунини, 1921 йил 8 ноябрь — Туркистон мужоҳидлари томонидан Ғози Анвар Пошшо, генерал собиқ мудофаа министри Султон Усмоний ўрнига бутун фронт бўйлаб умумий қўмондон қилиб тайинланган кун. 1917 йил 10 декабрь — Қўқон шаҳрида мусулмонлар томонидан Туркистон республикасининг мустақиллиги эълон қилинди; 1917 йил 13 декабрь — Туркистон мустақиллик байрамини ўтказишда минглаб Тошкент шаҳар аҳолиси катнашди Уларга қарши Қизил Армиянинг ҳужуми бўлди. Туркистон мусулмонларининг русларга қарши қаҳрамон Ғози Мунаввар қори раҳбарлигидаги жиҳод уруши эълон қилинди.

13 июль соат 12:30 да Мозори Хўтел ҳовлисида катта йиғин бўлди. Шимол вилоятлари ислом бирлашмаси раҳбарлари — Озодбек, Арғун, Муҳаммад Наби, ҳарбий қўмондонлар, мужоҳидлар, элелилар ва бошқа нуфузли кишилар ҳозир бўлишди. Ёшлар билан учрашувга бағишланган бу йиғилиш қизғин, кўтаринки руҳ билан, дўсти-биродарларнинг учрашуви бир умрга эсда қоладиган даражада ўтди. Ўзбек музыкалари янграб турди. Чор томонимизни қуролланган соқчилар ўраб олишган. Ракеталар, миномётлар, танклар ҳам шай бўлиб турибди. Афтидан, бизларни хавфхатардан ҳимоя қилишга олдиндан астойдил тайёрланишган шекилли.

Сийёсий, ижтимоий, диний арбоб, шимол вилоятлар ислом бирлашмаси раиси Озодбек йиғинга кириб келганида омма уни олқишлар билан, тақбирлар айғиш билан кутиб олди. У чиндан ҳам шўҳрат қозонган, узоқ йиллар коммунистик режимга, Нажибулло ва унинг ўтмишдошлари ҳу-

куматига қарши курашиб, кўп машаққатлар чекиб, эл-юрт эҳтиромига эга бўлган сиёсий арбоб экан. Озодбек Қўқон хоши Худоёрхоннинг қиз томондан чевараси экан. Унинг отаси ҳаёт. «Озодбекнинг падари бузруквори Ворис Кармий ҳозирда Тошкентнинг Баҳодир кўчаси, 17-уйда яшайди. Озодбек чамаси 50 ёшларда. 15 йил давомида мужоҳидлик ҳаракатига сиёсий раҳбарлик қилган. Афсонавий саркарда Абдурашид Дўстимга ғоявий, сиёсий таъсир этиб, уни ўзбек ва бошқа туркий халқлар манфаати йўлида Нажибулло ҳукуматини ағдаришга даъват этган. Озодбек Афғонистондаги миллий озодлик ҳаракатида катта хизмат қилганини, уни ҳамма ҳурматлаганини ҳис этдик. Абдурашид Дўстим, Арғун, Муҳаммад Набилар унинг улуғ хизматларидан лавҳалар айтиб беришди. Йигинда нотқлар Озодбек номини қайд этганларида бутун йигини аҳли жўр бўлишиб, унинг номини олқишладилар.

Мезбонлардан Муҳаммад Наби, «Юлдуз» газетаси муҳаррири Абдулла Рувийи, Абдурашид Дўстимнинг қўмондопларидан бири, озғин, оқ сариқдан келган, ўрта бўйли, ёш 40-45 лардаги йигит нутқ сўзладилар. Мен ва қори Муҳаммад Содиқ Ҳожид кичик бир маъруза қилдик. Элмуред Арғун мендан Урта Осиёдаги «босмачилик» деб номланган ҳаракат билан Афғонистондаги «босмачилик» ҳаракати ҳақида гапириб беришни илтимос қилганди. Бу иш анча мушкул эди. Аммо гапириш лозим эди. Бу нутқ видеокамера тасвирига олинган, овози эса яхши ёзилмаган. Имкон борича диктафон орқали кўчириб олинган. Нутқимиз мазмуни Мозори Шариф телевидениесидан, радиосидан берилди, унинг матни қисқача изоҳ билан «Юлдуз» газетасида чоп қилинди. Тўсатдан, ҳеч тайёргарликсиз айтилган фикрлар айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаса-да, ундан қуйидаги парчаларни айнаиб келтирамиз: «Азиз биродарлар, қардошлар! Сизлар халқ, ҳақ манфаати йўлида узоқ йиллардан бери жон олиб, жон бериб, кўпдан-кўп қурбонлар бериб, заҳмат, машаққатлар чекиб мустақил коммунистик, тоталитар режимни барбод этиб, туркий халқларининг азал-азалдан маълум ва машҳур шуҳратини жаҳон узра намойиш этдинглар».

...Муҳтарам Абдурашид Дўстим билан учрашдик ва бу ерда мана жуда кўп Туркистон замини мустақиллиги учун фидокорлик билан ўз ҳаракатларини сарф қилаётган кўп кишилар билан суҳбат қурдик. Ва мана шу ишни ташкил

этишда зўр жонбозлик кўрсатаётган ажойиб олим, доктор Элмурод Арғун билан мулоқотда бўлиб шунга амин бўлдимки, Туркистон халқи, туркий халқлар, ўзбек халқи қадим-қадимдан, ўша, эски халқдир. Жаҳон тарихига агар назар солсак, ҳеч бир иш йўқки, туркий халқлар қатнашмаган. Бобомиз Амир Темурайтган экан «Биз ким мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Биз ким миллатнинг энг қадими ва энг улуғи, туркининг бош бўғинимиз».

Мана шу Амир Темурайтган давлат ва уни давомчиси бобурийлар қарийб 350 йил Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонда ҳукмронлик қилдилар. Уларнинг авлодлари ўзбеклар, туркий халқлар кейинги вақтларда Туркистон яхлитлигини йўқотди, узоқ йиллар жаҳон империалистлари, мустамлакачилари, коммунистик режим ўзлигимизни йўқотиб, тарихимизни бузиб, миллий тараққиётга зуғум қилиб келдилар. Шўролар, большевиклар буюк давлатчи шовинистлар ана шу инқилоб сўзи билан, инқилоб деган уйдирма билан Туркистон бирлигига раҳна солди. Инқилоб баҳонаси билан бу ерда айтайлик маҳаллий халқни бир-бирига гиж-гижлади.

Мана бизда босмачилик ҳаракати деган ибора кенг ишлатилиб келинди, шу ҳаракатни босмачилик ҳаракати деб ўрганиб, аксилинқилобий куч, аксилинқилобий ҳаракат, миллатга қарши, халққа қарши, халқларга нисбатан қилинган жангу-жадал деб ташвиқ қилинди. Аслида эса бундай эмас. «Босмачилик» деган иборани ҳам аслида империалистлар қўйган, босмачилик ҳаракати ташкилотчиси ҳам аслида империалистлар, мустамлакачи эски коммунистик тузум бўлган.

Ахир, 1917 йилда халқлар турмаси деб аталган Россия мустамлакалари қатори Туркистон ҳам энди мустақиллик ҳавосидан нафас олаётганда, большевикларнинг олиб борган нотўғри сиёсати шу ҳаракатни келтириб чиқишига сабаб бўлди.

Ана шу босмачилик ҳаракатини, миллий халқ ҳаракатини атайин бузиб, атайин халқимизнинг тарихига туҳмат қилиб келинди. Тарихимизни қанчалик бузса, қанчалик сохталаштирса халқни шунчалик эзини, мустамлакада ушлаш осон бўлган. Миллатни ўтмиши қанчалик ўрганилса шунчалик унда маънавий жиҳатдан ўсиш бўлади. Аксинча, мил-

латинг ўтмиши қанчалик кўмилса, унинг маънавий маж-  
руҳ бўлиши шунчалик кучаяди, уни эзиш, хўрлаш шунча-  
лик қулай бўлади.

Коммунистик режим миллий ўлкаларда маҳаллий халқ-  
қа нисбатан тутган сиёсати натижасида келиб чиққан бос-  
мачилик ҳаракати қамраб олган ўлкалар мустақилликка  
эришиб ҳозирда «босмачилик» ҳаракати миллий ҳаракат,  
халқ ҳаракати эканлигини, бу ҳаракат миллатпарвар куч-  
ларнинг ҳаракати эканлигини аниқлаб етмоқдалар. Қарийб  
16-18 йил «босмачилик» ҳаракати деб аталган ҳаракат мус-  
тақиллик ҳаракати бўлиб келди. Аммо бу ҳаракат бизда  
мағлубиятга учради, бу ҳаракат натижасиз қолиб кетди.  
Мана шундай ҳаракатни олиб бориш Сизларга nasib этди.  
Сизлар курашни охиригача давом эттириб, мана бугун га-  
лабага эришдингизлар. Афғон дийёрида империалистлар  
томонидан, коммунистик режим томонидан босмачилик ҳа-  
ракати деб, душманлик ҳаракати деб ёритилган ҳаракат  
аслида мустақиллик учун кураш ҳаракати миллий ҳаракат,  
диний ҳаракатдир. Хусусан Сизлар бутун ўзбек халқини,  
бутун турк халқини олдида жуда катта жасорат кўрсатяп-  
сиз. Тарих, албатта Сизларни ҳаракатларингни унутмайди.

Агар таққослайдиган бўлсак, гўё Афғонстонда ҳам,  
совет дийёрида ҳам, Туркистонда ҳам, Урта Осиёда ҳам «бос-  
мачилик» ҳаракати ташкилотчилари, асосий айбдорлари  
империалистлар, коммунистик режим раҳбарларидир.

...Аммо ҳар хил шароитлар, сабаблар тақозоси билан  
бу халқлар бошига кўлдан-кўп оғир, мушкул фожиалар  
ҳам тушди. Айниқса, Оврупо империалистлари узоқдан бери  
мусулмон туркий халқлар ўртасида фитначилик қилиб, кўл-  
дан-кўп қирғин-баротларни келтириб чиқардилар. Шундай  
сиёсат шу XX асрда ҳам янада кенг кўламда олиб борилди.  
Бунинг ёрқин мисоли Сизларнинг ватанингиз Афғонистон  
фожиасидир. Аввал империалистлар, сўнгра СССРдек Қи-  
зил империя, большевиклар фирқаси туркий халқлар қуд-  
ратига, аҳиллиги-иттифоқига нифоқ солиб, уларни бир-бир-  
ларига гиж-гижлаб, урушлар келтириб чиқардилар. Урта  
Осиёда ҳам ҳукумат тепасига келган большевиклар ўша  
мустамлакачилик сиёсатини давом эттирдилар, халқларни  
этник парчалаб, ҳар бирини алоҳида, алоҳида бошқаришга  
уришиб келдилар.

Ўша баҳона, ўша мақсад билан ягона, бир бутун Тур-

кистон парчаланиб, Улуғ Туркистон, Шарқий Туркистон, Жапубий Туркистонга бўлиниб юборилди, 1924-1925 йилларда эса биз яшаб турган Туркистонни янгича, тўқима номлар бўлиши Узбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қорақалпоғистон каби сунъий жумхуриятларга бўлиб юбордилар. Бунга қарши турган маҳаллий, миллий арбобларнинг фикр-ғоялари, таклифлари эътиборга олинмади, аксинча улар буржуа миллатчилари деб айбландилар.

Бизда, Туркистонда жадидчилик ҳаракати ривожланган пайтларда шу ҳаракат намояндаларидан бири Тошлўлат Норбўтабеков «русларни бизга адовати узоқ тарихга бориб тақалади. Бобомиз Амир Темур бир вақтлар Москва остоналаригача бориб рус ерларида ўз ҳукмронлигини ўрнатган...», деб айтганди.

Туркистонда «босмачилик» билан бир қаторда кўп марта миллий-сиёсий курашлар бўлган ҳамда тарихда ўз исми қолдирган. Масалан, «18» лар гуруҳи», «Иноғомовчилар гуруҳи», «Қосимовчилар гуруҳи» ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси большевиклар томонидан тўқиб чиқарилган...

Мен ўзбек диёри вакили Афғонистондаги ўзбеклар бошлаган жуда қаттиқ, машақатли ва шу билан бир қаторда шарафли ишларда жуда катта муваффақиятлар ва омад тилайман. Ҳаминша Туркистон халқига, Афғонистонда яшаётган ўзбеклар, туркманлар ва бошқа халқларга зафар тилайман!

Яна бир карра сизларга Андижон халқи номидан, Бобур ватанидан, мен ўзим Бобур номли Андижон Давлат университети профессориман, жамоамиз номидан зафарлар тилайман. Сизларни дастурларингизни, маромнома, низомларингизни халқимизга етказамиз.

Афғонистондаги ўзбеклар, туркийлар билан Урта Осиёдаги халқлар билан иқтисодий, маданий алоқалари, инсоний дўстлик, диний алоқалари мустаҳкамланиб боради деб ишонаман. Эътиборларингиз учун раҳмат.

Шундан сўнг Муҳаммад Содик Ҳожин Қосимов нутқ сўзлади:

Бисмиллоҳир-роҳманир роҳийм.

...Сизлар Оллоҳ динини кучайтиришга, оллоҳ байроғини, ислом байроғини кўтаришликка катта ҳаракатлар

қилиб хизмат қилар экансиз, Оллоҳ албатта сизларга ёрдам беради ва сизларни сабрли, собитқадам қилади, парвардигорни ўзи марҳамат қилади. Биз мана бугун сизларнинг ғалабангизни бунинг натижаси деб биламиз. Оллоҳ сизларга сабр берди, оллоҳ йўлида сабр қилдинглар, оллоҳ калимасига амал қилдинглар.

Эй имон келтирган бандалар, сизлар Оллоҳдан мадад сўранг, ёрдам сўранг, сабр-тоқат билан номоз ўқишлик билан, қуръон ўқишлик билан Оллоҳга итоат қилишлик билан сабр қилинг, сабр билан оллоҳдан ёрдам сўранг, оллоҳ сизлар билан бўлади, оллоҳ чунки доимо сабрли бандалари билан биргадир, деб парвардигор амр қилди. Ва яна айтади Сизлар Оллоҳ йўлида шаҳид бўлган, Оллоҳ йўлида ўлдирилган кишиларни авмот деб атаманг, уларни ўлик деб атаманг, улар доимо тирик, лекин сизлар уларни тириклигидан беҳабарсиз, дейди.

Оллоҳ бу жиҳодда шаҳид бўлган биродарларимизни руҳини шод этсин ва ер юзида уларни номларини барқарор қилсин ва биз улардан кейин қолганлар ва биздан кейин қолганлар уларни зиёратида бўлиб, қироатлар ўқиб юришга оллоҳ насиб этсин. Ва сўзимни охирида сизларга муваффақиятлар тилаб ва ҳозирги мана Афғонистон диёридаги мужоҳидларни барчаларини ишлари якунланиш арафасида, уларни қилиб ўтган 14 йиллик курашувининг натижалари кўринай деб турган пайтда оллоҳ ўзи қувватласин. Ва охири каломимда ўтган шаҳидлар руҳларига, барча ўтганларни руҳларига қуръон тиловат қилишга рухсат тгайсиз...».

«Юлдуз» газетаси бош муҳаррири Абдулла Руин, қўмондонлардан яна бири нутқ сўзладилар, бизнинг маърузаларимизни қувватлаб, Афғонистон билан Ўзбекистоннинг ўтмиш тарихидаги биргаликда олиб борган курашлари, бунёдкорлик, маданий-маънавий соҳалардаги ҳамкорлигидан ажойиб лавҳалар келтирдилар. Ийғиндан сўнг Бобур ғазалларидан куй ва ашулалар айтилди.

Учрашувдан сўнг дастлаб кутиб олинган хонада бизларга зиёфат берилди. Дастурхонда нон, мевалар, ширин ичимликлар мўл-кўл қўйилибди. Кабоб билан палов танавул этдик. Қизгин дўстона суҳбат ҳам давом этди. Биз Озодбек, Арғун, Муҳаммад Наби ва уларнинг сафдошларига Андижондан олиб борилган мисириш тўн, чуст дўпписи, Андижон чорсиларидан туҳфа қилиб, кийгиздик. Озодбек билан Арғун жа-

ноби олийлари ҳам бизларга ўзларининг миллий чопонлари, дўппиларини туҳфа этиб кийгизишди.

Қучоқ очиб хайрлашдик. Камида 100-150 киши бизларни кузатиб қолишди. Термиз йўлигача қуролланган соқчилар бизга ҳамроҳ бўлиб боришди. Асир билан шом оралигида Хайротон кўпригидан, божхона расмийчилигидан ўтиб, Термиз шаҳрига кириб келдик.

Шундай қилиб 10-13 июль кунлари Бобур Мирзо излари бўйлаб, Афғонистон дёридан эсон-омон ўтиб, 15 июль кун кундуз соат 11 ларда Олтинкўл районидаги Тўрт кўча майдонида шаҳар, вилоят жамоатчилари томонидан, карнай-сурнайлар садоси ёстида, туз ва ион, гулдасталар билан тантанавор кутиб олиндик.

Бобуршунослик тарихидаги биринчи бу воқеа Бобур ватани — Андижонда юз берганидан қалбларимиз чуқур фахр, ғурур-ҳиссияга тўлиб тошди.

Бу албатта қилиниши лозим бўлган катта, улкан ишнинг, тadbирнинг кичик бир дебчасидир, холос. Ҳали олдинда бу каби ишлар жуда кўпдир.





## БОБУР ИЗИДАН ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНГАНДА

Юртдошимиз Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги олдидан Андижон вилояти ҳокимининг қарори билан ташкил этилган Бобур номи Халқаро илмий экспедиция таркибида 1992 йил 19 майдан 15 июлгача машинада 18 минг километр йўл босиб, Шарқнинг саккиз мамлакатида бўлдик. Кўҳна тарихимизнинг шонли, ёрқин давлари, саҳифалари бўлмиш теурийлар, бобурийларнинг қадамжоларини зиёрат қилиб қайтдик. Шундан кейинги сафаримиз ҳаракати Ҳиндистонга бўлди. Бу сафаримиз ҳам ўша хайрли, шарафли ишнинг давоми бўлди. Негаки, кўҳна ўзбек адабиётининг улуг намояндаси, йирик мутафаккир ва давлат арбоби, буюк бобоколониимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар тарихи Ҳиндистон билан боғлиқ эди. Аввалгидек, видеокамера, диктофон, фотоаппарат билан бориб, кўплаб гасвирий лавҳалар, суратлар, китоблар ва бошқа бобуршуносликка оид ҳужжатли материаллар олиб келдик. Эндиликда булар университетда ташкил қилган «Бобур — Андижон фарзанди» номи мумтоз мозийгоҳимизни бойитди. Ҳиндистон диёри бўйлаб сафаримизга Андижон вилоят телевидениеси орқали юртдошларимизни ошно қилиш мақсадида уч марта кўрсатув уюштирдик.

Ўша сафар таассуротларидан айрим лавҳаларини мазкур тўпламга киритишни лозим кўрдик.

Ҳиндистон!.. Қадимий ва ҳамиша навқирон афсонавор диёр! Шарқнинг бу гўзал, иссиқ ўлкасига яқинлашар эканмиз, қалбимиз ҳаяжонда эди.

Самолётимиз 26 сентябрь куни Тошкент вақти билан эрталаб соат 6.30 да Деҳлиннинг Индира Ганди аэропортига

қўнди. Ҳиндларнинг аъъанавий миллий одатига кўра, буй-  
нимизга гулчамбарлар тақиб, ~~н~~лик кутб олинди.

...Аэропортдан Жапата меҳмонхонаси сари бормоқдамиз. Қадимий, тарихий, ҳаминша навқирон ва замонавий Деҳли кўчалари. Шинам ва гавжум кўчаларга боқиб, беихтиёр кўз ўнгимда кўҳна тарих лавҳалари гавдаланарди. Деҳли Ўзбекистон учун, биз ўзбеклар учун ниҳоятда қадрли ва яқин. Ўз замонида буюк юртдошимиз Абу Райҳон Беруний машҳур Маҳмуд Фазнавий билан Деҳлига келган ва бу ерда «Ҳиндистон» номли улкан асарини ёзган. Буюк соҳибқирон Амир Темур 1398—1399 йиллари Ҳиндистонга юриш қилиб, Деҳлида бўлган. «Темур тузуклари»даги мана бу сатрларни эсладим: «Деҳли ҳокими султон Маҳмуд жангга киришди ва енгилиб тор тарафга қочди. Беқийс хазина ва мол-мулки сипоҳийларимга насиб бўлди.

Бир йил ичида Ҳиндистон пойтахти Деҳлини забт этдим ва мазкур йилнинг охирларида салтанатим пойтахти Самарқандга қайтдим» (Темур тузуклари. Тошкент, 1991 йил. 49-бет).

Л. Лянглэ Амир Темурнинг Ҳиндистон сари юришини шундай таърифлаганди: «Темурнинг Ҳиндистон юриши пайтидаги асосий ташвиши — Ҳиндистонга олиб борувчи йўллارни изғиб юрган сон-саноксиз қароқчилардан тозалаш бўлди».

Амир Темурнинг Ҳиндистондаги ҳарбий санъатини тарихнавис олим М. Иванов шундай таърифлайди:

«...26 январь кунн Темур ўз лашкарларининг бир қисми билан Толокнур (Ҳиндистон) шаҳрига етиб келди. Бу ерда у Ганг дарёси бўйлаб 48 та кемада гебрлар (ҳиндистонликлар) сузиб келаётганидан хабар топиб, у ўзи лашкарларини ҳужумга бошлади: унинг жасур аскарлари от устида жуда тез оқайтган дарёга ташланиб, кемалар сари суза бошладилар, етиб боргунча камонлардан ўқ ёғдириб, кемаларга етгач эса, унинг устига тирмашиб чиқиб, қиличлар билан душманга қирон келтирдилар, гебрлар шу қадар ўзларини йўқотиб қўйдиларки, ҳеч қандай қаршилиқ кўрсата олмадилар. Темур лашкарлари ҳеч қийинчиликсиз кемаларнинг катта қисмини қўлга киритишди. Тез оқайтган дарёдан от устида сузиб келиб кемадаги душман билан жанг қилиш — ҳарбий тарихда ҳеч қачон учрамаган эди.

Темур лашкарбоши сифатида қанчалик эҳтиёткор ва мулоҳазакор бўлмасин, аммо баъзан Александр Македон-

скийга ўхшаб, оддий аскар сифатида энг дадил тадбирларни амалга оширишни яхши кўрар эди. Масалан, бир куни у Ганг дарёсининг нариги қирғоғида ҳиндларнинг 10.000 пиёда ва отлиқ аскарлари тўплаганидан хабар топиб, ўз ихтиёридаги бор-йўғи 1000 отлиқ аскар билан (кейинроқ уларга 500 аскар қўшилди) дарёни сузиб ўтиб, душман устига ташланди ва уни тумтарақай қочирди».

Темурийларнинг бевосита давомчиси ва вориси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ҳам Деҳли билан чамбарчас боғлиқ. Унинг бу шаҳарни забт этишдаги саркардалик маҳоратини «Бобурнома»дан биз яхши биламиз. Бобур Ҳиндистонни забт этиш учун беш марта юриш қилган. Ва ниҳоят, 1526 йил апрелида Деҳлидан 100 чақирим шимолда жойлашган Панипата жангида ғалаба қилиб шаҳарга кириб келдилар. Унинг бу ғалабаси шарафига Деҳлидаги масжидда жума намозида хутба ўқилиб, Бобур ҳукмронлиги эътироф қилинганди.

«Одина куни ул юртда таваккуф қилдук, — деб ёзганди улуғ саркарда «Бобурнома» асарида, — Мавлоно Маҳмуд ва шайх Зайин, яна баъзи бориб, Деҳлида жума намози қилиб, менинг отимга хутба ўқиттилар. Фуқаро ва масокинга бир пора ярмоқ улашиб, урдиго келдилар...» («Бобурнома», Тошкент, 1989, 245-246-бетлар).

Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 332 йил, яъни 1526—1858 йилга қадар ҳукмронлик қилди. Сулола асосчиси Бобур Мирзодан охириги шоҳ Баҳодир шоҳга қадар оралиқда 13 шоҳ (Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, Аврангзеб, Баҳодиршоҳ, Жаҳондор шоҳ, Муҳаммадшоҳ, Фаррухсийяр, Оламгир II, Аҳмадшоҳ, Шоҳ-олам, Акбаршоҳ II ўтган. Уларнинг ҳаммаси Деҳлига даҳлдор, уларнинг номи билан боғлиқ жойлар Деҳлида анчагина.

Бобурийлар даврида узоқ Туркистон, хусусан Андижондан ҳам кўплаб бинокорлар, меъморлар, табиблар, олимлар, шоирлар Деҳли ва Аграга келишган. Бу табаррук шаҳар билан кўплаб юртдошларимиз номи боғлиқдир. Ўзбек халқининг миллий қаҳрамони, бутун мустамлака Туркистонини ларзага келтирган, истиқлол байроғини биринчилардан бўлиб кўтарган ва бу йўлда қурбон бўлган машҳур Дукчи (Муҳаммадали) Эшон ҳам ўз даврида бу азим шаҳарда бўлганди. Андижонлик сиёсий, жамоат арбоби, ўзбек хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан биринчи дипломат

Зухра Раҳимбобоева собиқ СССРнинг Ҳиндистондаги мухтор элчисининг ўринбосари бўлган. Уша вақтлари у Ҳиндистон Бош вазири Индира Ганди хоним билан яқиндан дўст ва ўртоқ бўлган. Мен унинг шахсий архивида Индира Ганди, ўгли Раджив Ганди билан биргаликда тушган суратини кўрганман. Суратда Раджив Гандининг чамаси 16-17 ёшлиги акс эттирилган. Марҳума Зухра опа менга Индира Ганди билан биргаликда ўтказган дамларини кўплаб ҳаётий лавҳаларни сўзлаб берганди. Замонамизнинг буюк давлат арбобларидан бири Индира Ганди хоним Бобур ва унинг авлодларига чуқур ҳурмат ва эҳтиромда бўлгани, Бобурийлар қолдирган тарихий, маданий обидалар, санъат, адабиёт асарларини юксак баҳолаганини айтиб берганди.

Ўзбеки халқининг ажойиб фарзандлари, давримизнинг йирик сиёсатдонлари Нуриддин Муҳитдинов, Шароф Рашидов, Ёдгор Насриддинова, Ислом Каримовларнинг номлари ҳам Деҳли билан боғлиқ эканлигини хотирлаб, улар ўзбек ва ҳинд халқининг дўстлик ришталарини маҳкам боғлаб турганидан қалбимиз қувонч ва фахр ҳиссига тўлди.

Ҳа, чиндан ҳам Деҳли буюк шаҳар, бу жойга дунёдаги кўплаб улуғ сиймолар ташриф буюришган.

Андижонга ўхшаб Деҳли ҳам эски ва янги шаҳар қисмларига бўлинган. Биздагидек эски шаҳар билан янги шаҳарни осма кўприк ажратиб туради. Тўғри, бизнинг эски шаҳарда ўтмишни эслатиб тургувчи тарихий, маданий обидалардан бори-йўғи Жомъе масжидию, Аҳмадбек ҳожи уйи сақланиб қолган. Эски Деҳлида эса темурийлар ва бобурийлар давригина эмас, ҳатто араблар истилоси давридаги тарихий обидалар ҳам яхши сақланиб қолган, давлат ҳимоясига олинган.

Бобурнинг невараси Акбаршоҳ ва унинг невараси Шоҳжаҳон даврида Ҳиндистон жуда ривожланган. Бу тарихга бобурийлар давлатининг гуллаб-яшнаган даври бўлиб кирган. Шоҳжаҳон 1627-1658 йиллари Ҳиндистонни идора қилган. Уни ҳинд халқи ҳозир ҳам чексиз ҳурматлайди. У халқ орасида «Ҳазрати Шоҳжаҳон», «Баҳодир Шоҳжаҳон», «Шоҳжаҳонобод» номлари билан машҳур экан. У асос солган машҳур Лил қалъа (Қизил форт) бир вақтлар бобурийлар саройи бўлган.

Бу ерда ҳаммаси ажойиб, кўҳна ва мафтункор. Меъморчилик обидалари, салобатли бинолар, кўркам сарой,

масжидлар, археологик музей, баланд-баланд миноралар, ҳашаматли гумбазлар, ёзги айвонлар, сайр учун ажратилган кўм-кўк гулзор, боғ-роғлар, ораста майдончалар, ҳовузлар, гала-гала учиб юрган кабутарлар, ғакиллаб парвоз қилаётган қарғалар — буларнинг бари кишини ўзига ром қилади. Шу Лил қалъадаги Зийнат Маҳалда бўлдик. Бу ердаги музейда Бобур ва унинг ворислари ҳақидаги хилма-хил рангли сурат, миниатюралар, ҳужжатлар, этнографик анжомлар, ёзувлар ва бошқа ҳужжатлар билан танишдик. Аммо тасвирга, суратга олиш учун ҳукумат розилиги керак экан. Ундай ваколатга эга эмасдик.

Ҳинд халқининг доҳийси Махатма Гандя, собиқ Бош вазирлар Индира Гандя, Раджив Гандиларнинг дафн маросимлари ўтган тарихий майдонда ҳам бўлдик. Ўзига хос бу улкан боғни зиёрат қилишга мушарраф бўлдик. Беҳад гўзал бу жой бутун ҳинд халқининг зиёратгоҳ табаррук масканига айланган. Бу муқаддас жойга кўплаб машҳур сиёсий арбобларнинг қадами етган. Мўътабар даргоҳдан одамлар оқими кун бўйи аримайди.

Деҳлидаги осори-атиқалар орасида жума масжиди ҳам алоҳида ажралиб туради. Масжид эски Деҳлининг энг баланд, кўркам жойида ўзига хос салобат билан мағрур турибди. Унинг ўнг томонида индуслар, чап томонида мусулмонлар яшайди. Деҳли мусулмонлари имоми Аъзам, Ханафия мазҳабига, Сунни мазҳабига мансубдир, Масжиддан эски Деҳли панорамаси яққол кўзга ташланади. Мезбоннинг айтишича Масжид Шох Жаҳон томонидан қурилган. Масжиднинг бир четида Самарқанд, Бухоро услубида қурилган кичик бир ҳужрача бўлиб, унда Қуръони каримнинг асл нусхасидан табаррук парчалар, пайғамбаримиз Муҳаммад Саллолоҳу алайҳи васаламнинг оёғи изи тушган тош, Ҳазрати Алига онд мўътабар ёдгорликлар сақланмоқда.

Деҳлидаги энг катта, кўркам тарихий обидалардан бири — бу будда ибодатхонасидир. Уни Шри Лакш минарайан эҳроми ҳам дейишади. Гап шундаки, Бобур ва унинг ворислари бутун Ҳиндистонни идора қилганларида бу ердаги халқларни ислом динига даъват этганлар, исломни тарғиб ва ташвиқ қилганлар. Айни вақтда улар халқлар ўртасида диний эътиқод эркинлигига ҳам йўл қўйиб, у ёки

бу динга эътиқод қилиш ҳар қавмнинг ўз иши эканини амалда таъминлаганлар. Шу боис Деҳли ва бошқа шаҳарларда мусулмон масжидлари билан бир қаторда будда ибодатхоналари ҳам ғоят кўпдир. Бу ибодатхоналар ўзларида ҳинд халқининг кўп минг йиллик санъат дурдоналарини сақлаб келмоқда. Будда дини милоддан аввал VII-VI асрларда Ҳиндистонда юзага келган. Сўнгра у бошқа шарқ мамлакатларига, жумладан, Туронга ҳам тарқалган.

Индира Ганди яшаган, хизмат қилган ва душман ўқидан ҳалок бўлган уй ҳозирда зиёратгоҳ жой — унинг уй-музейига айлантирилган. Мана шу уйда юртдошимиз Зухра опа Раҳимбобоева ҳам бир неча бор бўлган. Бу икки шарқ аёл арбоблари кўпдан-кўп суҳбатлар қуришган, катта давраларда бирга бўлишган.

Индира Ганди уй-музейи шундай ўзига хос жиҳозланганки, гўё бу ажойиб инсон тирикдай, бирор юмуш билан бир неча дақиқага бошқа ёққа чиқиб кетгану, мана ҳозир кириб келаётгандек.

Биллур билан қопланган, чамаси 16-15 метрлик йўлакча, унинг ўртасида гул турибди. Уқ узилганда Индира Ганди танасидан тўкилган қон ҳали рангини йўқотмай шу гул тагида турибди. Уй-музей ва бутун ҳовли бўйлаб Индира Гандининг овози янграб туради.

«Бобурнома»да тилга олинган Хожа Қутбиддин қабристонининг йилдан бери сақланиб келинмоқда. Араблар истилосидан гувоҳлик берувчи тарихий обида Деҳлида ташкил бўлган биринчи мусулмон масжидидир. Баландлиги 88 метрлик минора, тошдан тикланган. Унинг ҳар бир бўғинига Куръони Қарим, ҳадиси шариф оятлари тошни кесиб арабча ёзилган. Тошдан қилинган иморатлар, очиқ айвонлар каби кўҳна тарих далилий ашёлари савлат тўкиб турибди. Бу зиёратгоҳ жойда Абу Райҳон Беруний, Амир Темури, Заҳирридин Бобур, машҳур тарихчи Хондамир ва бошқа сиймолар бўлишган.

Қутбиддин минораси қаршисида яна бир минорани унинг невараси Алоуддин кўтармоқчи бўлган. Аммо у тугаланмай қолган, тахминан 15 метрча кўтарилган, холос.

Биз турган меҳмонхонада жойлашган дўконлардан бирининг мудирини Иззатуллоҳон билан танишдик. У асли кашмирлик, мусулмон. Дўкондаги кўпдан-кўп қимматбаҳо матолар, тилла, зумрад буюм ва тақинчоқлар орасида диққа-

тимизни тортгани девордаги Бобур ва унинг авлодлари ҳақидаги ажойиб миниатюра расмлар бўлди. Улар жуда нафис, дид билан деворга терилиб қўйилган. Иззатулло бобурийлар ҳақида билганини сўзлаб берди. Ҳатто меҳмонхона дўконларида ҳам бобурийлар ҳақида маълумотлар борлигидан чексиз қувондик.

Китоб дўконидан эса Бобур ва бобурийлар тарихига оид кўплаб асарлар харид қилдик. Бу ерда китоб бизга нисбатан жуда қиммат. Лекин сифати аъло даражада. Айниқса, Бобур ҳақидаги китоблар мени шунчалик қизиқтирдикки, уни харид қилмасликнинг иложи йўқ эди. Бу ноёб асарлар орасида Валдемор Хансеннинг 1986 йилда Деҳлида чоп этилган «Товус тожиси ёки мўғуллар Ҳиндистони қисмати», Буюк Британияда 1989 йил нашр қилинган «Қисқача Ҳиндистон тарихи», Рамила Зафарнинг «Ҳиндистон тарихи» (1-қисм), Первикал Спирнинг «Ҳиндистон тарихи» (2-қисм), Д. Шарманинг «Деҳли ва унинг районлари» Ҳиндистон мўғулларининг (бобурийларнинг — Р. Ш.) ёдгорликлари», «Қизил форт», Б. Н. Панде «Ҳиндистон ҳақида китоб», Деҳли — Агра, Фатенпур Сикри», Вамбер Гаскоинг, «Буюк мўғуллар», «Мўғуллар империясининг санъати» каби турли йилларда Деҳлида, Лондонда, Нью-Йоркда, Калькутта, Аллохобод ва Бомбейда чоп этилган китоблар бор эди. Бу асарларнинг ҳар бири бобурийшуносликни чуқур илмий талқин этишда алоҳида қимматга эгадир. Шунинг учун уларни Андижонга олиб келдик.

Деҳлида 1987 йили чоп қилинган «Буюк мўғуллар» номли асарда Бобурнинг саркардалик маҳорати, Ҳиндистонни забт этишдаги жасорати, тадбиркорлиги ҳақида қўйидаги ижобий фикр айтилган.

«Бобур Ҳиндистон мамлакатининг Жанубий ва Шарқий районларига бешинчи ва охириги марта 1525 йили октябрда ҳарбий юриш қилади. Бу юришда 12 минг қўшини бор эди.

Бобур 1526 йилнинг февралда Панжоб атрофини ва Панжобни ишғол қилади. У жуда ўткир саркарда бўлганлиги учун ўз аскарлари орасида кучли интизом ўрнатади.

Ҳиндистон ҳарбий юришида шаҳзода Ҳумоюн ҳам бор эди. У Деҳлига қарши бўлган жангда жуда кўп қаҳрамонликлар кўрсатади. Фарзанди шаҳзода Ҳумоюннинг бу жангда қатнашиши Бобурга руҳий мадад бағишлаганди. Ҳумоюн Султон Иброҳим Лўдига қарши жангда душманнинг юздан ортиқ аскарини, 7-8 та филини асир олади.

1526 йилнинг апрель ойи ўрталарида Бобурнинг 25 миля қўшини билан Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг 100 миля аскарлари ва 1000 фили Панипатада юзма-юз келиб жанг қилади. Бобур бу жангда жуда кўп ҳарбий маҳоратларини ишга солиб, туркларнинг жанг маҳоратларини кўрсатиб қўяди ва Иброҳим Лўди мағлубиятга учрайди. Жума куни Бобур масжидда ўз номини хутбага қўшиб ўқитади ва ўзини Ҳиндистон императори деб эълон қилади.

Деҳлида 1989 йилда нашр этилган «Мўғул империясининг пайдо бўлиши» асарида ҳам Бобур шахсияти юксак баҳоланган.

Ҳиндистонда «Буюк мўғуллар» (аслида бобурийлар — Р. Ш.) сулоласининг асосчиси Заҳриддин Муҳаммад Бобур мусулмон динининг суннийлар мазҳабидан, ота томонидан Темур ва она томонидан Чингизхон наслидан.

Бобур 1504 йили Қобул ва Ғазнани эгалайди. У 1519-1525 йиллар давомида Ҳиндистонга 5 марта юриш қилади. 1526 йили Султон Иброҳим Лўдий ҳукмрон бўлган Ҳинд шоҳлиги Бобурга ўтади. Бобур ўша даврда жуда кучли исломий армияга эга бўлган эди. Унинг аскарлари орасида турклар, араблар ва эронийлар бор эди. Бобур 1530 йилгача, яъни ҳаётининг сўнгги кунигача ўз даврининг энг кучли армиясига эга эди. У ўзидан кейинги авлодларига жуда қудратли, енгилмас қудрат ва куч қолдирди.

Шу асарнинг «Бобур ва Ҳумоюн» бўлимида қимматли ҳужжат ва фикрлар баён этилган. Улардан айримларини келтирамиз.

Бобур ва унинг ўғли Ҳумоюн шоҳликка бўлган темурийлар насабларини ўзгартирадилар. Бобур 1507 йили Қобулга ҳукмдор бўлгандан кейин ўзини подшоҳ деб эълон қилади. Темурийларгача «Мирзо» унвони бериларди.

Балким у шавкатли, шуҳратли темурийлар давлатини ва ўша даврда ўзи барпо этган мустақил давлат салобати, даражасини ўзининг душманлари Шоҳ Исмоил Сафавий,

Шайбонийхон ўзбекларига кўрсатиш учун қўллагандир.

Ҳумоюн Бобур ишини давом эттириб, Деҳлида ҳукмронлик даврида ижтимоий ва маъмурий бошқарув органларига янгича тартиб, усул киритади.

Уз саройида ва атрофдаги мансаблар тизимини ўзгартиради. Бунга мувофиқ олдий даражадаги хизматчилар уч гуруҳга бўлинган. Биринчиси давлат одамлари — фақат



темурийлар авлодига мансуб кишилар, ҳарбий ва маъмурий амирлардан, икинчиси — саодатли одамлар, файласуфлар, уламолар, сўфилардан, — учинчиси — рассомлар, меъморлар, савдогарлар, хонандалардан иборат бўлган.

Китобда Деҳли шаҳри 400 йилга яқин давр мобайнида мусулмонлар кўп яшайдиган бутун Ҳиндистондаги энг катта шаҳар бўлгани, ҳатто 1505 йили Султон Искандар Лўдий Аграни янги пойтахт қилганда ҳам Деҳли Ҳиндистондаги мусулмон шаҳарларининг энг каттаси бўлиб қолавергани, Бобуршоҳ даврида ҳам Деҳли Ҳиндистондаги мусулмонларнинг маркази, Ислоҳ оламининг кўзга кўринган шаҳри ҳисоблангани очиб берилган. Деҳлини сайр-саёҳат қилганимда чиндан ҳам бу шаҳарда аввал-азалдан мусулмончилик ва унинг обидалари кенг тарқалганининг шоҳиди бўлдим.

Шу асарда яна бир лавҳа бор. Унда инглизлар Ҳиндистонни забт этишда Бобур, Ҳумоюн, Акбарларнинг Ҳиндистонни истило қилишдаги, бошқаришдаги ҳарбий тактикасидан усталик билан фойдаланганликлари қайд этилган. Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ уруш майдонида ғалабага эришиш учун жуда чаққон ва тез, шиддат билан ҳаракат қилишга эришганлар. Шимолий Ҳиндистон шаҳарларини шу услуб билан ўз тасарруфларига ўтказганлар ва марказий ҳинд — Гангетик текислик — Лоҳур, Деҳли ва Агра ерлик аҳоли билан жуда эҳтиёткорлик, ҳурмат билан муносабатда бўлганлар. Бу жойларда фуқароларга солинадиган қишлоқ хўжалиги солиқларини яхши тартибга келтирган ва унинг миқдорини кескин қисқартирган.

Бобур ва унинг ворислари қисқа муддат ичида деярли бутун Ҳиндистон қишлоқларига Амир Темур империяси, умуман турклар услубини жорий этганлар. Бошқариш тизимида ҳам Бобур ва унинг ворислари ўз аجدоди Темур ва унинг давлатининг бошқариш усулидан кенг фойдаланганликлари, шунинг учун ҳам бобурийлар Ҳиндистонда жуда ҳам тез шуҳрат қозониб, узоқ муддат ўз мавқени сақлаб қолганликлари асарда ўз ифодасини топган.

Ҳиндистондан олиб келган инглиз, ҳинд тилларидаги асарларда Бобур ва унинг ворислари ҳақидаги бу каби лавҳалар, ҳужжатли материаллар талайгинадирки, уларни аста-секин юртдошларимизга таништириб борамиз.

Деҳлидан Агра сари йўл олдик. Орадаги масофа — 280 чақирим. Йўлнинг икки тарафи кўм-кўк дарахтлар, экин майдонлари, қишлоқлар билан қопланган. Йўл серқатнов. Шоли, бугдой ва бошқа экинлар кўзга ташланади. Айрим қишлоқларда масжидлар, бозорлар, расталар, ҳунармандчилик дўконлари, велосипед устахоналари ишлаб турибди. Ҳаёт қайноқ, одамлар гавжум. Чошгоҳда Аграга кириб келдик.

Бобур Ҳиндистонни забт этиб, бу азим шаҳарни ўзига пойтахт қилган. Унинг даврида бу шаҳар камол топган, «Бобурнома»даги мана бу сатрларни эсга олинг: «Панж-шанба кuni ражаб ойининг йигирма саккизида номози динар Ограга кириб, Султон Иброҳимнинг манзилига тушулди», «биз аввал Ограга келганда, бизнинг эл билан бу элнинг орасида ғариб муғоярат ва мунофарат бор эди. Сипоҳиси ва раняти бизнинг элдин кир-кир кочорлар эди». «Биз Ограга келганда иссиқ вақтлар эди, халойиқ тавахум дин тамом қочиб эдилар. Ўзга ва отқа ошлик ва хас топилмас эди...». Агра тўғрисидаги бу каби фикрлар «Бобурнома»да кўпдан-кўпдир.

Албатта, Бобур давридаги Агра ўзгача бўлган. Ҳозирги Аграда ҳам замонавий, ҳам тарихий манзара кўзга яққол ташланади.

Шаҳар ўртасидаги катта магазинда бобурийлар санъати ва маданиятига оид ноёб, ўзига хос совғалар, миниатюралар, гиламчалар сотилади. Афсонавий етти иқлим мўъжизаларидан бири Тож Маҳал тасвирланган шинам, гўзал ликопча, товоқ, мистовоқ ва бошқа совғалар ниҳоятда нафосат, юксак дид билан санъаткорона ишлангани билан кишини ҳайратга солади. Аграни томоша қиларканмиз гўё ўзимизни Бобурнинг меҳмони бўлиб келгандек, Бобур биз билан юриб, ўз замонасидаги буюк тарихий воқеаларни сўзлаб бераётгандек, Бобур ва унинг ворислари билан шаҳарни сайр қилаётгандек ҳис этдик.

Агранинг энг машҳур обидаси — бу Тож Маҳал. Бобурийлар даври меъморчилик санъатининг гултожи бўлган бу мўъжизакор кошонанинг ташқи қисмини, ёнидаги икки масжидни узоқдан туриб тасвирга туширдик. Чунки Тож Маҳал ансамблини, қабрлар, гумбазлар, мрамар тош ва унинг ичкарисидаги хилма-хил рангли деворлар, арабча ёзувда битилган Қуръонни қарим ва ҳадиси шарифдан келтирилган

сура, оятларни тасвирга олиш мумкин эмас. Бунинг учун ҳукумат ижозат бериши лозим.

Оқ мрамрдан қад кўтарган Тож Маҳал 30 йил қурилган. Ҳар куни минглаб одамлар ишлаган. Мрамр атрофдаги мамлакатлардан келтирилган. Наққошлар, меъморлар, усталар орасида туркистонлик, фарғоналиклар ҳам бўлган.

Кизил рангли ҳашаматли, нақшли бинолар, салобатли устунлардан ташкил топган узундан-узун, балад очиқ айвонлар, ўрталикларда эса кўм-кўк майса, ям-яшил дарахтлар, мрамрдан қилинган йўлаклар, ҳовуз, гуллар нақадар гузал ва датофатли. Бу бетакрор манзара киши қалбига оламжаҳон завқу-шавқ, ҳузур бағишлайди. Бизнинг аждодларимиз шу қадар юксак дидли, буюк санъаткор, меъмор, моҳир буюккор эканлигидан, улар қолдирган Тож Маҳалдек буюк обида мана IV асрки, бутун инсоният оламини лол қолдираётганидан ўзимизда йўқ даражада севиндик, фахринфтихор туйғусига тўлиб тошдик.

Мақбара атрофидан жой олиб, тиловоқ Қуръон туширдик. Чамаси 2 соатдан кўпроқ сайр қилиб, Бобур дафн қилинган Ором боғига, Боғи Оромга ҳиндлар талаффузида Ром боққа йўл олдик.

Жамна дарёсининг нариги бетидан бордик, йўл даврмида хилма-хил иншоотлар, кўчалар, гавжум, транспорт воситалари билан лиммо-лим тўла, турли хил ёдгорликлар, уларнинг аксарият кўпчилиги бобурийлар сулоласига дахлдор. Жамна дарёси кўпригидан ўтмоқдамиз. Кўприк тахминан 50-70 метр узунликда. Бу кўҳна дарёдан Бобур кўп маротаба ўтиб Оромбоғида ҳордиқ чиқарган. У вафот қилганда бутун Агра халқи шу кўприк орқали дафн маросимига келган. подшоҳ Бобур шу Оромбоғда дафн этилган.

29 сентябрь соат 11.15 да шу боққа кириб келдик. Боққа кирверишда йўлчилар дарвоза олдилари, ёнларини текислаб, асфальт ётқизиш учун тайёрлаб қўйишган.

Боғ деярли тўлалигича сақланиб қолган, катта дарахтлар, гумбазли очиқ айвонлар, боғни атрофлари ўша вақтдаги кизил рангли деворлар билан ўралган... ҳовуз ҳам бор.

Дарё бўйида иккита бир-бирига параллел ҳолда чор тарафлари очиқ айвонли иккита бино сақланиб қолган.

Шу жойга Бобур дафн этилган. 9 йил ўтгач, унинг жасди Қобулга кўчирилган. Бобур вафотидан сўнг унинг нурчашмалари фарзандлари бу табаррук боғда кўп бўлишган.

Ҳиндистонда чоп қилинган асарлардан бирида шундай дейилган: «Хумоюн ўзининг ҳукмронлик даври мобайнида биринчи марта ўз укалари билан Аграда тўпланди. Улар Аграга Ҳиндолнинг Хумоюнга қарши қўзғолоғини отаси кўмилган боғда очиқчасига гаплашиб олишди».

Деҳли мозийгоҳи мутасаддиси Г. Н. Пант Бобур ҳақида анча ривоятлар айтиб берди. Улардан айримларини ҳавола этаман

Бобур исми арабчада «шер» маъносини англатади, бу ном чиндан ҳам Бобурнинг исми ва жисмига монанд эди. У жуда келишган қадди-қоматли, кучли, довжорак, эпчил, чаққон киши бўлган. Айни вақтда ўта иродали, унча-мунча қийинчиликларни писанд этмасди. У овга чиққанда чиндан ҳам шер ҳолатида бўларди. Бобур кўпинча икки норғул одамни қўлтиқлаб олиб, Агра қалъаси деворлари устида югуриб машқ қилган.

У ажойиб сузувчи ва ғаввос ҳам бўлган ва Гангадан бошқа жамики ҳинд дарёларини сузиб ўтган... Бобур табиати ва баъзи жамшидларни дили-жони билан яхши кўрарди. Айниқса тоғларни, дарёларни, боғларни, яйловларни кўрганда завқи-шавқи тугён уриб, мисоли булбулигўё бўлиб, аллоҳни бир дам хотиридан фаромуш қилмаган. Аммо мутаасиб даражасига боришдан ўзини тия олган. Сўзамол нотик, истеъдодли саркарда, ор-номуси кучли инсон бўлган Бобур, афсуски, давлат арбоби сифатида бундай баркамолликка эриша олмаган. У ўз ғалабаларини барқарор сақлаб қола олмаган, мамлакатни идора этишда кўп камчиликларга йўл қўйган. Унинг ҳукмдорлиги даврида муҳим маҳкама мавжуд бўлмаган. Бобурнинг кўпгина ишлари поёнига етмай қолиб кетган, шу сабабдан ҳам ўғли ва валиаҳди Хумоюн кейинчалик бунинг озмунча жабрини тортмаган.

1530 йилнинг март ойида Бобур Лоҳурда бўлади, қайтишда Деҳли яқинида шикор баҳонасида 2 ой туриб қолади. Ниҳоят, августда Аграга қайтиб келгач Самбҳалда валиаҳди Хумоюннинг қаттиқ дардга мубтало бўлгани тўғрисида хабар келади. Хумоюнни Деҳлида кемага солишиб, дарё билан Аграга олиб келишади. Сарой табиблари бу оғир дардга ҳеч бир даъво топа олмайдилар. Табибларнинг уринишлари кор қилмаётганини кўриб Бобур ўзинча иш тутади. Аллоҳ таолодан Хумоюннинг ўрнига менинг жоним-

ни ол, деб сидқидилдан илтижо қилади. Кексайиб қолган Шайх-ул-ислом қиймати улкан олтин хазиналарга баробар келадиган «Қўҳи Нур» олмосини худо йўлига бағишлаб юбориши ҳақидаги маслаҳатини рад этади. Бобур Ҳумоюн ётган тахтиравонни 3 марта айланиб: «Менки Бобурман, агар жон бериш керак бўлса, жисму-жонимни Ҳумоюнга қурбон қилдим! Азроил менинг жонимни олсину, худо Ҳумоюнга шифо берсин», — деб такрорлайди.

Гулбадан бегимнинг «Ҳумоюннома» асарида ёзишича, эртасигаёқ Ҳумоюннинг аҳволи яхшилана бошлаб, Бобурнинг мазаси қочади. Шу ётганича у 2 ой ўрнидан туролмайди ва 1530 йил 26 декабрда 48 ёшида бандаликни бажо келтиради.

Бобур Аградалигида Жамна дарёси ёқаларида бир қанча боғлар Боғи Хашт Беҳишт, Хилватхона, Зарафшон боғи, Нурафшон ва Оромбоғларни яратган. Унинг ўзи эса Оромбоғда дафн қилингани маълум. «Агра» номли инглиз тилидаги китобда бу боғ ҳақида шундай маълумот бор: «Ром боғи ёки дам олиш, истирожат боғи Чинака Роувзадан 2 километр шимолдаги қадимий мўғулларнинг Ҳиндистондаги боғи. У ерга Мўғул империяси асосчиси Бобур қўйилган. Жамна дарёсининг чап қирғоғига жойлашган. 1528 йил асос солинган бу авлодлар ёдгорлиги инглиз мустамлакачилар келганида хавф остида қолганди. Бу боғ Бобурнинг энг сеvimли ҳордиқ чиқарадиган маскани эди. Унинг набираси буюк Жаҳонгир ва хотини ҳам ўша боғда истироҳат қилишга жуда ўрганган эди».

Ҳиндлар инглизлар тажовузидан бу боғни сақлаб қолиш мақсадида унинг асл номини яшириб, бу боғ бобурийларники эмас, Оромбоғ эмас, балки Ром боғдир деб айтишган. Шундан бери бу боғ Ром боғ деб аталаркан. Бобур яратган Ором боғи яхши сақланиб қолган, Бобур дафн этилган жойни зиёрат қилдик. Бу ер маълум вақт ташландиқ бўлиб турган. Ҳозир мана таъмирлов ишлари бошланибди. Ҳар ҳолда ҳозир ҳам одамлар келиб турибди.

Самарқанд, Бухородаги осори-атиқаларга ўхшаш келик, кийик, оққушлар рамзи тасвирланган ниллий гумбазлар узоқ ўтмишни эслатиб турибди. Жамна дарёси соҳилидаги бу баҳаво табаррук масканда ўз замонида Бобур одамларни қабул қилган, элчилар билан суҳбат қурган, куй тинглаган, шеър битган, «Бобурнома» сатрларини ёзган.

Аградан яна Деҳлига қайтдик. Бобур изларини, меро-  
сини излаб, Ҳиндистон миллий мозийгоҳига бордик. Бобу-  
рийлар даврига оид бир қанча миниатюраларни кўрдик. Бу  
ерда Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон ва  
бошқаларнинг суратлари, «Бобурномадан» парчалар ҳам  
бор экан. Аммо пойтахтдаги миллий мозийгоҳда Ҳиндистонни  
332 йил идора қилган бобурийлар сулоласи даврини акс  
эттирувчи махсус бўлим, ҳатто бирон бурчак, маълум ҳуж-  
жатлар йўқлигига ажабландик. Мозийгоҳ мутасаддилари бу-  
дай иш Лондондаги мозийгоҳда бор деб жавоб қилдилар.  
Аммо орадан ҳеч вақт ўтмасдан Ўзбекистон Фанлар Ака-  
демияси Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи олим-  
лари Ҳиндистонга қилган сафарига шу биз бўлган мозий-  
гоҳдан Бобур ва бобурийларга оид қизиқарли, муҳим ҳуж-  
жатлар топишга муваффақ бўлдилар. Санъат мозийгоҳида  
Бобурнинг иккита янги девонини топишди. Миллий мозий-  
гоҳдан эса Бобур авлодлари Ҳумоюн ва Камронларнинг де-  
вонларини аниқлаш имконига эга бўлишди. Деҳли мозий-  
гоҳида ҳозирда Камрон Мирзонинг туркий тилда ёзган де-  
вони сақланмоқда.

Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, ташналик туфайли  
Бобур Агра билан Қобул орасидаги карвон йўлини тикла-  
моқчи бўлди. Агра билан Қобул орасидаги карвон йўли  
масофасини ҳисоблатди. Унинг ҳар 9 куроҳига карвонсарой,  
ёнига кузатув миноралари қуришни буюрди. Бу билан у  
Ҳиндистон, Қобул, Туркистон, Фарғона хаяқлари орасидаги  
савдо, маданий-адабий алоқаларни мустаҳкамламоқчи бўл-  
ганди.

Заҳриддин Бобур шоҳона салтанат, энг олий даража-  
даги дабдабалар олдида бош эгмади. Бир умр ўз тақдирига  
кўнмай таваллуд топган, вояга етган она Ватани — Анди-  
жонига бўлган юрак тугёнларини умрбод қалбида сақлаб  
қолди.

Ҳиндистон диёрида ёзган мана бу мисралари Бобур жо-  
нажон Ватанини нақадар соғинганини ифодалаб турибди:

**Кўпдан бериким ёри-диёрим йўқдур,  
Бир лаҳза-ю, бир нафас қарорим йўқтур.  
Келдим бу сари, ўз ихтиёрим бирла  
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.**

Аградалигида ёзган мана бу сатрларнда ҳам Бобурнинг Ватанга бўлган ташналиги ўз ифодасини топгандур:

Умрим ҳамма фиროғ-у ҳижронда ўтди ғаму-ғусса била  
Бу қиймат баҳо умр арзон ўтди ранжу аламла,  
Самарқанд, Ҳиротда ўтмаган умр айшу ишратла  
Афсус Аграда вайрон бўлди, жабру ситамла.

Деҳлида университетлар кўп. Уларнинг сардори Жавоҳарлал Неру номли Бош университетдир. Университетда ва унинг тарих қуллиётида Бобур ва бобурийлар тарихи қандай ўқитилиши, бу ердаги бобуршунос олимлар билан қизиқдик. Биз турган Канишка номли улкан меҳмонхона билан университетнинг ораси 15 чақирим. Моторишка 30 рупийга (1 доллар) обориб қўяркан.

Тарих факультети декани, катта профессор Сатиш Саббервал инглиз, ҳинд тилини, камина ўзбек ва рус тилини билганим учун суҳбатлаша олмадик. Ниҳоят, декан доктор Рабиндран Натх Варманни ҳузуримга чақирди. Бу профессор собиқ Ленинградда ўқиган, илмий иш қилган экан, рус тилини яхши биларкан. Омадимиз келиб, суҳбатимиз қизиқ кетди. Андижон ва Деҳли Бош университетининг ҳамкорлиги, Бобур ва бобурийлар даври тарихини илмий тадқиқ этиш, ўқитиш ва шу соҳа бўйича мутахассис илмий ходимлар тайёрлаш юзасидан қизғин муҳофиза юртдик.

Тарих факультетида 200-300 талаба таҳсил олар экан. Ҳар йили 60 талаба қабул қилинар, ўқиш магистр даражасида экан, яъни бошқа университетларда бакалавр босқичини ўтаганлар қабул қилинаркан. Улар илмий ходим бўлиб чиқарканлар. Аспирантура, докторантура, диссертация ҳимоя қилиш учун илмий кенгаш бор экан. Факультетда 26 профессор, ассочейт профессор, ассистент профессор бўларкан. Уларнинг оладиган маошларида ҳам фарқ бор. Катта профессор 8 минг рупий олади. Бу — АҚШнинг пули билан 266,6 доллар, бизнинг пул билан эса камида 500000 сўм, кичик профессор 4 минг рупий оларкан.

Тарих ихтисослиги бўйича ўқув режаси уч бўлимдан иборат: биринчиси — қадимги тарих, иккинчиси — ўрта асрлар тарихи; учинчиси — янги ва энг янги замон тарихи. Ўрта асрлар тарихи бўлимида Темурийлар, бобурийлар (улар мўғуллар деб аташади) даври тарихи ўқитиларкан.

Хуллас, университетда Урта Осиё тарихи ҳам ўқитилиши диққатга сазовордир.

Мактабни битиргандан сўнг уч йил бакалаврда, уни битиргандан сўнг магистрада икки йил ўқишаркан. Талабалар магистрадан сўнг аспирантурага киришаркан. Диссертация ҳимоя қилиниши биланоқ уларга илмий унвон дипломи топшириларкан. Талабалар ҳафтасига 16 соат аудитория дарсини ўтайди. Қолган вақтда мустақил ўқишади.

Университетга 1971 йилда асос солинган. Тарих факультетининг биринчи ўқитувчиси профессор Гопал бўлган. У Ҳиндистон президенти Рада Кришнанинг ўғли. Гопал Жавахарлал Нерунинг ҳаёти, фаолияти ҳақида кўплаб китоблар ёзган. Урта асрлар тарихининг йирик мутахассис олими, катта профессор, академик Сафишенра, қадимги тарихдан, профессор Рамил Капал каби забардаст олимлар ҳам шу университетда ишларканлар.

Бобуршунос олимлардан К. К. Триведи, Музаффар Алъам ва талабалар билан Бобур ва бобурийлар ҳақида суҳбатлашдик. Профессор Музаффар Алъам мусулмон, форс тилини яхши билади, у киши бизга 1986 йилда чоп қилинган 1707-1748 йиллар даврини ўз ичига олган «Ҳиндистон Шимолида мўғуллар империясининг таназуули» номли асарини дастхат билан туҳфа этди.

Профессор Рабиндран Варма Бобур ва унинг ворислари Ҳиндистон дёрида жуда ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинishi ҳақида гапирди. Жумладан, у шундай деди: «Бобур бизда жуда ҳам қадрлидир. Чунки у биринчи бўлиб ерли хинд халқи ва ўзи билан бирга келган туркий, мўғуллар билан биргаликда кичик, — князликлардан бутун Ҳиндистон бўйича марказлашган йирик давлат ташкил қилди. Бу давлат Ҳиндистоннинг ўрта асрлар тарихида энг кўп муддатда яшаган салтанатдир. Хинд ўқитувчилари, талабалари жуда ҳам қизиқиш билан Бобур тарихи билан шуғулланишади. Айниқса, унинг дёримизда биринчи бўлиб мустақил, марказлашган давлат тузишдаги, уни бошқаришдаги буюк хизматларини бениҳоя қадрлашади. Биз Бобур билан бирга Ҳиндистонга келган ўзбеклар тарихини текширишга кўп қизиқамиз. Унинг сафдошларининг деярли ҳаммаси ўзбеклар бўлган.

Бизда Турон деган номга ҳам қизиқиш ғоятда кучлидир. Ахир Бобур ва Сиз ҳам ўша тарихий Турондансизлар-





Ҳумоюн Мирзонинг кексалик чоғи

— 109 —

да... Бобур жуда ажойиб, дилбар шахс, у Ҳиндистонда марказлашган янги давлатга асос солиб, Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида алоқа ўрнатди».

Афсонавор етти иқлим мўъжизаси бўлган Ҳиндистон дёридаги 7 куплик сафаримиз қандай кечганини сезмай қолдик. 2 октябрда Деҳлидан Тошкентга учдик. Самолётда тасодифан Нажиб ур Раҳмон билан танишиб қолдим. У асли деҳшлик, ҳозирда Харьков тиббиёт институтининг аспиранти, рус тилини яхши билади. Суҳбат чоғида у Бобур ва бобурийлар тарихи мактаб ва колледжларда ҳам яхши ўқитилишини айтиб берди. Узи ҳам бу мавзунини анча биларкан. «Бобурийлар даврининг акс эттирувчи қандай бадий фильмлар Ҳиндистонда ишланган?» — деган саволимга суҳбатдошим ҳозирча тўртта — «Мугле-Аъзам», «Тож Маҳал», «Нуржаҳон», «Баху-Бегим» фильмлари яратилганини айтди. Ҳозиргача Бобур авлодидан вакил борлиги мавҳум эди. Аксарият ҳолларда унинг ҳеч бир авлоди қолмаган деб келишар эди. Чунки инглизлар Ҳиндистонни забт этганларида бобурийлар наслини қириб юборганди. Бобурийлар сулоласининг энг сўнгги вакили Баҳодиршоҳ II қамоқхонада вафот қилган. У шоир ҳам эди. Урду, форс тилларида шеърлар битган, асарлари чоп қилинган. Нажиб ар Раҳмон бобурийларга мансуб кишилар қолганми? деб сўраганимда шундай жавоб қилди:

— Деҳлида бир аёл яшайди. Унинг исми Покизабегим. Еши 50-55 ларда. Хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар қилиш Ҳиндистон ташкилотидagi катта кутубхонага директорлик қилади. Покизабегим эски Деҳлида яшайди. Узи бева, опаси бор. Мен у билан бир неча бор кўришганман, суҳбатлашганман. У Бобур авлодидан эканини кўп айтган. Деҳлига яна бир келганингизда қариндошларим орқали сизни бу аёл билан учраштираман. Ҳозирча мен уйга хат ёзиб, Покизабегимнинг суратини, Бобур ҳақидаги маълумотларини олдириб, Андижонга юборишга ҳаракат қиламан.

Бу — биз учун кутилмаган янгилик бўлди. Буюк юртошимиз Бобур изидан бориб, у ва унинг ворислари тарихининг ҳалигача ёритилмаган саҳифаларини очиш, улардан ўзбек халқимизни баҳраманд этиш борасида яна изланишни давом эттириш иштиёқи билан сафардан қайтдик.

Бобур авлодидан яна бир киши аниқланганлиги матбуотимизда эълон қилинди. Ҳайдарободда «Буюк мўғуллар сулоласи» жамияти Бош котиби, бобурийлар сулоласининг энг сўнгги вакили Баҳодиршоҳ Зафарнинг набираси Зиёвиддин Тусий яқинда Президентимиз И. А. Каримовга мактуб йўллади. «Ўзбекистоннинг буюк халқи, — дейлади хатда, — менинг улуғ бобокалоним, жаҳонгир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётгани мен учун чиндан ҳам оламшумул воқеадир. ...Сиз жаноби олийларининг бобокалонимиз Бобур ҳазратларини Ўзбекистоннинг буюк қаҳрамони сифатида юксак меҳр ва эҳтиром билан таърифлаганингизни матбуот хабарларидан ўқиб, бошим кўкларга етди. ...Умид қиламанки, бобокалонимиз Бобур ҳазратларининг таваллуд тўйлари олий мақом даражада ва беҳад гўзал нишонланажак».

Президентимиз И. А. Каримовнинг жавоб хатида жумладан шундай дейилган: «Қардош Ҳиндистон диёрида бобокалонимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур сулоласининг вакиллари улуғ аждодлари хотирасини асрлар оша асраб-авайлаб келаётганликлари биз учун беҳад қувонарлидир. Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатидагина эмас, қомусий аллома, мумтоз шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий ғуруридир. Ул зоти шарифнинг юртимизда нишонланаётган 510 йиллик тўйи шу юксак эҳтиромдан яна бир далолатдир. Бу шодиёна Сизларнинг ҳам, бизнинг ҳам байроғимиз бўлажак, юртимиз дарвозалари Сизлар учун ҳаминша очиқ...».

Ҳиндистонга яна бориш, бошланган ишни давом эттириш, Калькуттадаги Виктория мозийгоҳидаги ҳужжатлар билан танишиш, Жайпур, Лакнау шаҳарларида, Бангладешнинг Дакка шаҳри, унинг атрофларидаги Бобур ва унинг авлодлари яратган кўпдан-кўп тарихий обидаларни, Лондондаги музей материалларини ўрганиш келгусида Бобур номили Андижон Давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасида ташкил бўлган «Мерос» номили илмий-маърифий марказ томонидан қилинадиган вазифалардир.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Бобурмиро ҳақида қўҳна Эрон сўзлайди	7
Туркия диёрида	18
Сурия	34
Йордания	38
Саудия Арабистонида	40
Бирлашган Араб амирлигида	60
Яна Эрон тупроғида	63
Покистон диёрида	74
Қўҳна афғон диёрида	130
Бобур изидан Ҳинд сори юзланганда	177

### «Мерос» илмий-маърифий маркази.

Босмахонага 1993 йил 27 сентябрда берилди. 1993 йил 18 октябрда босишга рухсат этилди. Формати 60x84 1/16. Тиражи 3000 нусха, 12,5 нашр тобоқда. Буюртма 2350. Нелишилган нархда сотилади.

«Андижон» нашриёти босмахонаси, 710000, Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71.